

# **Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий хуқуқларни баҳолаш: айрим қонунлар ва амалиёт таҳлили**

Таркиби турли мамлакатларнинг 60 нафар етакчи судья ва юристларидан ташкил топган Юристлар халқаро комиссияси (ЮХК) миллый ва халқаро одил судлов тизимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзининг ноёб юридик тажрибасидан фойдаланиб, қонун устунлиги тамойилларига амал қилиш орқали инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоялашга хизмат қиласди. ЮХК 1952 йилда яратилган. Ташкилот дунёнинг бешта қитъасида фаолият юритиб, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳуқуқни тобора ривожлантириш ва самарали имплементация қилиш; фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти ва юридик касбнинг мустақиллигини кафолатлашга интилади.

® Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни баҳолаш: айрим қонунлар ва амалиёт таҳлили

© Авторлик ҳуқуқи: Халқаро юристлар комиссияси, 2021

Юристлар халқаро комиссияси (ЮХК) ўз нашрларининг парчаларини унинг манбаи кўрсатиб ўтилиши ва ушбу нашрнинг иккинчи нусхаси ва унга тегишли парча манзили қўйида кўрсатилган ХЮКнинг марказий бўлимига юборилиши шарти билан босиб чиқаришга рухсат беради:

**International Commission of Jurists**

P.O. Box 1270  
Rue des Buis 3  
1211 Geneva 1  
Switzerland

[www.icj.org](http://www.icj.org)

Ушбу нашр Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги билан тайёрланган. Унинг мазмуни бўйича ягона масъулият Юристлар халқаро комиссияси (ЮХК) зиммасига юкланиб, у Европа Иттифоқининг нуқтаи назарини ифода этмаслиги мумкин.



**Ўзбекистонда  
иқтисодий ва ижтимоий  
ҳуқуқларни баҳолаш:  
айрим қонунлар  
ва амалиёт таҳлили**



# Мундарижа

---

<b>Кириш . . . . .</b>	5
<b>I-боб. Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг умумий асослари . . . . .</b>	10
<b>Давлатларнинг ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишда халқаро мажбуриятлари . . . . .</b>	10
<b>Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими . . . . .</b>	11
<b>Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар борасида одил судлов имконияти . . . . .</b>	15
Одил судлов имконияти ва ИИМ ҳуқуқлар бузилганда халқаро ҳуқуқдаги самарали ҳимоя воситалари . . . . .	15
Судлар орқали одил судлов имконияти: ИИМ ҳуқуқларни Ўзбекистонда судда ҳимоя қилиш имконияти . . . . .	17
ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилишга тўсиқлар . . . . .	18
Судларнинг мустақиллиги . . . . .	18
Мустақил юридик ёрдам имконияти . . . . .	19
Юридик ёрдам олиш имконияти . . . . .	20
Кўриб чиқиш вақти . . . . .	21
Қарорлар қабул қилиш сифати ва суд қарорлари билан танишиш имкорияти . . . . .	23
COVID-19 ва одил судловдан фойдаланиш имконияти . . . . .	25
<b>Камситмаслик ва ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти . . . . .</b>	26
Камситмаслик ва ИИМ ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқда . . . . .	26
Камситмаслик ва Ўзбекистон қонун ҳужжатларида ва амалиётда ИИМ ҳуқуқлари . . . . .	27
Аёлларга қарши камситиш . . . . .	29
Ногиронлик бўйича камситиш . . . . .	30
<b>Хуносалар . . . . .</b>	31
<b>II-БОБ. МОНАНД УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ . . . . .</b>	32
<b>Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар . . . . .</b>	32
<b>Миллий ҳуқуқий асос, низомлар ва амалиёт . . . . .</b>	34
Мажбурий қўчириш . . . . .	38
Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар . . . . .	38
Миллий ҳуқуқий асос ва амалий масалалар . . . . .	39
Самарали ҳимоя воситалари ва монанд уй-жойга эга бўлиш . . . . .	44
<b>Хуносалар . . . . .</b>	45
<b>III-боб. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи . . . . .</b>	46
<b>Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар . . . . .</b>	46

<b>Миллий ҳуқуқий асос, сиёсат ва амалиёт . . . . .</b>	48
Давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимлари . . . . .	52
Халқаро ҳуқуқий асос . . . . .	52
Миллий ҳуқуқий ва амалий масалалар . . . . .	53
Касалликлар, пандемия ва эпидемиялар . . . . .	55
Камситмаслик . . . . .	60
Халқаро стандартлар . . . . .	60
Ўзбекистонда ҳуқуқий ва амалий муаммолар . . . . .	61
Одил судлов имконияти . . . . .	63
<b>Хулосалар . . . . .</b>	64
<b>IV-боб. Мехнат қилиш ҳуқуқи ва иш жойидаги ҳуқуқлар . . . . .</b>	65
Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар . . . . .	65
Миллий ҳуқуқий асос, сиёсат ва амалиёт . . . . .	67
Умумий ҳуқуқий асос . . . . .	67
Камситмаслик . . . . .	68
Иш жойида аёлларга нисбатан камситиш . . . . .	68
Ногиронлиги бўлган шахслар . . . . .	71
Мажбурий меҳнат . . . . .	72
Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар . . . . .	72
Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат . . . . .	74
Мамлакатдаги энг кам иш ҳақи . . . . .	75
Норасмий ишчилар . . . . .	77
Одил судлов имконияти . . . . .	80
<b>Хулосалар . . . . .</b>	83
<b>V-боб. Хулоса ва тавсиялар . . . . .</b>	84
Тавсиялар . . . . .	86
Суд тизимига тегишли тавсиялар . . . . .	86
Ижроия ҳокимият ва парламентга доир тавсиялар . . . . .	87
Хусусий ИИМ ҳуқуқларга доир тавсиялар . . . . .	88

# Кириш

---

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар (ИИМ ҳуқуқлар), фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар каби, инсон қадр-қимматини сақлаш учун ажралмас ҳуқуқ ҳисобланади<sup>1</sup>. Давлатлар 1993 йилда Венада келишиб олганидек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва ИИМ ҳақуқларга бир хилда муносабат бўлиши керак, чунки «инсоннинг банча ҳуқуқлари ялпи, бўлинмас ва ўзаро боғлиқ»дир<sup>2</sup>. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарнинг офици тушунтириш берганидек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва ИИМ ҳуқуқлари орасида замирий фарқ йўқ<sup>3</sup>.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ИИМХХП) каби шартномалар ушбу шартномаларда тараф бўлган давлатлар учун мажбурий бўлиб, давлатлар уларни астойдил бажаришга чоралар кўради<sup>4</sup>. Тараф бўлган барча давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси, ушбу ҳуқуқларни, жумладан соғлиқни сақлаш; уй-жой; озиқ-овқат; сув ва санитария; таълим олиш; меҳнат қилиш; ва ижтимоий суғурта ҳуқуқларни муҳофаза қилиш ва таъминлаш борасида ҳалқаро равишда бажарилиши шарт мажбуриятларни зиммасига олган<sup>5</sup>. Шундай қилиб, булар давлатларнинг хайриҳоҳлигига боғлиқ неъматлар эмас, балки улар ушбу ҳалқаро мажбуриятларни бажаришни зиммасига олган давлатлар кафолатлаши лозим бўлган ҳуқуқлар ҳисобланади.

ИИМХХП бу соҳадаги асосий умумжаҳон шартномалардан бири ҳисобланади—Ўзбекистон қатнашган бошқа шартномалар<sup>6</sup> муайян гурух қишиларга, жумладан хотин-қизлар, болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ИИМ ҳуқуқлари кафолатларини тақдим этади<sup>7</sup>. Ушбу ва инсон ҳуқуқлари борасидаги бошқа шартномаларга биноан давлатлар ўзларининг ҳалқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларини ички ҳуқуқий тизимлари: соғлиқни сақлаш, уй-жой, озиқ-овқат ва озиқланиш, таълим ёки меҳнат каби масалаларга доир қонунлар, низомлар ва амалиёт орқали бажарадилар<sup>8</sup>.

Ушбу ҳисоботда қонун ва низомлар, шунингдек ИИМ ҳуқуқлари бузилган, деб тахмин қилганлар учун одил судлов ва суд орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти орқали Ўзбекистон ушбу мажбуриятларини бажараётганининг баъзи жиҳатлари кўриб чиқилди. Бунда ушбу ҳуқуқлар ҳимоя қилинишининг умумий ҳуқуқий асослари кўриб чиқилар экан, Ўзбекистонда мавжуд монанд уй-жой, соғлиқни сақлаш, ва иш жойидаги ҳуқуқларга доир хусусий муаммолар батафсилроқ кўриб чиқилди.

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси (Бош Ассамблеянинг 217 А резолюцияси), 1948 й. 10 декабр, 22-модда.

<sup>2</sup> Вена декларацияси ва ҳаракат дастури. Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган, 1993 й. 25 июнь, 5-модда.

<sup>3</sup> ИҲОКО, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида тез-тез сўраладиган саволлар, Ахборот бўллетеши, № 33, <https://www.ohchr.org/Documents/Publications/FactSheet33en.pdf>. 8-бет.

<sup>4</sup> Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси, Венада 1969 й. 23 май куни битилган, 26-модда.

<sup>5</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ИИМХХП). Бош Ассамблеянинг 1966 й. 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган ва имзолаш, ратификация қилиш ва кўшилиш учун очилган, 1976 й. 3 январда кучга кирган, 2-модда. Ўзбек тилидаги матнни қаранг: <https://kasaba.uz/wp-content/uploads/2015/06/Пакт-2.pdf>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон ИИМХХПга 1995 й. қўшилди (қаранг: [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/TreatyBodyExternal/Treaty.aspx?CountryID=189&Lang=EN](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/TreatyBodyExternal/Treaty.aspx?CountryID=189&Lang=EN)).

<sup>7</sup> Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро пакт (ФСҲХП) (Ўзбекистон 1995 й. 28 сентябрда қўшилди); Аёлларга қарши камситишга барҳам бериш тўғрисида конвенция (Ўзбекистон 1995 й. 19 июлда қўшилди); Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция (Ўзбекистон 1994 й. 29 июняда қўшилди); Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида ҳалқаро конвенция (Ўзбекистон 1995 й. 28 сентябрда қўшилган.); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (Ўзбекистон 2009 й. 27 февралда имзолади); Мигрант ишчилар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқлари тўғрисида ҳалқаро конвенция (Ўзбекистон қўшилмаган).

<sup>8</sup> ИИМХХП, 2-модда.

Хуқуқлар амалда бўлиши учун улар нафақат қонун ҳужжатлари ва низомларда назарда тутилган, балки барча учун, тенг асосда, улардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим<sup>9</sup>. Ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти ахборотдан фойдаланиш имкониятини талаб қиласди, ва ҳуқуқлардан фойдаланиш йўлидаги жисмоний, маъмурий, иқтисодий ёки маданий тўсиқлар олиб ташланиши, шунингдек ушбу ҳуқуқларга риоя қилиниши учун одил судлов ва ҳимоя (жумладан, суд орқали) воситаларидан фойдаланиш имконияти талаб қилинади<sup>10</sup>. Шунинг учун халқаро ҳуқуқ бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти ҳуқуқлари бузилганлигини даъво қилганлар учун одил судлов самарали ҳимоя воситаларидан<sup>11</sup> тенг ва таъсирли фойдаланиш, жумладан компенсация, имкониятини яратиш яхлит мажбуриятини қамраб олади<sup>12</sup>.

Ундан ташқари, ички қонун мумкин қадар инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро мажбуриятлар билан интеграцияланган ва изчил қўлланишиши лозим<sup>13</sup>. Ички қонун, жумладан Конституция, қонунчилик акти ёки маъмурий фармойишлар ва халқаро ҳуқуқ нормалари орасида зиддият юзага келганда, Давлат ички қонун ҳужжатларни халқаро мажбуриятларини бажаришга ожизлигининг сабаби қилиб кўрсата олмайди<sup>14</sup>. Дарҳақиқат, бу ёндашув Муқаддимасида «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини» тан олган Ўзбекистон Конституцияси<sup>15</sup> билан уйғунлашади.

Ўзбекистон, лозимлигича, Шартномавий ҳуқуқ бўйича Вена конвенциясида (ШҲВК) жорий этилган позицияни қабул қилиб, ўзининг БМТнинг Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар бўйича Қўмитасига (ИИМҲҚ) тақдим қилган ҳисботида таъкидлайди:

*«...Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлигини мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги жорий қонун ҳужжатларида мужассам тамоийил, деб эълон қилинади, бунда агар Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномада Ўзбекистон қонунида назарда тутилган қоидадан фарқли норма белгиланган бўлса, Ўзбекистонда халқаро шартнома қоидалари устунликка эга эканлигини, расмий ифода этади»<sup>16</sup>.*

<sup>9</sup> Масалан, ИХУД, 7-модда; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, 26-модда.

<sup>10</sup> Инсон ҳуқуқлари қўпол бузилиши ҳолларида тиклаш ва компенсация олиш ҳуқуқи. Амалиётчи учун йўриқноманинг қайта кўриб чиқилган нашри, 2018, <https://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-reparation-for-gross-human-rights-violations-2018-update-to-practitioners-guide-no-2/>. 65–81-бетлар.

<sup>11</sup> Ўша жойда.

<sup>12</sup> Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг қўпол бузилиши ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилиши қурбонлари учун тиклаш ва компенсация ҳуқуқларининг асосий тамоиллари ва шунга доир йўриқнома. Бос Ассамблеяning 2005 й. 16 декабрдаги 60/147 резолюцияси билан қабул ва эълон қилинди, 3-тамоийил; БМТнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси (ИИМҲҚ), 9-сонли умумий шарҳ; Пактни мамлакатда қўллаш, 1998 й. З декабр, Е/C.12/1998/24, 2–3-бандлар; ИИМҲҚ, 24-сонли умумий шарҳ; Давлатларнинг тадбиркорлик шароитида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича мажбуриятлари, 2017 й. 10 август, Е/C.12/GC/24, 39-банд; ИИМҲҚ, 20-сонли умумий шарҳ, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларда камситмаслик, Е/C.12/GC/20, 2009 й. 2 июл, 40-банд.

<sup>13</sup> Қонун орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси), Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг ички қонун ҳужжатларида имплементацияси ва судлар роли, CDL-AD(2014)036, 2014 й. 8 декабр, [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD\(2014\)036-e](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=CDL-AD(2014)036-e), 113-банд.

<sup>14</sup> Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 27-моддаси баён қиласди: «Тараф ўз ички қонунининг қоидаларини шартномани бажаришга ожиз бўлишининг сабаби қилиб кўрсата олмайди. Ушбу қоида 46-моддага зиён қилмайди». 46-модда баён қиласди: «46-модда. 1. Давлат шартномани бажатишга мажбурилигига рози бўлгани ички қонун ҳужжатларининг шартномалар тузиш ваколатига тегишли қоидаларига зид ҳолда берилганлигини розиликни бекор қилувчи ҳолдек келтиришга ҳақли эмас, бузилиш яққол бўлиб замирий аҳамиятга эга ички қонун қоидасига тегишли ҳоллар бундан мустасно. 2. Агар бузилиш ушбу масала борасида одатдаги амалиёт асосида ва астойдил ҳаракат қилаётган давлат учун аён бўлса, бузилиш яққол ҳисобланади».

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 й. 8 декабр, <https://lex.uz/docs/4032775>.

<sup>16</sup> Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш тўғрисидаги учинчи даврий ҳисботи, Е/C.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 46-банд.

ИИМҲХП каби шартномалар ИИМ ҳуқуқларни муҳофаза қилиш учун асос яратган ҳолда, ҳуқуқлар Давлатлар томонидан ички қонунларда имплементация қилинади. Бу маънода бир қатор ички қонунлар аҳамият касб этади, меҳнатга доир қонунлардан тортиб камситмаслик, соғлиқни сақлаш ва тиббиётни тартибга соловчи, уй-жойга доир қонунларгача. Шунингдек, судларга ёки низоларни ҳал қилиш бошқа механизмларга мурожаат қилишга ва ушбу механизмларнинг мустақиллиги ва самадорлигига таъсир кўрсатадиган қонунлар ҳам инобатга олиниши лозим.

Мазкур ҳалқаро мажбуриятларни бажаришда ички ҳуқуқий асоснинг муҳимлиги Ўзбекистонда юз бераётган сезиларли ҳуқуқий ўзгаришлар пайтида айниқса диққатга сазовор. Ўзбекистон яккаланиш сиёсати хос бўлган ўтмишидан воз кечиб, 2016 йилда Президент Мирзиёев раҳбарлигидаги давлат маъмурияти ваколат олганидан бери, институтлари, тартиблари, қонунлари ва низомларида кенг қамровли ислоҳотлар ўтказди. Кодекс ва бошқа қонунларни, жумладан Конституцияни чуқур қайта кўриб чиқиш ҳамон давом этмоқда<sup>17</sup>. Ушбу ислоҳотларнинг кўпи ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишга доир соҳаларга, жумладан соғлиқни сақлаш тизими, болаларни ҳимояси ва гендер зўравонлик ва одил судловга мурожаат қилишга дахлдор.

Муҳимки, биринчи қадамлар суд тизими борасида қўйилди, мазкур тизим эса инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этиди. Ислоҳотлар, бошқа жиҳатлар билан бир қаторда, суд тизимида апелляция жараёнидаги ўзгаришларга, суд тизимида Судьялар олий кенгаши бошчилигида ўзини ўзи бошқариш тизими барпо этилишига ва судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш ва лавозимда муддатларида янги тартибга олиб борди<sup>18</sup>.

Ислоҳотларнинг ушбу иқлими инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида ҳалқаро ҳуқуқ стандартлар ва механизмларни кўпроқ жалб қилишга очиқликни ҳам келтирди. Ўзбекистон қатор асосий инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон шартномаларга қўшилган, жумладан: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ИИМҲХП); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (ФСҲҲП); Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Ҳалқаро конвенция (АКБҲК); Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Ҳалқаро конвенция (ИКБҲК) ва Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция (БҲК)<sup>19</sup>. Ўзбекистон Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) турли Конвенцияларига қўшилган, булар меҳнат қилиш ҳуқуқи муҳофаза қилиш ва иш жойидаги шароит учун аҳамиятли<sup>20</sup>.

Бироқ Ўзбекистон ИИМ ҳуқуқлар учун муҳим бўлган БМТ шартномаларига биноан имконияти мавжуд алоҳида шикоят механизmlарига, жумладан ИИМҲХП, АКБҲК ва БҲКга қўшимча протоколлар, ёки ИКБҲКнинг 14-моддаси ва Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳалқаро конвенция (ММК)нинг 77-моддасида назарда тутилган хабардор қилиш механизмига қўшилмаганлиги юқорида зикр этилган шартномаларни амалга ошириш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб турибди<sup>21</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон ФСҲҲПга қўшимча протоколга қўшилганлиги билан, 40-дан ортиқ қарорнинг бажарилиши аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда<sup>22</sup>.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2017 й. 6 апрел, ЎРҚ-426-сон.

<sup>18</sup> «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2017 й. 6 апрел, ЎРҚ-427-сон.

<sup>19</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар органи маълумотлар базаси, Ўзбекистон, [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/TreatyBodyExternal/Treaty.aspx?CountryID=189&Lang=EN](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/TreatyBodyExternal/Treaty.aspx?CountryID=189&Lang=EN).

<sup>20</sup> Ҳалқаро меҳнат ташкилоти: Ўзбекистон ратификациялари, [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:11200:0::NO:P11200\\_COUNTRY\\_ID:103538](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:11200:0::NO:P11200_COUNTRY_ID:103538).

<sup>21</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар органи маълумотлар базаси, Ўзбекистон, *op. cit.*

<sup>22</sup> БМТнинг ҳуқуқшунослик бўйича шартномалар органи, <https://juris.ohchr.org/search/documents>.

Хайрият дейдиган бир ўзгариш шундан иборатки, охирги тўрт йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг икки мустақил эксперти (Махсус тартиблар) мамлакатга келиб кетди: БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича маърузачиси 2017 йилда<sup>23</sup> ва БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачиси 2019 йилда<sup>24</sup>. Аввал Ўзбекистон бундай ташрифларга 2002 йилдан бўён, БМТнинг қийноқ бўйича маърузачисининг келиб кетганидан сўнг рухсат бермаган<sup>25</sup>. Булардан ташқари, Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди<sup>26</sup> ва биринчи Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиясини ишлаб чиқди, бунда мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мақсадларга эришиш борасида баъзи устувор жиҳатларни таърифлади<sup>27</sup>.

Ушбу очиқликни амалда инсон ҳуқуқлари муҳофаза қилинишига олиб борадиган хақиқий ўзгаришларга айлантириш ҳамон улкан муаммо бўлиб қолмоқда. БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачиси таъкидлаганидек, на суд тизимининг муассаса сифатида, на алоҳида судьяларнинг мустақиллиги монанд равишда, на қонун ҳужжатларида, на амалда ҳимояланган<sup>28</sup>.

Суд тизими ва юристларда мустақиллик етишмаслигининг чукур муаммоси, қонун устутлига борасида маданият ва амалиёт етишмаслиги ва кучли фуқаролик жамияти мавжуд эмаслиги инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш таъминланиши ва бундай бузилландан ҳимоя қилиш ва тиклаш учун самарали миллий тизимлар яратилган бўлиши учун кенг миқёсли тузилмавий ва амалий ислоҳотлат лозимлигини билдаради. Хусусан, судлар орқали судларга мурожаат ва ҳимоя имкониятлар мухим аҳамиятга эга.

Ислоҳотлар ИИМ ҳуқуқларга хатарни ҳам келтириб чиқарди. Масалан, шаҳарларни жадал янгилашга ҳаракат ва урбанизациянинг юқорироқ тезлиги<sup>29</sup> уйлардан мажбурий чиқариш, уйларни бузиш ва кўчириш кўпайишига олиб келди<sup>30</sup>. Гарчи масаланинг ўзи Ўзбекистон учун янги нарса бўлмаса ҳам<sup>31</sup>, уйлардан мажбурий чиқариш миқёси мислсиздир ва жамоатчиликнинг бунга жавоби илгариgidан сезиларли даражада кучлироқ бўлди<sup>32</sup>.

Ушбу контекстда Ўзбекистонда ИИМ ҳуқуқлар яхшироқ ҳимояланган бўлишига қандай эришиш ва ҳуқуқлари бузилганлар учун судга самара билан мурожаат қилиш мумкинлиги муҳокамасига ҳисса қўшиш ҳисботда мақсад қилиб олинган.

<sup>23</sup> БМТ дин ва эътиқод эркинлиги бўйича маърузачисининг ҳисботи: котибият қайди, <https://digallibrary.un.org/record/1481445?ln=en>.

<sup>24</sup> БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачиси, БМТ судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи бўйича ҳисботи, A/HRC/44/47/Add.1, 2020 й. 20 апрел, <https://www.undocs.org/A/HRC/44/47/Add.1>.

<sup>25</sup> Тео ван Бовен, БМТ қийноқ бўйича маърузачисининг ҳисботи, Ўзбекистонга миссия, E/CN.4/2003/68/Add.2, 2003 й. 3 феврал.

<sup>26</sup> Ўзбекистон 2021–2023 йиллар даврига БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланди, <https://www.un.int/uzbekistan/news/uzbekistan-elected-un-human-rights-council-period-2021-2023>.

<sup>27</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Президент Фармони, ПФ-6012-сон, 2020 й. 22 июн, <https://lex.uz/ru/docs/4872357>.

<sup>28</sup> БМТ судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи хусусида, Ўзбекистонга расмий ташриф чоғидаги дастлабки кузатмалар. 2019 й. 19–25 сентябр, <https://www.ohchr.org/EN/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25043&LangID=E>.

<sup>29</sup> Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Президенти Фармони, ПФ-5623-сон, 2019 й. 10 январ, <https://lex.uz/ru/docs/4154824>.

<sup>30</sup> Podrobno.Uz янгиликлар портали: Урбанизацию все понимают по-разному, зачастую ассоциируя её со сносами, 2019 й. 15 июн, <https://www.podrobno.uz/cat/obchestvo/urbanizatsiyu-vse-ponimayut-po-raznomu-zachastuyu-/>.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори, Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида, 2001 й. 14 сентябр, <https://lex.uz/docs/1452369>.

<sup>32</sup> Podrobno.Uz янгиликлар агентлиги: Депутат о сносах в Ташкенте: необходимо разработать прозрачные и понятные правила, 2019 й. 17 феврал, <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/deputat-o-snosakh-v-tashkente-neob/>.

Ҳисобот Ўзбекистонда ИИМ ҳуқуқлар ҳимоясига фуқаролик жамият бош қўшишини рағбатлартириш мақсадида ишлаган Юристлар халқаро комиссияси (ЮХК)нинг уч йиллик ACCESS лойиҳаси якунини белгилайди. Европа Иттифоқи ҳам маблағ билан таъминлаган лойиҳа доирасида ИИМ ҳуқуқлар бўйича муҳокама семинарлари ва тренинглар олиб борилди ва амалиётчилар учун йўриқнома ва тренинг модуллари чоп этилди. Ҳисобот Ўзбекистонда ўтказилган бир неча муҳокама, шунингдек бутун лойиҳа давомида олиб борилган ҳуқуқий тадқиқотларга таянади. Шунинг учун Ўзбекистон адлия тизимининг ички воқелигини ёки ИИМ ҳуқуқларнинг барча жиҳатларини бажаришни узил-кесил ёки тўлиқ баҳолаш ҳисботда мақсад қилинмаган. Унинг ўрнига алоҳида ИИМ ҳуқуқлар борасидаadolatga эришиш учун муҳим аҳамият касб этган масалаларга бир назардир.

Ҳисботни Лейла Мадатли (Leyla Madatli) ёзди, қўшимча тадқиқот ёки тақриз билан Темур Шакиров (Temur Shakirov), Тимоти Фиш (Timothy Fish), Рўвшин Пилей (Róisín Pillay) ва Иан Зайдерман (Ian Seiderman) ҳисса қўшдилар. ЮХК ҳисбот учун олиб борилган тадқиқотга ҳисса қўшган барча кишилар, жумладан қимматли тажрибалари билан ўртоқлашган, ҳам Ўзбекистонда, ҳам ундан ташқарида жойлашган миллий ва халқаро эксперtlarlar га миннадорлик билдиради.

Ҳисботнинг 1-бобида Ўзбекистонда ИИМ ҳуқуқлар борасидаadolatga эришиш учун муҳим бўлган умумий масалалар ёритилади. 2-боб уй-жой ҳуқуқи, унинг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари ва ички бажарилишига бағишлиланган. 3-бобда соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлар муҳокама этилса, 4-бобда меҳнат қилиш ҳуқуқини муҳофаза қилиш жиҳатлари халқаро шароитда, шунингдек Ўзбекистонга боғлиқ ҳолда баён этилади. 5-бобда, ҳисботдаadolatga эришишга доир хуносалар чиқарилиб, тавсиялар келтирилди, шунингдек ҳисботда кўриб чиқилган хусусий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш чоралари кўрсатилди.

# I-боб. Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни муҳофаза қилишининг умумий асослари

## Давлатларнинг ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишда халқаро мажбуриятлари

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига, хусусан ИИМҲХПга биноан, Ўзбекистон, бошқа Давлатлар каби, ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида қатор, жумладан ҳуқуқий, маъмурий, бюджетга, суд тизимиға доир ва чораларни кўриш мажбуриятига эга<sup>33</sup>. Бу уч ҳокимиётнинг (ижроия, қонунчилик ва суд) барчаси ва аслида Давлатнинг ҳамма органлари ёки бошқа тарзда давлат бошқарув вазифаларини бажарувчи муассасалар ўз тегишли ваколатлари доирасида ИИМ ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашда вазифа ва масъулиятга эга.

ИИМ ҳуқуқларни бажаришда Давлатларнинг мажбурияти аралашибдан сақланиш ва шунингдек уларни амалага оширишни таъминлаш учун ижобий чоралар кўришдан иборат. Мажбуриятлар ҳуқуқларга риоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва бажаришга ажратилиши мумкин. Риоя қилиш мажбуриятига биноан, давлат органлари ИИМ ҳуқуқларни бузадиган чораларни кўрмаслиги ёки бундай ҳаракатларни амалга оширмалиги керак. Ҳимоя қилиш мажбуриятига биноат, давлат органлари учинчи шахслар, жумладан жисмоиний шахслар, тадбиркорлик субъектлари ёки гурахларнинг мазкур ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишни чеклайдиган хатти-ҳаркатларининг олдини олиш учун чора кўришлари шарт<sup>34</sup>. Бажариш мажбуриятига биноан Давлатдан ҳуқуқларнинг амалга ошишга қўмаклашиш ёки, жумладан, лозим бўлган ҳолларда, ресурслар ажратиш орқали таъминлаш талаб қилинади. Айниқса, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси (ИИМҲҚ) тушунтириш берганидек, ушбу охирги мажбурият Давлатлардан ИИМ ҳуқуқларни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган обьектлар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашни, улардан баҳраманд бўлишда тўсиқларни бартараф қилиш ва шароит яратиш ва бу ҳуқуқларни таълим тизими орқали тарғиб қилиш ва хабардорликни ошириш билан ушбу ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишга қўмаклашиш талаб қилинади<sup>35</sup>.

Давлатлар, ИИМҲХП бўйича мажбуриятларга асосан, ҳуқуқларнинг баъзи унсурлари дарҳол амалга оширилишини таъминлашлари керак. Бошқалари эса «юксалиб ривожланиш» натижасида амалга оширилиши мумкин<sup>36</sup>. Давлатлар Конвенция ҳуқуқларининг ҳар бирига нисбатан камситмаслик мажбуриятига дарҳол риоя қи-

<sup>33</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига доир Маастрихт йўриқномаси (1997), [http://hrlibrary.umn.edu/institute/Maastrichtguidelines\\_.html](http://hrlibrary.umn.edu/institute/Maastrichtguidelines_.html) ҳаволада кўриш мумкин.

<sup>34</sup> ИИМҲҚ, Умумий тартибдаги 24-сонли изоҳ, оп. сиt. ITижорат компаниялари бўйича, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари аспектида тадбиркорлик фаолиятининг раҳбарий тамойилларини қаранг (2011), HR/PUB/11/04 («БМТнинг бизнес ва инсон ҳуқуқларига оид раҳбарий тамойиллари»), [https://www.ohchr.org/documents/publications/guidingprinciplesbusinesshr\\_en.pdf](https://www.ohchr.org/documents/publications/guidingprinciplesbusinesshr_en.pdf); ва Халқаро юристлар комиссияси, Можаролар давомида ва ўтиш даврида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши учун корпоратив масъулият (2020), <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2020/02/Universal-ESCR-accountability-guide-Publications-Reports-Thematic-report-2020-ENG.pdf>, 52-бет.

<sup>35</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни Жанубий Африкада тадбиқ этиш ва судда ҳимоя қилиш бўйича йўриқнома, 2019 й. август, <https://www.icj.org/the-icj-launches-guide-to-economic-social-and-cultural-right-in-south-africa/>. 38–42-бетлар.

<sup>36</sup> ИИМҲҚ, З-сонли умумий шарҳ: Иштирокчи давлатлар мажбуриятларининг характеристи (Пактнинг 2-модда, 1-банд), 1990 й. 14 декабр, E/1991/23, <https://www.refworld.org/docid/4538838e10.html>, 1-, 2-, 9-10-бандлар.

лишлари лозим ва камида ИИМХХПда кафолатланган ҳар бир ҳуқуқнинг «минимал ўзаги»дан дарҳол баҳраманд бўлишни таъминлашлари керак<sup>37</sup>.

ИИМХХПнинг 2(1)-моддасига биноан ИИМХХП мажбуриятларининг барча жихатларига, хусусан жиддий равишда молия ва бошқа ресурсларга боғлиқларига, дарҳол амал қила олмайдиган Давлат уларни «тадрижан амалга ошириб боришилари» мумкин. Бироқ, Давлатнинг ресурслари қанчали чекланган бўлмасин, ихтиёрдаги ресурсларнинг чўққи имкониятича «тадрижан амалга ошириб бориши»<sup>38</sup> мажбурияти ҳамон мавжуд<sup>39</sup>. Давлат мумкин қадар кенг кўламда ушбу мажбуриятларни бажариш сари қадамлар қилиши ва ИИМХХП ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишни орқага тортадиган ҳеч қандай қадамга йўл қўймаслиги зарур.

Бу ерда «ресурслар» деганда молиявий ресурслар билан чекланилмайди. Ресурслар, бошқа нарсалар билан бир қаторда, табиий ресурслар, инсон ресурслар, технология ресурслари ва ахборот ресурсларини қамраб олади<sup>40</sup>. Ресурс тушунчаси ҳам мавжуд ресурсларни, ҳам Давлат қўшимча тарзда «энди мавжуд» қилиши мумкин бўлган ресустларни қамраб олади. Шу муносабатда Давлатлар<sup>41</sup>: тасарруфидаги ресурслардан самарали фойдаланиб мавжудини кўйпайтириши; ва халқаро ҳамкорлик ва ёрдамни қўллаб-қувватлаш, шунингдек компаниялар, гуруҳлар ва шахсларнинг «хусусий» ҳиссалари орқали мавжуд ресурслар кўламини кенгайтириши зарур.

## Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими

Халқаро ҳуқуқ умумий тамойилларига биноат ва хусусан Ўзбекистон иштирок этаётган Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясига асосан<sup>42</sup> «[x]ар бир амалдаги шартнома унда иштирок этаётган тарафлар учун мажбурийдир ва улар томонидан астойдил бажарилиши лозим»<sup>43</sup>. Конвенцияга биноан, Давлатлар «ички қонун ҳужжатларни халқаро шартномани бажаришга ожизлигининг сабаби қилиб кўрсата олмайди»<sup>44</sup>.

Ўзбекистон Конституциясининг Муқаддимасида «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини» тан олинади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркиби қисмидир»<sup>45</sup>. Қонунда қуйидаги назарда тутилган:

<sup>37</sup> ИИМХХП, 2(2)-модда; ИИМХК, 20-сонли умумий шарх, 7-банд; ИИМХК, 3-сонли умумий шарх, 10-банд.

<sup>38</sup> ИИМХК, 3-сонли умумий шарх, 9-банд.

<sup>39</sup> Ўша ерда, 10-банд.

<sup>40</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни Жанубий Африкада тадбиқ этиш ва судда химоя қилиш бўйича йўриқнома, 2019 й. август, *op. cit.*, 158–159-бетлар; R. Robertson, Measuring State Compliance with the Obligation to Devote the “Maximum Available Resources” to Realizing Economic, Social, and Cultural Rights, *Human Rights Quarterly* журнали, vol. 16 (1994), p. 695.

<sup>41</sup> I. Seiderman & T. F. Hodgson, COVID-19 Symposium: COVID-19 Responses and State Obligations Concerning the Right to Health (Part 2) [COVID-19 Симпозиуми: COVID-19-га қарши чоралар ва давлатларнинг соғлиқни саклашга доир мажбуриятлари (2-қисм)], *Opinio Juris* (2020 й. 1 апрел): <http://opiniojuris.org/2020/04/01/covid-19-symposium-covid-19-responses-and-state-obligations-concerning-the-right-to-health-part-2/>.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясига 1995 й. 12 июлда қўшилди, [https://treaties.un.org/Pages/ViewDetailsII.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=XXIII-1&chapter=23&Temp=mtdsg3&clang=\\_en](https://treaties.un.org/Pages/ViewDetailsII.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=XXIII-1&chapter=23&Temp=mtdsg3&clang=_en).

<sup>43</sup> «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена конвенцияси, Вена, 1969 й. 23 май, БМТ, Халқаро шартномалар тўплами, т. 1155 (Вена конвенцияси), 26-модда. 331-бет.

<sup>44</sup> Ўша ерда, 27-модда.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни, 2019 й. 6 февраль, ЎРҚ-518, 3-модда.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ оғишмай ва мажбурий тарзда бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатини қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда, манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нормаларини имплементация қилиш масалалари бўйича тегишли ҳужжат қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда таклифлар тақдим этади»<sup>46</sup>.

Ўзбекистоннинг ИИМ ҳуқуқларга доир кўп қонунларида Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномалар ички қонунлар қоидаларидан фарқли нормаларни назарда тутса, халқаро шартнома қоидалари устунликка эга, деган маҳсус норма бор<sup>47</sup>. Ҳусусан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади»<sup>48</sup>, дейилади. Бундан ташқари, қонунда қонун лойиҳасини тайёрловчилар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга оладилар, деб таъкидланади<sup>49</sup>.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуққа амал қилиш борасида судлар ролига келганда, Судлар тўғрисидаги қонунда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, мұассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган»<sup>50</sup>.

Бироқ, ЮХК ушбу маласани муҳама қилган кўпгина амалий юристлар ва ҳуқуқ тадқиқотчилари амалда одат тусида судлар ички қонунларни улар ёзилганича қўллаш билан чекланади ва халқаро ҳуқуқни тўғридан-тўғри қўллашдан ва қонунларни халқаро ҳуқуқ руҳида талқин қилишдан ўзини четга олади, деб фикр билдириди.

Халқаро ҳуқуқ мақоми ва уни миллий ҳуқуқий тизимда қўллашга келганда, расмий нуқтаи назар аниқ-равшан эмас. Ўзбекистоннинг БМТ Шартномалар органлари тақдим этган 2017 йил ҳисоботининг умумий ўзак ҳужжатига қараганда<sup>51</sup>, «...халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳуқуқлар ҳар кишига бевосита тақдим этилиши мумкин ва Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари фақатгина миллий қонунни қўллаш орқали бажарилди», дейилган.

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни, 2019 й. 6 февраль, ЎРҚ-518, 33-модда.

<sup>47</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун, 1996 й. 29 август, 265-І-сон, 1-модда; Ўзбекистон Республикасининг Аҳолининг санитария-эпидемиологик осоиишталиги тўғрисидаги қонуни, 2015 й. 26 август, ЎРҚ-393-сон, 2-модда; Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонуни, 2019 й. 11 март, ЎРҚ-528-сон, 2-модда; Ўзбекистон Республикасининг ўй-жой кодекси, 1998 й. 24 декабр, 713-І-сон, 3-модда.

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун, 2000 й. 14 декабр, 160-II-сон, 34-модда.

<sup>49</sup> Ўша ерда, 20-модда.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисида қонуни, 1993 й. 2 сентябр, 924-XII-сон, 2-модда, <https://www.lex.uz/acts/68521>.

<sup>51</sup> Иштирокчи давлатлар ҳисоботларининг қисмини ташкил қилувчи умумий ўзак ҳужжат, Ўзбекистон, HRI/CORE/UZB/2017, 2017 й. 20 ноябр, [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=HRI%2fCORE%2fUZB%2f2017&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=HRI%2fCORE%2fUZB%2f2017&Lang=en), 267–269-бандлар.

Яна унда суд органлари томонидан инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартномаларга мурожжат этиши тўғрисида шундай дейилади:

«Миллий ҳуқуқий тизимда Конституциянинг устунлиги ва халқаро ҳуқуқнинг миллий қонун ҳужжатларидан юқорироқ туриши тан олинади. Халқаро шартнома, қўлланилишидан аввал, миллий қонун ҳужжатларига киритилган бўлмоғи лозим Киритилишидан сўнг, халқаро ҳуқуқ қоидалари миллий қонун ҳужжатларининг қисмига айланади ва мажбурий тус олади. Бироқ, суд органлари учун хусусий халқаро шартномаларга бевосита мурожаат қилиш одатдаги амалиёт тусини олмаган; бундай амалиёт аслида ниҳоятда кам учрайди»<sup>52</sup>.

ИИМҲҚ Ўзбекистон борасидаги 2014 йил якуний кузатмаларда, ҳисобот кўриб чиқилганидан сўнг, у: «Иштирокчи давлат тақдим этган ахборотга кўра, мамлакат судларига ички қонун ҳужжатлари уларга Пактга тўғридан-тўғри мурожаат ваколатни беришига қарамай, бундай қилмаслигига ачинади», деб таъкидлади<sup>53</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати ўзининг ИИМҲҚга берилган энг сўнгги ҳисоботида, 2019 йилда, ҳар ҳолда ИИМҲХП Ўзбекистоннинг ички қонунларида бажарилганлиги ҳақида ўз нуқтаи назарини ифода этди:

«...Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлигини мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги жорий қонун ҳужжатларида мужассам тамойил, деб эълон қилинади, бунда агар Ўзбекистон қўшилган халқаро шартномада Ўзбекистон қонунида назарда тутилган қоидадан фарқли норма белгиланган бўлса, Ўзбекистонда халқаро шартнома қоидалари устунликка эга эканлигини, расмий ифода этади.

...Судлар тўғрисидаги қонунга биноан, судлар фаолияти нафақат мамлакатнинг қонунлари билан, балки халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принциплари билан ҳам тартибга солинади ва судлар томонидан қарорлар чиқаришда тўғридан-тўғри халқаро ҳуқуқ қоидаларига мурожаат қилиш амалиётига ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмаган»<sup>54</sup>.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасига берган 2019 йил даврий ҳисоботида Ўзбекистон яна бир бор ўз нуқтаи назарини билдириди: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида халқаро инсон ҳуқуқларининг устунлиги ифода этилган, шунга биноан, агар миллий қонун халқаро қоидаларга мос келмаса, халқаро шартнома қоидалари устунликка эга»<sup>55</sup>. Бироқ, БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг Саволлар рўйхатига Ўзбекистоннинг давлат жавобида Ўзбекистон ҳукумати БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг нуқтаи назарини Ўзбекистонга тегишли қисмида имплементация қилишда қийинчиликлар борлигини айтиб, ички қонун ҳужжатлардаги чекловларга ҳавола қилди<sup>56</sup>. Мазкур ҳисоботни кўриб чиқишдан сўнг БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ўзбекистон хусусида ташвиш билдириди:

<sup>52</sup> Ўша ерда.

<sup>53</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисоботи борасида якуний кузатмалар, Е/С.12/UZB/CO/2, 2014 й. 12 июнь, 5-банд.

<sup>54</sup> Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни имплементацияси бўйича учинчи даврий ҳисоботи, Е/С.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 46–47-бандлар.

<sup>55</sup> Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бажарилиши борасидаги Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи, 2019 й. 10 январ, CCPR/C/UZB/5, 44-банд.

<sup>56</sup> Ўша ерда, 4-банд: «Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг нуқтаи назарини имплементация қилиш бўйича Карима Собирова ва Бобир Собиров ишига тегишли шарҳлар тайёрлади. Ўзбекистон қонунининг нормалари асосида, Собирова хоним ва жаноб Собировларга қарши маъмурӣ ҳуқуқбузарлик содир этиш бўйича Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1842-моддаси асосида қўзғатилган маъмурӣ иш 2012 йилда кўриб чиқилганлигини инобатга олинса, ушбу шахсларга нисбатан чиқарилган суд қарорини олти ойлик давво муддати ўтиб кетганлиги туфайли назорат қилиб бўлмайди».

«...Қўшимча протоколга биноан, хусусан миллий қонун ҳужжатлари мос эмас-лигини зирк қилингандан, Конституцияда ҳалқаро ҳуқуқнинг миллий қонунлардан устунлигини тан олишига қарамай, унинг нуқтаи назарини имплементация қилишга ожизлиги давом этмоқда»<sup>57</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Аёлларга қарши камситишинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенциянинг назорат органи, БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Қўмитаси (АКБ Қўмитаси)га 2020 йилда берган олтинчи даврий ҳисоботида судлар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар ҳақида фикрини билдириди. Мазкур ҳисоботга кўра:

«судлар Конвенцияни тўғридан-тўғри қўлламайди, Конституциянинг 15-моддасида Конституция ва Ўзбекистон қонунларининг устунлиги эълон қилингани туфайли улар миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ иш тутадилар ва ҳалқаро шартномалар нормалари фақат миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилингандан кейин кўлланилади»<sup>58</sup>.

Бу нуқтаи назар ИИМҲҚга қилинган тақдимотларга қарши бўлиб, Давлатда ҳалқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқий тизимга мужассамлаштиришда ягона ёндашув йўқлиги ишора қиласди. ИИМҲҚ Ўзбекистонни ИИМҲХП қоидаларига мурожаат қилиниши ва ички судлар уларни қўллашини, жумладан ҳуқуқ эгалари ва имплементация учун масъул органлар орасида хабардорликни ошириш йўли билан таъминлашга чақиради. У ИИМҲХПни мамлакатда қўллаш борасидаги 9-сон Умуумий шарҳига (1998)<sup>59</sup> мурожаат қилиб, Ўзбекистонга кейинги даврий ҳисоботига судлар ИИМҲХП ҳуқуқларини амалга киритгани тўғрисида ахборотни киритишни таклиф қилди. 9-сон Умуумий шарҳда шундай дейилади:

«Суд назорати вазифасини мувофиқ қўллаш доирасида, судлар Давлат ҳаракатлари унинг Пактга мувофиқ мажбуриятларига мослигини таъминлаш лозим ҳолларда Пакт ҳуқуқларини инобатга олишлари керак. Судлар ушбу масъулиятни эътиборсиз қолдириши доим инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳалқаро мажбуриятларга риоя қилишни қамраб оладиган қонун устуворлиги принципига зид»<sup>60</sup>.

Дарҳақиқат, аввал айтилгандек ҳамда Ўзбекистоннинг кўп қонунларида назарда тутилгандек, шунингдек ҳалқаро ҳуқуққа биноан, ички қонунларини ўзининг инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳалқаро мажбуриятларига мос равишда талқин қилиш ва қўллаш Ўзбекистоннинг мажбурияти ҳисобланади ва ички ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳуқуқ орасида зиддият юзага келган ҳолларда, у ички қонун ҳужжатларни ҳалқаро мажбуриятларини бажаришга ожизлигининг сабаби қилиб кўрсата олмайди<sup>61</sup>.

<sup>57</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (ИҲҚ), Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, CCPR/C/UZB/SO/5, 4-банд

<sup>58</sup> ИИМҲҚ, Аёлларга қарши камситишинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция бажариш тўғрисидаги олтинчи даврий ҳисобот муносабатида саволлар руйхатига Ўзбекистоннинг жавоблари, 2020 й. З ноябр, [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT/CEDAW/RLI/UZB/43648&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT/CEDAW/RLI/UZB/43648&Lang=en), 3-банд.

<sup>59</sup> ИИМҲҚ, 9-сонли умуумий шарх, *op. cit.*

<sup>60</sup> Ўша ерда, 14-банд.

<sup>61</sup> «Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида»ги Вена конвенцияси 27-моддасининг тўлиқ матнида қўйидагилар баён этилган: «Ички ҳуқуқ ва шартномаларга риоя қилиш: Иштирокчи шартномани бажармаслиги учун узрли сабаб сифатида ўз ички ҳуқуқининг қоидаларига ҳавола қилиши мумкин эмас. Ушбу қоида 46-моддага зарар етказмаган ҳолда амал қиласди». Ўз навбатида 46-моддада қўйидагилар ифодаланган: «Шартномалар тузиш ваколатига доир ички ҳуқуқ қоидалари: 1. Давлат унинг учун шартноманинг мажбурийлиги юзасидан ўз розилиги ҳақиқий эмаслиги асосида шартнома тузиш компетенциясига тегишли ўз ички ҳуқуқининг у ёки бу қоидасини бузиш билан ифодаланган шартнома унинг учун мажбурийлигига рози эканлигига ҳавола қилишга ҳақли эмас, қачонки ушбу қоида бузиш очиқдан-очиқ қилинмаган ва давлатнинг муҳим ички ҳуқуқининг меъёрига дахл қилмаган бўлса. 2. Бундай қоида бузиш ушбу масалада вижданан ва оддий амалиётга мувофиқ ҳолда ҳаракат қилаётган ҳар қандай давлат учун холисона зоҳир бўлса, очиқдан-очиқ амалга оширилган қоида бузиш ҳисобланади»

Яқинда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияда берилган «Судлар томонидан халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллаш амалиёти тўғрисида»ги Олий суди Пленуми қарори қабул қилиш таклиф Ўзбекистон судлари халқаро ҳуқуқни қўллашини кучайтиришнинг бир усули бўлиши мумкин. Бу билан «Судлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларини қўллаш амалиёти янада кенгайтирилади»<sup>62</sup>, деган мақсадга эришиларди. Агар қабул қилинса, бу миллий судларни инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқини, жумладан ИИМҲХПга биноан мажбуриятлари қўллашга рағбатлантиришга ёрдам берган бўлур эди.

## **Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар борасида одил судлов имконияти**

### **Одил судлов имконияти ва ИИМ ҳуқуқлар бузилганда халқаро ҳуқуқдаги самарали ҳимоя воситалари**

ИИМ ҳуқуқларни халқаро ҳуқуқ бўйича муҳофаза қилиш мажбурияти Давлатнинг барча органлари ва унинг номидан ҳаракат қилувчиларни, жумладан судларни жалб қилишни талаб қиласди ҳамда суд тизими ушбу ҳуқуқлар бузилган тақдирда самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти орқали ИИМ ҳуқуқлар амалда бажарилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай инсон ҳуқуқлари бузилганда самарали ҳимоя воситалари ва товон имконияти ҳуқуқнинг умумий принципидир, у кўплаб инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳужжатларда<sup>63</sup> ва БМТ Бош ассамблеяси 2005 йилда қабул қиласган БМТнинг Ҳимоя воситалари ва товон асосий принципларида<sup>64</sup> назарда тутилган. Ҳар ким унинг инсон ҳуқуқлари ҳар қандай бузилганлиги тақдирда самарали ҳимоя воситасига ҳақли. Бундай воситалар самарали бўлиши учун тезкор, мурожаат этиш ва малакали, мустақил ва бетараф орган ҳузурида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши ва бузилиш тугатилиши ва компенсация таъминланишини олиб бориши лозим<sup>65</sup>.

ИИМҲХПга биноан ҳимояланган ҳуқуқларга келганда, ИИМҲҚ аниқ ифода этганки<sup>66</sup>: «ҳар бир зиён кўрган шахсга ёки гурухга тегишли тиклаш, ёки ҳимоя воситалари имконияти яратилган ва ҳукумат жавобгаршигини таъминлашнинг тегишли воситалари жорий этилган бўлиши лозим»<sup>67</sup>. ИИМ ҳуқуқлар бузилганда ички ҳуқуқий ҳимоя воситали бўлиши 2.1-моддада талаб қилинган, унда Пакт назарда тутган ҳуқуқларни амалга ошириш учун иштирокчи Давлатлар барча «тегишли воситаларни» вужудга келтиришлари шарт. Бу мақсадда суд ёки маъмурий ҳимоя

<sup>62</sup> 2020 й. 22 июндаги ПФ-6012-сонли Президент Фармони билан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси», <https://lex.uz/ru/docs/4872357>.

<sup>63</sup> Қаранг: «Инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузганлик учун ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқ», Халқаро юристлар комиссиясининг 2-сонли амалий қўлланмаси (2018 йилги таҳрирда), <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2018/11/Universal-Right-to-aRemedy-Publications-Reports-Practitioners-Guides-2018-ENG.pdf>.

<sup>64</sup> Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблея, Халқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқнинг кўпол бузилиши ва Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқнинг жиддий бузилиши қурбонлари учун тиклаш ва компенсация ҳуқуқларининг асосий тамоиллари ва шунга доир йўриқнома, 2005, 60/147 резолюцияси, <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/RemedyAndReparation.aspx>.

<sup>65</sup> Юристлар халқаро комиссиясининг Инсон ҳуқуқлари халқаро тизимида адолатдан баҳраманд бўлиш ва компенсация ҳуқуқи борасида декларацияси, 2012 й. 12 декабр, <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/02/Congress-Declaration-adoptedFINAL.pdf>, 5-тамоил.

<sup>66</sup> ИИМҲҚ, 9-сонли умумий шарх, 2- ва 3-бандлар. Кўринг шунингдек: ИИМҲҚ, 12-сонли умумий шарх, UN Doc. E/C.12/1999/5 (1999), 32–35-бандлар; ИИМҲҚ, 14-сонли умумий шарх, UN Doc. E/C.12/2000/4 (2000), 59–62-бандлар; ИИМҲҚ, 15-сонли умумий шарх, UN Doc. E/C.12/2002/11 (2002), 55–59-бандлар; ИИМҲҚ, 18-сонли умумий шарх, E/C.12/GC/18 (2006), 48–51-бандлар; ва ИИМҲҚ, 19-сонли умумий шарх, UN Doc. E/C.12/GC/19 (2008), 77–81-бандлар.

<sup>67</sup> ИИМҲҚ, 9-сонли умумий шарх, 2-банд.

имконияти яратилиши мумкин бўлган бир пайтда, маъмурийси «суд имкониятлари билан кучайтирилмаган ёки тўлдирилмаган бўлса, самарасиз бўлиб қолиши мумкин»<sup>68</sup>. Ҳимоя воситалари самарали ва тезкор ҳамда камситишсиз ҳамма улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоғи лозим<sup>69</sup>. Шунингдек, ҳимоя воситалари қоплаш, зарарни тўлаб бериш, ҳуқуқларида тиклаш, қониқтириш ва ҳолат қайтарилмасликни кафолати шаклларида ёки ушбу шаклларнинг хоҳлаган комбинациясидаги тўла компенсация билан бирга бўлиши керак<sup>70</sup>.

Ўзбекистоннинг ички шароитида ИИМ ҳуқуқлар бузилишини тузатиш йўллари, умуман айтганда, қонунга биноан бор. Ўзбекистон Республикаси Қонституциясига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади<sup>71</sup>.

Суд тизими орқали амалга ошириладиган ҳимоя воситалари билан бир қаторда<sup>72</sup>, миллий қонун ҳужжатларида суд билан боғлиқ бўлмаган воситалар ҳам жорий этилган, хусусан Омбудстман (Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили) механизми орқали, у шикоятларни кўриб чиқиш ва чора кўриш, жабрланувчилар номидан ички судларга шикоятлар тақдим қилиш ва Конституциявий судга мурожаатлар киритиш ваколатига эга<sup>73</sup>.

Омбудстман «mansabdar shahs bўlib, unga davlat organlari, korxonalar, muasasalar, tashkilotlar va mansabdar shahslar tomonidan inson ҳуқуқlari ҳamda erkinliklari tўfriqidagi қonun ҳujjatlariiga riоя etiliishi ustiidan parlament nazoratinini taъminlash vakolatlari berilgan»<sup>74</sup>. Omudsman inson ҳуқуқlari va erkinliklari bузилишини shikояtlar asosida ёki ўz tashabbusi bilan tekshiradi va choralar kўradi<sup>75</sup>. Shu munosabat bilan, boşqa vakolati bilan bir қatorda, isjni kўlib chиқish ёki tegishli isjni tegishli idoralarga bузилиshlar учун ҳимоя воситаларни istash maqsadida йўllash учун зарур bўlgan xollarda kishilar dan, shuningdek, давлат органлари ва мансабдор шахслардан maъlumot talab қилиш ҳуқуқига эга<sup>76</sup>. Shunga muvofiq Davlat organlari va mansabdar shahslar Omudsman talab қilgan axborotni beringha va shu munosabatda ҳamkorlik қili shiga mажбур<sup>77</sup>. Omudsman sud vakolatiga kirodigan ishlarni kўrib chиқmайдi va murojaat қilgan shahsni murojaatni kўrib chиқish natижalari tўfriqidada xabar dor қiliishi va natижalarni ishda юз berган inson ҳуқуқlarinинг ҳар қандай bузилишини tўfriлашга қaratilgan tavsiyalar bilan tegishli давлат organi ёki mansabdar shahsiga taқdim этиши керак<sup>78</sup>. Omudsmanınning xulosasini olgan tashkilot ёки mansabdar shahs уни kўrib chиқishi va bir oйdan kechiktirmay asoslanтиrilgan жавоб юбориши шарт<sup>79</sup>.

<sup>68</sup> ИИМҲҚ, 9-сонли умумий шарх, 2- ва 3-бандлар. Кўринг, шунингдек: Инсон ҳуқуқлари халқaro ҳуқуқининг кўпол бузилиши ва Халқaro инсонпарварлик ҳуқуқининг жиддий бузилиши қурбонлари учун тиклаш ва компенсация ҳуқуқlarinинг асосий тамоиллари ва шунга доир йўрикнома, Кўринг, шунингдек: ИИМҲҚ, 24-сонли умумий шарх, 39-банд.

<sup>69</sup> ИИМҲҚ, 20-сонли умумий шарх, 4-банд.

<sup>70</sup> ИИМҲҚ, 24-сонли умумий шарх, 41-банд.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 44-модда.

<sup>72</sup> Ўша ерда, 107-модда.

<sup>73</sup> Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўfriqidagi Қонун, 2004 й. 27 август, 669-II-сон, 20-модда, <https://lex.uz/docs/276155#276426>; Omudsman wебсайти, <http://ombudsman.uz/en/>.

<sup>74</sup> Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўfriqidagi Қонун, 1-модда.

<sup>75</sup> Ўша ерда, 12-модда.

<sup>76</sup> Ўша ерда, 14-модда.

<sup>77</sup> Ўша ерда, 15-модда.

<sup>78</sup> Ўша ерда, 10-модда.

<sup>79</sup> Ўша ерда, 16-модда.

## **Судлар орқали одил судлов имконияти: ИИМ ҳуқуқларни Ўзбекистонда судда ҳимоя қилиш имконияти**

Ўзбекистон Конституцияси Муқаддимасида «ижтимоий адолат» «идеали» ўзак қадрият сифатида таъкидланади<sup>80</sup> ва яна «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади»<sup>81</sup>, деб белгилайди. Бундан ташқари, Конституция хусусий ИИМ ҳуқуқлар, хусусан меҳнат қилиш ҳуқуқи<sup>82</sup>, ижтимоий суғурта<sup>83</sup>, соғлиқ<sup>84</sup> ва таълим олиш<sup>85</sup> учун маҳсус ҳимояларни ҳам қамраб олади. Баъзи ИИМ ҳуқуқлар, масалан уй-жой, озиқ-овқат, сув ва санитария ҳуқулари Конституцияда яққол белгиланмаган. Бироқ, Конституция ИИМ ҳуқуқларга боғлиқ турли ҳуқуқларни мустаҳкамлайди, масалан инсон қадр-қиммати<sup>86</sup>, яшаш<sup>87</sup>, турар жойи дахлсизлиги<sup>88</sup> ва мулк<sup>89</sup> ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Миллий қонун ҳужжатларига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади<sup>90</sup>. Унда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, деб белгиланган<sup>91</sup>.

Судлар тўғрисидаги қонунга биноан,

«Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, мусассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган»<sup>92</sup>.

Шунга мувофиқ, ИИМ ҳуқуқларни миллий қонун ҳужжатларга кўра судда кўтиб чиқиш мумкин. Ушбу ҳисоботнинг дикқат марказида турган уй-жой, меҳнат қилиш ва соғлиқ ҳуқуқларининг кўп жиҳатлари ички қонунларда батафсил назарда тутилган, шунинг учун қонун тарафдан уларни судларда кўриб чиқилиш имкониятлари жиддий саволлар туғдирмайди. Бироқ, амалда ИИМ ҳуқуқлар кафолатлаш борасида, конституция қоидалари, шунингдек ҳалқаро ҳуқуққа таяниб, Давлат мажбуриятларини қўллашда қийинчиликлар юзага келади.

Амалда, кўп ҳолларда ИИМ ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари ёки судда кўриб чиқиладиган ҳуқуқ сифатида қабул қилинмайди, балки улар ўзгартирилмайдиган, Давлат кафолатлаган ҳуқуқий ёки ижтимоий фактлар ҳисобланади; шунга мувофиқ, кўп ҳолларда ИИМ ҳуқуқларни баҳолаш муаммолари ҳуқуқ бузилиши сифатида кўрилмайди, суд тизими орқали чора кўрилиши мумкин бўлган ҳол сифатида кўрилмайди<sup>93</sup>. Бу ҳол, масалан, шахс қонун қоидасининг ўзига эътиroz билдиш, Конституциянинг умумий қоидаларига ёки ҳалқаро ҳуқуққа биноан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

<sup>81</sup> Ўша ерда, 14-модда.

<sup>82</sup> Ўша ерда, 37-38-моддалар.

<sup>83</sup> Ўша ерда, 39-модда.

<sup>84</sup> Ўша ерда, 40-модда.

<sup>85</sup> Ўша ерда, 41-модда.

<sup>86</sup> Ўша ерда, 13-модда.

<sup>87</sup> Ўша ерда, 24-модда.

<sup>88</sup> Ўша ерда, 27-модда.

<sup>89</sup> Ўша ерда, 36-модда.

<sup>90</sup> Ўша ерда, 44-модда.

<sup>91</sup> Ўша ерда, 19-модда.

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни, *op. cit.*, 4-модда.

<sup>93</sup> Юристлар ҳалқаро комиссиясининг Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни судларда ҳимоя қилиш имкониятини баҳолаш учун тадқиқот миссияси, 2018, <https://www.icj.org/uzbekistan-icj-research-mission-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights/>; <https://www.icj.org/country/europe/uzbekistan/>.

мажбуриятига мос эмаслигини, масалан энг кам иш ҳақининг стандартдан пастлигина даъво қилиш имкониятига тегишли.

## ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилишга тўсиқлар

### Судларнинг мустақиллиги

Қонун устунлигининг асосий принципи шундан иборатки, одил судловни амалга ошириш мақсадида вужудга келтирилган судлар малакали, мустақил ва бетараф бўлишлари керак, жумладан, сўзсиз равишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳолларда<sup>94</sup>. Судлар мустақиллиги судларнинг ташкилий жиҳатдан мустақиллигини, шунингдек, қарор қабул қилишда шахсий мустақилликка эга бўлган ҳар бир алоҳида судьянинг мустақиллигини ҳам қонунда, ҳам амалда талаб қиласди. Зикр этилганларнинг иккаласи судда фуқаролик ва жиноят ишларни одил кўриб чиқишнинг зарурый унсурлари ҳисобланади<sup>95</sup>.

Суд ёки бошқа суд ҳайатининг мустақиллиги, хусусан, бундай мустақиллик, бошқа нарсалар билан бир қаторда, судьяларни тайинлаш тартиби; тайинланганидан кейин лавозимда бўлиш даврида муҳофаза; мартабаси ошишини, бошқа лавозимга ўтиши, вазифасини тўхтатиб қўйиш ва тугатишни тартибга солувчи шартларга; ва суд тизимининг амалда ижроия ва қонунчилик ҳокимияти ёки бошқа қудрат эгаларининг ноўрин аралашувидан мустақиллигига доир муҳофазалар жорий этилган бўлишини талаб қиласди<sup>96</sup>.

Судларнинг мустақиллиги Ўзбекистонда қонунларда белгиланган. Хусусан, Конституция ҳокимиятнинг бўлиниши<sup>97</sup> ва суд тизимининг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақиллигини белгилайди<sup>98</sup>. Шунингдек унда:

- судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар;
- фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибашга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади; ва
- судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин<sup>99</sup>.

Судлар тўғрисидаги қонунга кўра, «судьяларнинг мустақиллиги қўйидагилар орқали таъминланади»: (а) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш; (б) уларнинг даҳлсизлиги; (с) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил; (д) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши; (е) судга хурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар даҳлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; (ф) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш<sup>100</sup>.

<sup>94</sup> Масалан, Судлар мустақиллигининг асосий принциплари, 1- ва 2-принциплар; Юристлар халқаро комиссияси, Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги ва ҳисобдорлигининг асосий принциплари, Юристлар халқаро комиссиясининг амалиётчилар учун йўриқномаси, 1-сон (2007), <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2012/04/International-Principles-on-the-Independence-and-Accountability-of-Judges-Lawyers-and-Prosecutors-No.1-Practitioners-Guide-2009-Eng.pdf>.

<sup>95</sup> Масалан, Юристлар халқаро комиссияси, Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги ва ҳисобдорлигининг асосий принциплари. 21-27-бетлар.

<sup>96</sup> ИҲҚ, 32-сонли умумий шарх, 14-модда, Судлар ва маҳсус судлар қаршисида тенглик ва одил судлов ҳуқуқи, 2007 й. 23 август, CCPR/C/GC/32.

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 11-модда.

<sup>98</sup> Ўша ерда, 106-модда.

<sup>99</sup> Ўша ерда, 112-модда.

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни, 67-модда; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, 2018 й. 22 январ, ЎРҚ-460-сон, 9-модда.

Бироқ, БМТнинг судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачиси Ўзбекистонга келиб кетганлиги натижасида «ҳозирги пайтда суд тизими Давлатнинг бошқа ҳокимиятларидан мустақил, деб хисобласа бўлмайди»<sup>101</sup>, ва «суд тизими Давлатнинг бошқа ҳокимиятлардан, хусусан ижроия ҳокимиятдан, ҳақиқатда мустақил бўлиши ва судьялар, адвокатлар ва прокурорлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай ноўрин аралашув ва босимсиз олиб бориши учун ҳали кўп ҳакарат қилиниши керак»<sup>102</sup>, деб таъкидлади.

БМТнинг бошқа органлари ҳам Ўзбекистонда суд тизими мустақиллиги борасида шунга ўхшаш ташвиш билдириди, бунда, хусусан, судьяларни тайинлаш, судьяларнинг лавозимда бўлиши ва интизомий жавобгарлиги назарда тутилди<sup>103</sup>. 2020 йилда ФСҲҲПга биноан Давлатларнинг мажбуриятларини бажаришини кузатадиган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ўзбекистонга доир қўйидагаларни тавсия этди:

*«[С]удлар ишига қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлар ноўрин аралашувининг барча шаклларига барҳам бериш ва Судьялар олий кенгашининг мустақиллигини, жумладан у асосан судьялардан иборат ва касбий ўзини ўзи бошқарувчи органлар сайдайдиган ва шаффоф фаолият олиб борадиган бўлиши билан кафолатлаш»<sup>104</sup>.*

Шундай қилиб, мазкур кафолатларга қарамай, Ўзбекистонда суд тизимининг мустақиллигига эришилмаган. Суд тизимида мустақиллик етишмаслиги инсон ҳуқуқларини, жумладан ИИМ ҳуқуқларни муҳофаза қилишда ва улар бузилганда ҳимоя воситаларини таъмишлаш борасида Ўзбекистон суд тизимининг самарадорлигига шубҳа ҳосил қиласди.

### ***Мустақил юридик ёрдам имконияти***

Одил судловдан самарали фойдаланиш мустақил ва малакали юристлар фаолиятига ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда юристлар фаолияти Адвокатура тўғрисидаги қонун<sup>105</sup> ва Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунга<sup>106</sup> биноан ташкил этилган ва олиб борилади. Қонунга кўра, Адвокатлар палатаси раиси Адлия вазирлиги номзод кўрсатиши билан Палата адвокатлари конференцияси томонидан сайланади<sup>107</sup>. Адвокатлар палатаси раисининг ваколатидан муддатдан илгари чиқариш ҳам ўша Конференция томонидан Адлия вазирлиги тақдимномаси билан амалга оширилади<sup>108</sup>.

Адлия вазирлиги адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар беради<sup>109</sup> ва Адвокатлар палатаси билан биргаликда Малака комиссиясининг аъзоларини тайинлашда қарор қабул қиласди<sup>110</sup>. Адвокатлар палатаси Малака

<sup>101</sup> Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачи, Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачининг Ўзбекистонга келиб кетганлиги тўғрисида, 90-банд.

<sup>102</sup> Ўша ерда, 91-банд.

<sup>103</sup> Ўша ерда, 25-банд.

<sup>104</sup> ИҲҚ, Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, ССР/C/UZB/CO/5, 39-банд: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ўзбекистонда суд тизимида мустақиллик етишмаслиги хусусан қўйидагилар туфайли юзага келган, деди: (а) сиёсий органда ва Президентнинг судьялар ва прокурорларни танлаш ва тайинлашга ва Бosh прокурорни тайинлаш ва лавозимдан бўшатишга қўшилганлиги; (b) судьялар ва прокурорлар лавозимларига номзодларни танлашда қонун белгилаган равshan ва объектив мезонлар ва шаффоф баҳолаш тартибининг етишмаслиги; (c) ва прокурорларнинг интизомий жавобгарлигига доир низом ва тартиблар кенг таърифланганлиги.

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги қонуни, 1996 й. 27 декабр, 349-I-сон.

<sup>106</sup> Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонун, 1998 й. 25 декабр, 721-I-сон.

<sup>107</sup> Адвокатура тўғрисидаги қонун, 12-модда.

<sup>108</sup> Ўша ерда, 12-модда.

<sup>109</sup> Ўша ерда, 3-модда.

<sup>110</sup> Ўша ерда, 13-модда.

комиссиясининг ваколатлари ва иш олиб бориш қоидалари ҳам Адлия вазирлиги томонидан Авдокатлар палатаси билан келишилган ҳолда жорий этилади. Адлия вазирлигининг бундай аралашуви аслида Авдокатлар палатисини ижроия ҳокимиятга боғлиқ қилиб қўяди.

Марказий Осиёда адвокатура мустақиллиги тўғрисидаги Юристлар халқаро кенгашининг 2016 йилги ҳисботида қўйидагича таъкидланган: «Ўзбекистон Авдокатлар палатасига яққол равишда мустақиллик етишмайди, чунки унинг бошлиғи Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан тайинланади ва ловозимдан озод қилинади, гарчи бунда Палата овоз берса-да, тақдимнома амалда натижани белгилаб беради. Юристлар халқаро кенгаши адвокатлар уюшмаси бошлиғининг тайнинланишига ижроия ҳокимиятнинг аралашуви халқаро стандартларга мос эмаслигидан ташвишда»<sup>111</sup>.

Ўзбекистон борасидаги якуний шарҳларда Инсон ҳуқуқлари қўмитаси таъкидладики, у: «...яна Адвокатлар палатасининг Адлия вазирлигидан мустақиллиги етишмаслигандан ташвишда»<sup>112</sup>. Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачи Палатанинг мустақиллигига путур етган, деб таъкидлари.<sup>113</sup> Бу адвокатуранинг бетарафлилигига ва адвокатларнинг касбий манфаатларига таъсир кўрсатади. Ижроия ҳокимиятга бўндай боғлиқ бўлиш умумий совутиш ҳодисаси ва маҳсус ҳолларда ижроия ҳокимиятга боғлиқлик туфайли адвокатларни мижозларининг ҳуқуқларини, жумладан ИИМ ҳуқуқларини эркин ҳимоя қила олмайдиган аҳволга солади<sup>114</sup>.

Бунинг устига, БМТ судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачининг фикрига кўра, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг сони одил судлов эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас<sup>115</sup>. Бундай адвокатларнинг аксарияти Тошкентда яшайди ва ишлайди<sup>116</sup>. Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида адвокатларнинг кескин етишмовчилиги мавжуд, бу эса одил судловдан баҳраманд бўлишга жиддий таъсир кўрсатади<sup>117</sup>.

## **Юридик ёрдам олиш имконияти**

Суд ёки маъмурий соҳаларда одил судловни истаган шахсга юридик маслаҳат, жумладан, зарур бўлган ҳолларда, текин юридик ёрдам ва вакилга эга бўлиш кафолатланган бўлиши керак. Бундай имкониятга қўмаклашиш нафақат Давлатнинг масъулияти, балки адвокатларнинг ушбу имкониятлар вужудга келиши фойдасига ҳаракат қилиш масъулияди бор<sup>118</sup>. Одил судловдан фойдаланиш учун маблағ етишмаслиги кўп ҳолларда ИИМ ҳуқуқларга тегишли ишларда одил судловга мурожаат қилиш учун, айниқса жамиятнинг маргиналлашган ва заиф аҳволдаги қисмларига мансуб шахслар учун сезиларли тўсиқ бўлади. Текин юридик ёрдам олиш

<sup>111</sup> ЮХК, Марказий Осиёда адвокатлар мустақиллиги, <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/09/Independence-of-the-Legal-Profession-in-CA-Eng.pdf>, 18-банд.

<sup>112</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, CCPR/C/UZB/CO/5, 38-39-бандлар.

<sup>113</sup> Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачи, Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачининг Ўзбекистонга келиб кетганлиги тўғрисида, *op. cit.*, 82-83-бандлар.

<sup>114</sup> Масалан, ЮХК, Марказий Осиёда адвокатлар мустақиллиги, *op. cit.* 82-бет.

<sup>115</sup> Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачи, Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачининг Ўзбекистонга келиб кетганлиги тўғрисида, *op. cit.*, 77-банд.

<sup>116</sup> Ўша ерда.

<sup>117</sup> Ўша ерда. Маҳсус маърузачи Ўзбекистонда бўлган пайтда мамлакатда тахминан 4000 адвокат бор эди.

<sup>118</sup> Юристлар халқаро кенгашининг инсон ҳуқуқлари халқаро тизимида одил судлов имконияти ва ҳимоя ҳуқуқи борасида баёноти, 2012 й. 12 декабр, <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/02/Congress-Declaration-adoptedFINAL.pdf>, 4-принцип.

имконияти ушбу тўсиқдан ўтиш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин ва баъзи ҳолларда одил судловдан фойдаланиш самарали бўлиши учун талаб қилиниши ҳам мумкин<sup>119</sup>.

БМТнинг Инсон ҳуқуqlари қўмитаси тушунтиришича «юридик ёрдамнинг борлиги ёки йўқлиги кўп ҳолларда шахс тегишли равишда кўриб чиқишига эриша оладими ёки унда бамаъни тарзда қатнашадими, белгилаб беради»<sup>120</sup>. ИИМҲҚ «одил судловдан фойдаланишни ва текин юридик ёрдам хизматини, айниқса заиф аҳволдаги ва маргинал шахслар ва гурухлар учун таъминлаш»нинг<sup>121</sup> муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда текин юридик ёрдам тизими фақат жиноят ишларни қамраб олади<sup>122</sup>. Фуқаролик ишларга, жумладан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир ишларга келганда, текин юридик ёрдам эркаклар ва хотин-қизларнинг teng ҳуқуқлари бузилишига тегишли ишлар каби тор доирадаги ҳолларда таъминлаган<sup>123</sup>. Бироқ, ушбу яқинда кўрилган чораларнинг аёлларнинг, жумладан қишлоқ жойлардаги аёлларнинг аёлларга қарши камситиш ҳоллари ҳақида хабар бериш ва судга мурожаат қилиш ва юридик ёрдам олиш имкониятига таъсири аниқ эмас<sup>124</sup>.

Фуқаролик ишларда текин ҳуқуқий ёрдам йўқлиги ҳолда, Давлат, хусусан, Адлия вазирлиги орқали турли ИИМ ҳуқуқлар тўғрисида ҳуқуқий маълумотлар базаси жойлаштирилган вебсайт ([www.advice.uz](http://www.advice.uz)) воситасида, шунингдек ННТ сифатида рўйхатга олинган, аммо Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан<sup>125</sup> ташкил этилган «Madad» ташкилоти ёрдамида юридик маслаҳат ва ахборот бериш учун муайян чоралар кўрди. Қандай бўлмасин, бу чоралар тўлиқ фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий ёрдам тизимининг ўрнини боса олмайди. Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияда бепул ҳуқуқий ёрдам тўғрисида қонунни қабул қилишни назарда тутади, у, умуман олганда, ҳалқаро равишла муҳофаза қилинган ИИМ ҳуқуқларни қамраб олиши керак бўлган маъмурий ва фуқаролик ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

## **Кўриб чиқиши вақти**

Миллий қонун ҳужжатларида ИИМ ҳуқуқларга боғлиқ ишларни кўриб чиқиши вақти учун муайян чегаралар белгиланган<sup>126</sup>. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексга кўра, шошилинч фуқаролик ишлар биринчи инстанция судлари томонидан иш

<sup>119</sup> ИХЕС, *Airey Ирландияга қарши* (6289/73-сон ариза), 26-банд; ИҲҚ, 32-сонли умумий шарх, 10-банд.

<sup>120</sup> ИҲҚ, 32-сонли умумий шарх, 10-банд.

<sup>121</sup> ИИМҲҚ, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг олтинчи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, 2016 й. 14 июл, Е/C.12/GBR/SO/6, 21-банд.

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси, 112-модда; Адвокатура тўғрисидаги қонун, 11-модда; ва Судлар тўғрисидаги қонун, 10-модда; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 1994 й. 22 сентябр, 2013-XII-сон, 50-модда.

<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонуни, 2019 й. 2 сентябр, ЎРҚ-562-сон, 28-модда, <https://lex.uz/docs/4494873>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 7 мартағи ПҚ-4235-сон «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарори.

<sup>124</sup> Масалан, Аёлларга қарши камситишни тугатиш қўмитаси, Ўзбекистоннинг олтинчи даврий ҳисботига доир масалалар ва саволлар рўйхати, CEDAW/C/UZB/Q/6, 2020 й. 27 июл, 2-банд.

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори, 2019 й. 6 декабр, 741-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» фармони, ПФ-5618-сон, 2019 й. 9 январ; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 й. 22 июндаги ПФ-6012-сон фармони билан тасдиқланган, <https://lex.uz/ru/docs/4872357>.

<sup>126</sup> Фуқаровий процессуал кодекс, 202-, 207-, 395- ва 415-моддалар.

судда кўриб чиқиш учун тайёрлаб бўлингандан кейин йигирма кундан кечиктиримай қўриб чиқилиши лозим, ваҳоланки бошқа ишлар учун муддат, умуман олганда, бир ой<sup>127</sup>. Фуқаролик ишларни судда кўриб чиқиш учун тайёрлаш ариза қабул қилинган ва иш очилгандан кийин ўн кун муддатда бажарилиши керак<sup>128</sup>.

Биринчи инстанция судларидан ташқари қуйироқ судлар қарорлари кўриб чиқиш учун юқорироқ инстанция судлари, жумладан апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш судлари мавжуд<sup>129</sup>. Апелляция учун қонунда белгиланган муддат бир ой<sup>130</sup>. Умуман олганда, апелляция судлари «биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) иш судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади»<sup>131</sup>. Фуқаролик ишларда қонунда белгиланган кассация шикоятини бериш муддати бир йилни ташкил қиласди<sup>132</sup>. Кассация инстанция суди, Олий суд ҳам «кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқиласди»<sup>133</sup>.

Амалда, ушбу муддат чегараларига доим ҳам риоя этилмайди<sup>134</sup> муайян фуқаровий суд ишлари ўтнатилган муддатлари бузилиб кўриб чиқилган<sup>135</sup>. Ўзбекистон Олий судининг пленуми ишларни кўриб чиқиш вақти чўзилишига боғлиқ муаммони тан олиб, уни ишни яхши ташкил этилмаганлиги ёки суд муҳокамасини тайёрлашда ҳафсаласизлик, процессуал ҳужжатлар устида ишлашда сусткашлиқ, суд муҳокамаси вақтида процессуал қоидаларга амал қилмаслик ёки суд муҳокамасини тайинлаш босқичида иш материалларини ортиқча ўрганишдан кўрди. Шунингдек, ҳисботларда фуқаролик ишларни кўриб чиқишга тайёрлашда пала-партишлиқ, суд муҳокамаси қатнашчиларини вақтида хабардор қилмаслик ва, баъзи судларда, ишларни қонунда назарда тутилмаган сабаблар билан қайта-қайта тўхтатиб туриш амалиёти ҳам қайд этилган<sup>136</sup>.

Бироқ, зикр этилган муаммо якка ҳодиса эмас, балки у Ўзбекистон судларда жуда юқори кўринадиган иш юки каби бошқа тизимли муаммо билан боғлиқ<sup>137</sup>. Муаммо Тошкентда айниқса жиддий бўлиши мумкин ҳолда, судлар, умуман олганда, етарли штатлар билан бутланмаган кўринади<sup>138</sup>.

<sup>127</sup> Ўша ерда, 207-модда.

<sup>128</sup> Ўша ерда, 202-модда.

<sup>129</sup> Судлар тўғрисида қонун, 25- ва 33-моддалар.

<sup>130</sup> Фуқаровий процессуал кодекс, 385-модда.

<sup>131</sup> Ўша ерда, 395-модда.

<sup>132</sup> Ўша ерда, 405-модда.

<sup>133</sup> Ўша ерда, 415-модда.

<sup>134</sup> Дилдора Камолова (Тошкент юридик университетнинг факультета декани), «Один суд – одна инстанция»: как данный принцип изменит сферу, 2021 й. 29 январь, Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг вебсайтида кўриш мумкин, [https://sud.uz/ru/CCR\\_slider/один-суд-одна-инстанция-как-данный/](https://sud.uz/ru/CCR_slider/один-суд-одна-инстанция-как-данный/): «Масалан, 2020 йилда [судлар томонидан] қабул қилинган аризалардан саккиз мингидан (ёки 44 фоиз) ортиғида, аризачилар... тарафкашлик ва судларда ишларни кўриб чиқишида кечиктиришдан шикоят қилганлар»; Uza.uz янгиликлар портали, Обеспечение верховенства закона и справедливости— важнейшее условие достижения наших благородных целей, <http://www.aza.uz/ru/politics/obespechenie-verkhovenstva-zakona-i-spravedlivosti-vazhneysh-13-06-2017>.

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори, «Фуқаровий ишларни сўдда кўриб чиқиш учун тайёрлаш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари», <http://lex.uz/acts/1448991>, Муқаддима. Қарор 2018 й. 24 августда бекор қилинган бўлса-да, ЮХК Ўзбекистонда бўлган миссиясининг холосаларига кўра муаммолар амалда давом этмоқда.

<sup>136</sup> Ўша ерда.

<sup>137</sup> Алишер Умирдинов ва Аҳаджон Ҳакимов, Ўзбекистонда устунлик учун ички ва ҳалқаро ҳуқуқнинг қарама-қаршилиги, 2020 й. ноябр, Тошкент давлат юридик университети, [https://www.researchgate.net/publication/348391118\\_Tensions\\_between\\_Domestic\\_and\\_International\\_Law\\_for\\_Supremacy\\_in\\_Uzbekistan](https://www.researchgate.net/publication/348391118_Tensions_between_Domestic_and_International_Law_for_Supremacy_in_Uzbekistan), 214-бет; Uza.uz янгиликлар портали, Обеспечение верховенства закона и справедливости— важнейшее условие достижения наших благородных целей, <http://www.aza.uz/ru/politics/obespechenie-verkhovenstva-zakona-i-spravedlivosti-vazhneysh-13-06-2017>.

<sup>138</sup> БМТ Ўзбекистондаги мамлакат гурухи Ўзбекистоннинг ялпи даврий ҳисботи учун тақдим қилинган материал. 13.8 банд.

## **Қарорлар қабул қилиш сифати ва суд қарорлари билан танишиш имкорияти**

Судларнинг равshan ва яхши асосланган қарорлари одил судловдан баҳраманд бўлишни зарур жиҳати ҳисобланади, шунинг билан ишдаги тарафлар ишлари қандай ҳал қилинганини тушунадилар ва зарур ҳолларда апелляция учун асос таъминланади. Суд қарорлари кенгроқ аҳамиятга ҳам эга, улар ишдаги тарафлардан кенгроқ жамоатчиликга шаффофликни, судлар тизими орқали одил судлов амалга ошишини намойиш қиласи ва қонунларни аниқ ва изчил равишда қўллашни ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу боис суд қарорларининг сифати бутут одил судлов тизими сифати учун марказий ўрин тутади<sup>139</sup>. Европа судьялари маслаҳатчи кенгаши (CCJE) таъкидлаганидек: «Суд қарорларининг юқори сифати деб судьянинг кўлида бор материаллардан келиб чиқсан ҳолда тўғри натижага ва бунга одилона, тез, равshan ва қатъий равишида эришиладиганига айтилади»<sup>140</sup>. Яна муҳим жиҳатни таъкидлашдик, «суд қарорининг мақсади фақат кўрилаётган низо ҳал қилиш ва тарафларга ҳуқуқий аниқлик бериш эмас, балки шу билан бирга кўп ҳолларда бошқа низолар келиб чиқишининг олдини олиши мумкин бўлган амалий мисол яратиш ва ижтимоий уйғунликни таъминлашдир»<sup>141</sup>.

Ўзбекистоннинг Фуқаролик процессуал кодексига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши керак<sup>142</sup>. Суднинг қарорида иш бўйича суд хуласаларининг аниқланган фактик ва қонуний асослари кўрсатилган бўлиши керак<sup>143</sup>. Хусусан, ҳал қилув қарорнинг бу қисмида суд аниқлаган фактлар кўрсатиб ўтилиши керак; суднинг қарори асосланган далиллар; суд асослаб муайян далилларни қабул қилган ёки рад этган хуносалар мазмуни. Қарорда у асосланган моддий, фуқаролик, оила, ер, уй-жой каби ёки бошқа қонун ҳам кўрсатилиши керак, бунда қонуннинг расми номи, модда, банд, бошқа қонун хужжатларнинг қабул қилиниш сони ва санаси, шунингдек процессуал қонунлар<sup>144</sup>.

Фуқаролик процессуал кодексга кўра, Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлса, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек ҳал қилув қарорини ижро этиш зиммасига юклатилган органлар ва давлат ижроқисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирган ҳолда тушунтиришга ҳақли<sup>145</sup>. Агар ҳал қилув қарори ижро этилмаган ва уни мажбурий ижро эттириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлса, ҳал қилув қарорини тушунтиришга йўл қўйилади<sup>146</sup>.

Амалда, кўп ҳолларда суд қарорларининг сифати паст бўлади<sup>147</sup>. Ўзбекистон Олий суди ўз пленуми қарорида шундай таъкидлади:

<sup>139</sup> Европа судьялари маслаҳат кенгаши (CCJE)нинг Европа Кенгаши вазирлар кўмитасига диққатига тақдим қилган фикри, 2-3-бандлар.

<sup>140</sup> Ўша ерда, 3-банд.

<sup>141</sup> Ўша ерда, 7-банд.

<sup>142</sup> Масалан, Фуқаролик процессуал кодекс, 249-модда.

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида қарори, 2019 й. 24 май, 12-сон, <https://lex.uz/docs/4396488>.

<sup>144</sup> Ўша ерда.

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, 263-модда.

<sup>146</sup> Ўша ерда.

<sup>147</sup> Алишер Умирдинов ва Ҳакимов Аҳаджон, *op. cit.* 217-бет: «...ички судлар қонунларни фақат юзаки талқин қиласи, бунда улар атайнин ўзларининг талқин қилишга бўлган кенг ваколатларидан фойдаланишдан ушлаб қолади. Ички судлар чиқараётган қарорлар очиқасига қиска ва ифодасиз; бу факт кўйи судлар бирламчи ва иккиламчи қонун хужжатларни талқин қилишда юқоридан пастка қаратилган Олий суд йўригини исташга бўлган мойиллигини кўрсатади...».

«Судлар томонидан қабул қилинган баъзи ҳал қилув қарорлари уларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги билан боғлиқ талабларга жавоб бермайди. Айрим ҳал қилув қарорларида иш ҳолатлари тўлиқ ифода этилмаган, далиллар таҳлил қилинмаган, уларга баҳо бериш ва аниқланган ҳолатларни ҳуқуқий мушоҳада қилиш билан боғлиқ муҳим вазифалар амалга оширилмаган, низо бўйича суднинг хulosалари ҳар доим ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди. Моддий ҳуқуқ меъёрларини ноўрин татбиқ қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон давом этмоқда. Қатор суд қарорларида иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатлар кўрсатилмайди ва ишнинг ҳолатидан келиб чиқадиган суднинг хulosалари мавжуд эмас, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвони рад этилганлик, айниқса, уни қисман рад этилганлик асослари ҳар доим ҳам келтирилмайди, ҳал қилув қарорларининг хulosса қисми тушунарсиз баён этилганлиги сабабли уларни ижро этишда қийинчиликлар келиб чиқмоқда»<sup>148</sup>.

Қатор мутахассислар судлар қарорининг сифати пастлигига нисбатан ушбу баҳони ЮХКга тасдиқладилар. Судлар қарори тўғрисида улар изчил эмас, мустаҳкам асосланмаганлиги, қонунлар таҳлили, қонунни тушунтириш ва нима сабаблардан ва қандай қилиб қўлланилганлигини қамраб олади, дейилди. ЮХКга судлар қарорлари ўхшаш ишларда бир бирига зид келадиган даражада фарқ қиласди, дейилди<sup>149</sup>. Афтидан, бир хил масалада Тошкентдаги судлар ва бошқа шаҳарлардаги судлар турли ҳал қилув қарорга келадилар ва бошқа-бошқа ҳужжатларни талаб қиласдилар<sup>150</sup>. Натижада қонун қандай қўлланилади, аввалдан на кўриб бўлади, айтиб бўлади; объектив ҳуқуқий синовлар ё аниқ таърифланмаган, ёки мавжуд емас<sup>151</sup>. ЮХК сухбатлашган бир адвокат Ўзбекистондаги судлар «кўриб чиқилаётган ишлар бўйича ҳал қулув қарорлар ва ҳукмларни ёзишга вақт бермайдиган конвейерга ўхшайди, шу боис ёзилган қарорлар ва кўриб чиқиш жараёнини олиб бориш сифатига путур етади»,— деди.

Шу муносабат билар Олий суд ўз вебсайтида суд қарорларини мунтазам эълон қила бошлаганлигини маъқуллаш лозим. Нисбатан янги воқелик бўлиб, минглаб ишлар энди танишиш учун очиқ қа Ўзбекистон Республикаси Олий суди вебсайтидан юклиб олиниши мумкин<sup>152</sup>. Кўплаб ҳужжат ва андозаларни энди онлайн кўриб ва осонликчп юклаб олиш мумкин, Олий суднинг электрон хизматлари портали орқали онлайн учрашув тайинлаш ёки ишлар кўрилишини кузатиш каби хизматлар суд жараёнларига маъқуллашга лойиқ шаффофлик бағишлайди<sup>153</sup>. Бундай қадамлар суд тизимининг шаффофлигини янада ошириши мумкин. Бироқ, шаффофлик ошишининг ўзи суд ҳал қилув қарорларининг асосланишини ва изчилигини оширмайди, бу эса ҳакаратларни, жумладан судьялар қарор қабул қилиши амалиёти ва маданиятини ўзгартиришга қаратилган салоҳиятни ошириш йўли билан давом эттиришни талаб қиласди.

<sup>148</sup> Ўзбекистон республикаси Олий суди пленумининг Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида қарори, 1998 й. 17 апрел, 13-сон, <https://lex.uz/docs/1446053>. Гарчи бу қарор Олий суднинг 2019 й. 24 майдаги пленумининг қарори билан ўз кучини йўқотган бўлса-да, ЮХК Ўзбекистонда бўлган миссиясининг хulosаларига кўра муаммолар амалда давом этмоқда.

<sup>149</sup> Алишер Умирдинов ва Ҳакимов Аҳаджон, *op. cit.* 226-бет; ЮХКнинг Ўзбекистонга миссияси, *op. cit.*

<sup>150</sup> ЮХКнинг Ўзбекистонга миссияси, *op. cit.*

<sup>151</sup> Дилдора Камолова (Тошкент давлат юридик университетининг факультет декани), «Один суд—одна инстанция»: как данный принцип изменит сферу, *op. cit.*: «...Ҳолбуки, ҳозирда инвестицияларга доир низолар ҳам фуқаролик, ҳам маъмурӣ ва ҳам иқтисодий судлар кўриб чиқилади. Ўз навбатида бу инвестицияларга доир низоларни ҳал қилишда ягона суд амалиётини шакллантиришни қишин қилиб кўяди...» ; ЮХКнинг Ўзбекистонга миссияси, *op. cit.*

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий вебсайти: <http://sud.uz/>.

<sup>153</sup> Судларнинг электрон хизматлари: <https://my.sud.uz/#/>.

## **COVID-19 ва одил судловдан фойдаланиш имконияти**

Бошқа мамлакатлар каби, Ўзбекистон ҳам COVID-19 пандемияси муносабати билан чора кўришга мажбур эди, чора кўрди ҳам<sup>154</sup>. COVID-19 пандемиясига жавобан Ўзбекистон Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонуннинг<sup>155</sup> кучига таяниб карантин режимини кўллади. 2020 йил, 29 январда Президент Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясина барпо этди<sup>156</sup>. Комиссияга Ўзбекистонда профилактика чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юкланди<sup>157</sup>. Ҳужжатлар, хусусан Президент ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг актлари орқали COVID-19 пандемиясига жавобан турли, жумладан ҳаракатларишни муайян даражада чеклаш чоралари, кўрилди<sup>158</sup>.

COVID-19 туфайли қўлланилган чекловлар Ўзбекистондаги одил судловга нохуш таъсир кўрсатди. Масалан, келиб чиқсан муаммолардан бири—адвокатларнинг пандемия пайтида ўз фаолияти эркин олиб бориши имконияти<sup>159</sup>. Транспортдан фойдаланиш аҳолининг кўпчилиги учун тақиқланди ва шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиш учун маҳсус стикерлар жорий этилди ва Адлия вазирлиги эгалари маҳсус йўл стикерларини олиши талаб этилмайдиган касбларнинг рўйхатини эълон қилди<sup>160</sup>. Истисно этилган муайян шахслар гурухлари судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари эди<sup>161</sup>. Адвокатлар эса ҳаракатланиш тақиқи остида эдилар, бу ушлаб турилганлар ва сўроқ қилинаётганларнинг юридик вакилга эга

<sup>154</sup> Юристлар халқаро комиссияси, МДҲда COVID-19 пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятига таъсири борасида брифинг мақоласи, 2020 й. 12 июн, <https://www.icj.org/icj-briefing-paper-on-the-impact-of-anti-covid-19-pandemic-measures-on-access-to-justice-in-cis-countries/>.

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, Ф-5537-сон, 2020 й. 29 январ, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида, <https://lex.uz/docs/4720408>; Юристлар халқаро комиссияси, МДҲда COVID-19 пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятига таъсири борасида брифинг мақоласи, 2020 й., <https://www.icj.org/icj-briefing-paper-on-the-impact-of-anti-covid-19-pandemic-measures-on-access-to-justice-in-cis-countries/>; Ҳуқуқий масалалар бўйича тез-тез бериладиган саволлар ва жавоблар, Ўзбекистон Адлия вазирлиги, 2020 й., <https://www.minjust.uz/ru/press-center/news/98981/>.

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, Ф-5537-сон, 2020 й. 29 январ, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида, <https://lex.uz/docs/4720408>.

<sup>157</sup> Ўша ерда.

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2020 й. 26 марта, ЎРҚ-613-сон, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2020 й. 19 марта, ПФ-5969-сон, «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2020 й. 26 марта, ПК-4649-сон, «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2020 й. 26 марта, ПФ-4652-сон, «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини кўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, 2020 й. 29 январ, Ф-5537-сон, «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2020 й. 23 марта, 176-сон, «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>159</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Ўзбекистон: COVID-19 давомида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар (ИИМ) ва одил судлов имконияти борасида мутахассислар мухоммаси, <https://www.icj.org/uzbekistan-expert-discussions-on-economic-social-and-cultural-rights-esc-rights-and-access-to-justice-during-covid-19/>; <https://www.icj.org/country/europe/uzbekistan/>; Юристлар халқаро комиссияси, МДҲда COVID-19 пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятига таъсири борасида брифинг мақоласи, 2020 й. 12 июн, <https://www.icj.org/icj-briefing-paper-on-the-impact-of-anti-covid-19-pandemic-measures-on-access-to-justice-in-cis-countries/>.

<sup>160</sup> Kun.uz янгилеклар портали: Карантин даврида стикерсиз транспорт воситаларини бошқариши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати янгиланди, 2020 й. 9 апрел, <https://kun.uz/ru/news/2020/04/09/obnovlen-spisok-lits-kotoryye-smogut-yezdit-bez-stikera-vo-vremya-karantina>.

<sup>161</sup> Ўша ерда.

бўлиш ҳуқуқини таъминлаш борасида ташвиш уйғотди<sup>162</sup>. Адлия вазирлиги кейин изоҳ бериб, ички ишлар органлари ходимлари ўз транспорт воситаларида адвокатларни «суд ва тергов ҳакаратларида» қатнашиш учун «олиб боришлари» мумкин деди<sup>163</sup>.

## Камситилмаслик ва ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти

### Камситилмаслик ва ИИМ ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқда

Тенглик, камситилмаслик ва қонун билан тенг равишда ҳимояланиш ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ томонидан, жумладан инсон ҳуқуқларидан баҳраманд бўлиш маъносида муҳофаза этилган. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда тенглик ва тенг муҳофаза ҳуқуқи ФСҲҲПнинг 26-моддасида лўнда қилиб ифодаланган, унда белгиланганки<sup>164</sup>:

*«Ҳамма инсонлар қонун қаршисида тенг ва ҳеч қандай камситишсиз қонун билан ҳимоялинишга тунг ҳуқуққа эгадирлар. Шу муносабат билан, қонун билан ҳар қандай камситиш тақиқланади ва ҳамма инсонларга ҳар қандай, ирқ, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа фикри, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулки, туғилиш ёки бошқа мақоми асосда ҳар қандай камситилишдан самарали ҳимояланганлиги кафолатлайди».*

ИИМҲҲП билан муҳофазаланган ҳуқуқларга нисбатан камситиш Пактнинг 2(2)-моддасида тақиқланади. ИИМҲҚ тушунтириш берганидек, 2(2)-моддада тақиқланган асослар «бошқа мақом» дем белгиланганларга қўшимча яққол санаб ўтилганлар қўйидагилар: ирқ, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа фикри, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулк, туғилиш, ногиронлик, ёши, фуқаролиги, никоҳ ва оиласвий мақоми, жинсий майли ва гендер ўзлигини таниш, саломатлик аҳволи, яшаш жойи ва иқтисодий ва ижтимоий аҳволи<sup>165</sup>.

ИИМҲҚ камситилмаслик «тўғридан-тўғри» ва барча соҳаларга тегишли мажбуриятдир», деб кўрсатди<sup>166</sup>. Муҳим жиҳат, ИИМҲҚ изчил равишда тенглик ҳам моҳият бўйича тенгликни, ҳам шакл бўйича тенгликни қамраб олади, деб таъкидлайди<sup>167</sup>.

Бир қатор қўлланиладиган шартномалар ва бошқа ҳужжатлар муайян гурухга мансуб шахсларни муҳофаза қилади. Булар, масалан, қўйидагилар:

- Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция (ирқ асосида моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>168</sup>;
- Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция (жинс ва гендер асосида моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>169</sup>;

<sup>162</sup> Юристлар халқаро комиссияси, МДҲда COVID-19 пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятига таъсири борасида брифинг мақоласи, 2020 й. 12 июн, *op. cit.*

<sup>163</sup> Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Ҳуқуқий масалаларда тез-тез сўраладиган саволлар ва жавоблар, <https://www.minjust.uz/ru/press-center/news/98981/>.

<sup>164</sup> ФСҲҲП, *op. cit.*

<sup>165</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 18–34-бандлар.

<sup>166</sup> Ўша ерда, 7-банд.

<sup>167</sup> Ўша ерда, 8-банд.

<sup>168</sup> Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенция, <https://www.ohchr.org/EN/professionalinterest/pages/universalhumanrightsinstruments.aspx>.

<sup>169</sup> Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, <https://www.ohchr.org/EN/professionalinterest/pages/universalhumanrightsinstruments.aspx>.

- Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция (болаларга уларнинг турлича ўзлиги таниши ва ифода этишидан қатъи назар моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>170</sup>;
- Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция; (ногиронлиги бўлган шахслар учун моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>171</sup>;
- БМТнинг туб халқлар ҳуқуқлари тўғрисида декларацияси (туб халқларга мансуб шахслар учун моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>172</sup>;
- Миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахслар ҳуқуқлари тўғрисида декларация (этник, диний ва лингвистик озчиликларга моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>173</sup>; ва
- Жинсий майл ва гендер ўзликни таниш муносабатида инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқни қўллашга доир Жогякарта принциплари (жинсий майл ва гендер ўзликни танишга нисбатан моҳияттан тенгликни назарда тутади)<sup>174</sup>.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг умумий принципи сифатида<sup>175</sup> деярли барча инсон ҳуқуқлари<sup>176</sup> барча Давлатлар томонидан ҳамма инсонларга, фуқаролигидан қатъи назар, жумладан ИИМҲ бутун кўлами кафолатланган бўлиши шарт. ИИМҲКга биноан:

*«Фуқаролик сабаби Пакт белгилаган ҳуқуқлардан фойдаланишга тўсиқ бўлмаслиги керак ...Пакт доирасидаги ҳуқуқлар ҳаммага, жумладан фуқаро бўлмаган, қочоқлар, бошпана сўраганлар, фуқаролиги йўқ, мигрант ишчилар ва халқаро одам савдоси қурбонлари каби шахслар, ҳуқуқий мақоми ва ҳужжатлар аҳволидан қатъи назар тааллуқли»<sup>177</sup>.*

## **Камситмаслик ва Ўзбекистон қонун ҳужжатларида ва амалиётда ИИМ ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Конституцияси Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, деб белгилайди<sup>178</sup>. Конституция ва барча қонунлар фуқароларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий

<sup>170</sup> Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, <https://www.ohchr.org/EN/professionalinterest/pages/universalhumanrightsinstruments.aspx>.

<sup>171</sup> Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, <https://www.ohchr.org/EN/professionalinterest/pages/universalhumanrightsinstruments.aspx>.

<sup>172</sup> БМТнинг туб халқлар ҳуқуқлари тўғрисида декларацияси (2007 й. 2 октябр), <https://www.ohchr.org/EN/professionalinterest/pages/universalhumanrightsinstruments.aspx>.

<sup>173</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияси, Буш ассамблеянинг 1992 й. 18 декабрдаги 47/135-сонли резолюциясига мувофиқ қабул қилинган, <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/Minorities.aspx>.

<sup>174</sup> Жогякарта принциплари, Жинсий майл ва гендер ўзликни таниш муносабатида инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқни қўллашга доир Жогякарта принциплари, <https://www.refworld.org/pdfid/48244e602.pdf>, 17-принцип; Жогякарта принциплари плюс 10, Жогякарта принципларини тўлдирувчи Қўшимча принциплари ва давлатларнинг жинсий ориентация, гендерни ифода этиш ва жинсий хактеристикларга нисбатан Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқни қўллаш бўйича давлат мажбуриятлари қўшимча принциплар (2017 й 10 ноябр), <https://www.refworld.org/docid/5c5d4e2e4.html>.

<sup>175</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Жанубий Африкада фуқаро бўлмаганларнинг ҳуқуқларини тарғиб қилиш. (2001 й. апрел), <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2020/04/South-Africa-Non-Citizens-Right-to-Work-Advocacy-Analysis-Brief-2020-ENG-.pdf>, 9–15-бетлар.

<sup>176</sup> Масалан, ФСХХП 25-моддасида ҳимояланган муайян ҳуқуқлар факат фуқароларга кафолатланган.

<sup>177</sup> ИИМҲК, Умумий шарҳ 20-сон, 30-банд.

<sup>178</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 8-модда.

келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгликни тадқим этади<sup>179</sup>.

Камситишни тақиқлаш қонун ҳужжатларида акс топган, бу тенгхуқуқликка қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурӣ<sup>180</sup> ва жиноий жавобгарликни<sup>181</sup> кӯзда тутади. Бундан ташқари, камситмаслик Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари борасидаги миллий стратегиясида акс эттирилганидек Давлат сиёсатининг эълон қилинган принципларидан бири ҳисобланади<sup>182</sup>.

Бироқ, мавжуд ҳуқуқий асос жамият ёки хусусий секторларда ёки ФСҲХП ва ИИМҲХПда тақиқланган, тана ранги, сиёсий ёки бошқа қарашлар, этник келиб чиқиш, мулк, туғилиш, жинсий ориентация ва гендер идентификация ёки бошқа мақоми каби асослардаги бевосита ёки билвосита камситишдан тӯла ҳимояни таъминлашни зиммасига ола олмайди<sup>183</sup>. Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида жинсий ориентация ёки гендер идентификация асосидаги камситишнинг ҳеч қандай тақиқи мавжуд эмас. Устига устак, Жиноят кодексига кўра вояга етган эркаклар орасида ўзаро розилик билан амалга ошириладиган гомосексуал алоқалар жиноят ҳисобланади<sup>184</sup>, бундан бесоқоллар, бисексуал ва трансгендерларни камситишга йўлиқишига олиб боради. Бу Давлат жинсий ориентация ва гендер идентификация асосода камситмасликни таъминлаш мажбуриятини бажара олмаганлигини билдиради<sup>185</sup>.

Камситишни тақиқловчи қамровли қонунлар қабул қилиниши, жумладан ИИМҲҚ томонидан тавсия этилди<sup>186</sup>. Шу муносабат билан, Ўзбекистон ҳукумати Тенглик ва камситишни тақиқлаш тӯғрисида қонунни қабул қилиш мажбуриятини олиб бўлди—ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни бажариш ҳаракат режасининг 2020 бир қисми сифатида назарда тутилган<sup>187</sup>.

Ўзбекистоннинг камситиш борасидаги қонун ҳужжатлари баъзан атайин ҳуқуқларни, жумладан тенгликка бўлган ҳуқуқни, «фуқаро»лар билан чеклайди, «шахслар» дейилмайди. Масалан, Конституциянинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар» тенг ҳуқуқларга эга ва қонун олдида тенг, дейилади. Қонун

<sup>179</sup> Ўша ерда, 18-модда: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўйиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб кўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

<sup>180</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодекси, 1994 йил, 22 сентябрь, 2015-XII-сое, масалан 42-, 1843-моддалар.

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 1994 й. 22 сентябр, 2012-XII-сон, 141-модда (Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш); 156-модда (Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш); 153-модда (Геноид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тӯла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тӯла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гурухидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тӯғрисида буйруқ бериш); 1301-модда (Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш).

<sup>182</sup> 2020 й. 22 июнданги ПФ-6012-сон Президент Фармони билан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси», <https://lex.uz/ru/docs/4872357>.

<sup>183</sup> ИХҚ, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тӯғрисидаги пактни бажаришига бағишлиланган бешинчи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, CCPR/C/UZB/CO/5, 9-банд.

<sup>184</sup> Жиноят кодекси, 120-модда, унинг санкциясида бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача муддатга қамоқ жазоси белгиланган.

<sup>185</sup> ИХҚ, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тӯғрисидаги пактни бажаришига бағишлиланган бешинчи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, 2020 й. 1 май, CCPR/C/UZB/CO/5, 10-11-бандлар.

<sup>186</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккичи даврий ҳисботига якуний шарҳлар, 2014 й. 12 июн, E/C.12/UZB/CO/2, 9-10-бандлар.

<sup>187</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 й. 22 июнданги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган, <https://lex.uz/docs/4872357#4873776>, қонун лойиҳаси 2021 й. апрелига қадар ишлаб чиқилиши керак.

хужжатларида кўп ҳолларда «фуқаролар»га тақдим этилган ҳуқуқлар тўғрисида айтилади<sup>188</sup>. Муайян чекланган ҳуқуқлар фуқароликка боғлиқ бўлган ҳолда, инсон ҳуқуқларининг аксарияти Давлат юрисдикциясидаги ҳамма шахсларга кафолатланган бўлиши керак. ИИМҲҚ Ўзбекистонга тегишли Якуний шарҳида «Иштирокчи давлатларда яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочоқлар, берилган маълумотга кўра, асосий иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим олиш ва қонуний равишда ишлаш ҳуқуқларига эга эмаслар (2(2)-модда)», дейди. Шунинг учун у Ўзбекистонга «унинг ҳудудида яшайдиган барча шахслар, камситилишсиз, уларнинг этник ва фуқаролик келиб чиқишидан қатъи назар Пакт ҳуқуқларидан баҳраманд бўлишни кафолатлаш учун ҳуқуқий ва сиёсий асосларни қабул қилишни» ҳамда «...фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочоқлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан, жумладан қонуний ишлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим олиш ҳуқуқларидан баҳраманд бўлишлари учун амалий, жумладан ўринли ҳолларда қонун воситалари оқали қадамлар қўйишни...» тавсия қилди.

## Аёлларга қарши камситиш

Жинс асосидаги камситиш Конституциянинг 18-моддасига биноан тақиқланган<sup>189</sup>, бундан ташқари Конституция “[х]отин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”<sup>190</sup>, деб белгилайди. 2019 йилда гендер тенглигининг муайян кафолатларини таъминлаш учун янги ҳуқуқий асос қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун»ида<sup>191</sup> илк бор жинс асосида бевосита ва билвосита камситишнинг таърифи берилди<sup>192</sup> ва Давлат аслида хотин-қизлар ва эркаклар орасида тенгликка, уларнинг жамиятнинг барча соҳаларида қатнашувига эришиш ва бевосита ва билвосита камситилишларини тутгатиш ёки унинг олдини олиш мақсадида гендер сиёсатини амалга ошириш учун вақтинчалик маҳсус чораларни кўриш лозим дейилди<sup>193</sup>.

Қонунда бевосита ёки билвосита гендер бўйича камситилишда шахс ваколатли орган ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган. Бундан ташқари, бундай ҳолларда Давлат текин ҳуқуқий ёрдамни таъминлайди<sup>194</sup>.

2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун»да<sup>195</sup> жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонлик

<sup>188</sup> Қаранг, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, меҳнат қилиш ҳуқуқининг муайян жиҳатлари (34-модда) фақат фуқароларга берилган кўринади, ваҳоланки, кўп бошқа ҳуқуқлар (мулк (36-модда), меҳнат қилиш ҳуқуқининг бошқа жиҳатлари (37-модда), ижтимоий суғурта (39-модда), соғлиқни сақлаш (40-модда), таълим олиш (41-модда)) ҳаммага берилган кўринади.

<sup>189</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18-модда.

<sup>190</sup> Ўша ерда, 46-модда.

<sup>191</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.

<sup>192</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида «жинс бўйича бевосита камситиш—жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш»; «жинс бўйича билвосита камситиш—бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан нокулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш».

<sup>193</sup> Ўша ерда.

<sup>194</sup> Ўша ерда, 28-модда.

<sup>195</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, 2019 й. 2 сентябр, ЎРҚ-561-сон, 3-модда.

тушунчалар таърифланади ва тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш мақсадида муҳофаза қилиш тартиблари белгиланади. Ўша йилнинг ўзида Оила кодексида хотин-қизлар ва эркакларнинг никоҳ ёшини бир хил қилиб 18 ёш деб белгиланди<sup>196</sup>.

Ўзбекистонда қонун ҳужжатлари жамиятнинг барча жиҳатларига, жумладан иқтисодий, ижтимой ва маданий ҳуқуқларни қўллаб-қувватлаш учун зарур ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятига таъсир қиласидиган тизимли ва теран илдиз олган гендер тенгиззлик миллий шороитда қабул қилинади<sup>197</sup>.

Ушбу муносабат билан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси тавсия этдики: Ўзбекистон:

«муайян белгиланган вақт ичида хотин-қизларнинг жамият ва сиёсий ҳаётда, хусусан қарор қабул қилиш лавозимларда, жумладан қонун чиқарувчи ва ижроия органларда ҳамда барча бўғин судларда тенг вакиллигига эришиш мақсадида, зарур ҳолларда, тегишли вақтинчалик маҳсус чоралар орқали Пакт қоидаларини ижро этиш учун пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий ва сиёсий чоралар кўриши керак. Шунингдек, мамлакат оила ва бутун жамиятда хотин-қизлар ва эркакларнинг роли ва масъулиятига бўлган патриархал ёндашувга қарши курашиб учун стратегияларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим»<sup>198</sup>.

## Ногиронлик бўйича камситиш

Гарчи Ўзбекистон Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни 2009 йилда имзолаган бўлса-да, у ҳали ушбу муҳим шартномани ратификация қилмаган. Аслида у мазкур шартномани ратификация қилмаган жуда камчилик давлатлардан бири, ҳолбуки ҳозирда 182 Давлат Конвенциянинг иштирокчисидир<sup>199</sup>. Ўзбекистон Конституциясида ногиронлик камситиш тақиқланган асослар сирасида очиқ кўрсатилмаган (18-модда), аммо 18-моддага биноан «бошқа мақом» тушунчаси остида ҳимояланган ҳисобланиши лозим<sup>200</sup>. Бундан ташқари, Конституция (45-модда) «ишга лаёқатсизларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб белгилайди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун<sup>201</sup> ҳам ногиронлик бўйича камситишни тақиқлайди. Хусусан, унда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситишнинг таърифлари қўйидагича берилади «Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг обьектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш». Шунингдек қонунда «Ногиронлиги бўлган шахслар учун имкониятлар тенглигини таъминлашга ҳамда уларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этишга қаратилган маҳсус

<sup>196</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, 1998 й. 30 апрел, 607-1-сон, 15-модда. Никоҳ ёши аввал хотин-қизлар учун 17 эркаклар учун 18 ёш эди.

<sup>197</sup> ИҲҚ, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни бажаришига бағишланган бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, 2020 й. 1 май, CCPR/C/UZB/CO/5, 12-13-бандлар; АКБҚ, Бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, CEDAW/C/UZB/CO/5, 2015 й. 24 ноябр, 15-, 25-26-бандлар.

<sup>198</sup> ИҲҚ, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактни бажаришига бағишланган бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, ор. *cit.*, 13-банд.

<sup>199</sup> Кўринг: Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянининг мақоми, [https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=IV-15&chapter=4&clang=\\_en](https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=IV-15&chapter=4&clang=_en).

<sup>200</sup> Конституциянинг 18-моддасини қаранг: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидаги тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт». Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари Конституциянинг бошқа моддалари билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин; хусусан, Конституциянинг 45-моддасида қўйидагилар кўзда тутилган: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир».

<sup>201</sup> Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун, 2020 й. 5 октябр, ЎРҚ-641-сон, <https://lex.uz/ru/docs/5049549>, 6-, 23-25-моддалар.

чоралар бошқа фуқароларга нисбатан камситувчи чоралар ҳисобланмайди»<sup>202</sup>, деб қаралади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар учун одил судловдан фойдаланиш алоҳида муаммо ҳисобланади. Одил судловдан бошқалар билан тенг асосда фойдаланиш имконияти меъморий тўсиқлар ёки тил қийинчиликлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг суд биноларига киришига ёки суд муҳокамасида ҳозир бўлишига йўл қўймаслиги ёки чеклаши билан пасайиши мумкин<sup>203</sup>. Хусусан, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачиси Ўзбекистон муносабати билан кўп суд биноларига, айниқса марказ шаҳарлардан ташқарида, ногиронлиги бўлган кишилар учун кириш имконсиз, деб таъкидлади<sup>204</sup>. У ташвиш билдириди:

*«ишора тили таржимонлари етишмайди; сезги, ақлий ёки психологик ногиронлиги бўлган шахслар учун фойдаланиб бўладиган шаклда ҳужжатлар, жумладан суд қарорлари, йўқ; ва ногиронлиги бўлган шахслар одил судлов тизимида бевосита ёки билвосита, адвокат, суд ходимлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш мансабдор шахслар каби иштирокчилари сифатида қатнашишни салоҳиятини оширишга қаратилган сиёсий чоралар мавжуд эмас».*

## Хулосалар

Давлат органларининг, ҳалқаро ҳуқуқни ички даражада, бошқалар қаторида судлар томонидан қўллашга пухта ва аниқ ёндашув йўқлиги Ўзбекистоннинг ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш бўйича мажбуриятларини баҷаришга халал бермоқда. Ўзбекистон Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга қўшимча протоколига қўшилиши керак, шунинг билан алоҳида алоҳида боғланиш тартиби орқали судлар тегишли йўриқ олган бўлар эдилар. Шунингдек, у Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Қўшимча протоколига қўшилиши лозим.

Суд тизими ва адвокатларнинг мустақиллиги етишмаслиги ИИМ ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишга халал бермоқда. Гарчи уларнинг мустақиллиги принцип шаклида қонунда ифода этилган бўлса-да, амалдаги жараёнлар тескарисидан далолат беради. Айни пайтда, суд қарорларидан фойдаланишда сезиларли ижобий ўзгариш бор, чунки улар билан жамоатчилик танишиш мумкин, ва улар тартибга келтирилган ва уларни юклаб олиш имконияти мавжуд. Бу суд қарорларидан жамоатчилик фойдаланиш имконияти сари муҳим қадамнинг белгисидир. Бироқ, суд қарорларининг сифати устун масала сифатида кўриб чиқиладиган масалалигича қолмоқда. Одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлаш учун улар ҳамон сифат стандартларига жавоб бермайди.

Камситмасликка тегишли миллий қонунлар қабул қилинганлигига қарамай, ҳуқуқий асос барча асослар бўйича бевосита ёки билвосита камситишдан қамровли ҳимояни тақдим этмайди. Бундан ташқари, камситмасликни қонунда ва амалда вужудга келтириш, жумладан камситишга, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан камситишга қарши самарали суд ҳимоясини, хамда ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланишда амалда гендер тенгликни таъминлашни тайин қилиш мақсадила ушбу қонунларнинг тўлиқ имплементациясига эришиш лозим.

<sup>202</sup> Ўша ерда, 6-модда.

<sup>203</sup> Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маҳсус маърузачисининг маърузаси, оп. cit., 86-банд.

<sup>204</sup> Ўша ерда.

## II-БОБ. МОНАНД УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ

### Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар

Монанд уй-жой ҳуқуқи озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва «яшаш шароитининг мунтазам яхшиланишини» қамраб оладиган монанд турмуш даражаси кенгроқ ҳуқуқнинг бир қисми сифатида ИИМХХПда муҳофазаланган алоҳида ҳуқуқдир<sup>205</sup>. ИИМҲҚ ушбу ҳуқуқ мазмуни ва уни кафолатлашга доир Давлат мажбуриятининг нуғузли талқинини тақдим этадиган икки Умумий шарҳни қабул қилди: Умумий шарҳ 4—монанд уй-жой ҳуқуқи; ва Умумий шарҳ 7—мажбурлаб уйдан чиқариш тўғрисида<sup>206</sup>. Инсон ҳуқуқлари борасидги бошқа шартномалар ҳам монанд уй-жой ҳуқуқини кафалатлайди ва ИИМХХП таъминлаган, жумладан маҳсус гуруҳларга мансуб аёллар, болалар ёки ногиронлар каби шахслар учун мавжуд ҳимояга таянади<sup>207</sup>. 2019 йил декабрда БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича маҳсус маърузачиси «Монанд уй-жой ҳуқуқини амалга ошириш бўйича йўриқнома»ни эълон қилди, у ҳам Давлатларга ушбу ҳуқуқни таъминлаш борасидаги мажбуриятларини бажариш учун нуғузли йўриқ беради<sup>208</sup>.

Кўп Давлатларда конституциялари монанд уй-жой ҳуқуқи ҳимоясини аниқ белгилайди<sup>209</sup>, ҳолбуки бошқаларида Давлатнинг ҳамма учун монанд уй-жой ва яшаш шароитига нисбатан Давлатнинг умумий мажбуриятини киритади<sup>210</sup>. Конституциялар уй-жой ҳуқуқини ҳимоя қилишни билвосита, бошқа, яшаш ҳуқуқи ёки қадр-қиммат ҳуқуқи каби ҳуқуқлар таркибий қисми сифатида ёки Давлат сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий уй-жой ҳуқуқини қамраб олади, деб ҳисобланадиган йўналиш принциплари орқали ҳам киритади<sup>211</sup>. Турли ҳуқуқий тизимларга мансуб судлар ҳам мажбурлаб уйдан чиқариш, ижаравининг ҳимояси ва камситишни тақиқлаш ва, зарур ҳолларда, тўғридан-тўғри ва олдиндан чора кўриш масалаларини қамраб олувчи уй-жой ҳуқуқидан баҳраманд бўлиш билан боғлиқ ишлар бўйича қарорлан чиқарган<sup>212</sup>.

<sup>205</sup> ИИМХХП, 11-модда.

<sup>206</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 7-сон, Монанд уй-жой ҳуқуқи (11.1 модда): мажбурлаб уйдан чиқариш, UN Doc. E/1998/22 (1997), 15-банд.

<sup>207</sup> 1951 й. Қочоқлар мақомига доир конвенция (21-модда); Халқаро меҳнат ташкилотининг 1962 й. 117-сон ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва стандартларига доир конвенция (5(2) модда); 1965 й. Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенция (5(e)(iii) модда); 1966 й. Фуқаролик ва сийсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (17-модда); 1979 й. Хотин-қизларга қарши камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция, (14(2) ва 15(2) моддалар); 1989 й. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, (16(1) ва 27(3) моддалар); Халқаро меҳнат ташкилотининг 1989 й. 169-сон мустақил мамлакатлардаги туб ва қабила халқларга доир конвенция (14-, 16- ва 17-моддалар); 1990 й. Барча мигрант ишчилар ва оиласлари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция, 43(1)(d) модда); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 2006 й. (9- ва 28-моддалар).

<sup>208</sup> БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича маҳсус маърузачиси, Монанд уй-жой ҳуқуқини амалга ошириш бўйича йўриқнома, A/HRC/43/43 (2019 й. 26 декабр), <https://undocs.org/en/A/HRC/43/43>.

<sup>209</sup> Масалан, Бельгия, Жанубий Африка, Уругвай, Эквадор, Гайана, Гаити, Гондурас, Эрон Ислом Республикаси, Мальдивлар, Мали, Мексика, Никарагуа, Панама, Парагвай, Перу, Португалия, Россия Федерацияси ва Испания, БМТнинг 21-сонли ахборот бюллететни, Етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи, 14-бет; Жанубий Африка муносабати билан, кўнинг янга: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни Жанубий Африкада тадбиқ этиш ва судда ҳимоя қилиш бўйича йўриқнома, 2019 й. август, Юристлар халқаро комиссияси.

<sup>210</sup> Масалан, Аргентина, Бангладеш, Бразилия, Буркина-Фасо, Колумбия, Коста-Рика, Доминикана Республикаси, Сальвадор, Швеция, Швейцария, Туркия, Венесуэла (Боливариан Республикаси) ва Вьетнам, БМТнинг 21-сонли ахборот бюллететни, Етарли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи, 14-бет.

<sup>211</sup> Хиндистон шароитида аҳамиятли мисолларни кўринг: *Chameli Singh v. Union of India*, (1996) 2SCC549, 4-8-бандлар; *Shantistar Builders v. Narayan Khimalal Totame*, (1990) 1 SCC 520, 9-банд; *Francis Coralie Mullin v. Administrator, Union Territory of Delhi and others*, 1980 SCC (2) 275, 8-банд; *Ahmedabad Municipal Corporation v. Nawab Khan Gulab Khan*, (1997) 11 SCC 121; *Olga Tellis v. Bombay Municipal Corporation*, (1985) 3 SCC 545, 46-банд; *Ajay Maken v. Union of India*, W.P.(C) 11616/2015.

<sup>212</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ben Saul, David Kinley, and Jacqueline Mowbray. 954-967-бетлар.

Монанд уй-жой ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқида кафолатланган маънода, шунчаки асосий бошпана ҳуқуқи эмас, балки «бир жойда хавфсиз, тинч ва обрў-этиборда яшаш»<sup>213</sup> дегани. Шунчаки «яшаш жойини» ёки «бошпанани» таъминлашнинг ўзи ҳалқаро ҳуқуқда монанд уй-жой ҳуқуқи маъносида белгиланган стандартларга жавоб бермайди. Монанд ҳисобланиши учун уй-жой энг камидаги уй-жой ҳуқуқининг қутилдиги унсурлари талабларига жавоб бериши лозим<sup>214</sup>:

- **Эгаликнинг ҳуқуқий хавфсизлиги:** уй-жой монанд бўлиши учун унда эгаликнинг ҳуқуқий хавфсизлиги таъминланниши керак. Ҳуқуқий хавфсизликни муҳофаза қилишдан қонун орқали «мажбурлаб чиқариб юбориш»дан, зўравонлик ва Давлат ва нодавлат субъектлар томонидан таҳдидлардан ҳимоя (қонун ҳуффатлари ва тартиблар шаклида) таъминланганини келтиб чиқаради<sup>215</sup>. Эгаликнинг ҳуқуқий хавфсизлиги турли-туман йўллар билан таъминланниши мумкин, жумладан мулкдорлик ҳуқуқида эгаллаш; лизинг; ижарада туриш; кооператив уй-жой, фавқулодда ҳолатда уй-жой; ва расмийлаштирилмаган яшаш жойлар<sup>216</sup>.
- **Хизматлардан фойдаланиш имконияти:** уй-жой монанд бўлиши учун ухизматлар, материаллар, бино-иншоотлар ва инфратузилма ва саломатлик, хавфсизлик, қулайлик ва озиқланиш учун зарур унсурлардан фойдаланиш имкониятини қамраб олиши керак. Шунингдек у сув, санитария, электр ва чиқиндиларни олиб кетиш каби асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятини қабраб олади<sup>217</sup>.
- **Уй-жойнинг ҳамёнбоплиги:** уй-жой монанд бўлиши учун бундай уй-жой ҳамёнбоп бўлиши керак. Бу қоида ҳам давлат қабул қилган «ижтимоий уй-жой»<sup>218</sup> дастурларга, ҳам уй-жой, масалан, ижара бозорида хусусий эгалардан олинганда ҳам тааллуқли. Уй-жой ҳуқуқини муҳофаза қилиш мажбурияти Давлатлардан хусусий уй-жойдан фойдаланиш ижара бозорини бундай уй-жой аҳолининг аксарияти учун ҳамён кўтарадиган бўлиши мақсадида тартибга солишини талаб қиласди<sup>219</sup>.
- **Яшаш учун мослиги:** «монанд» ҳисобланиши учун уй-жой етарли даражада яшашга мос бўлиши учун у хавфсиз бўлиши ва касалликлардан ва об-ҳаводан ҳимояни таъминлаши керак<sup>220</sup>. Кишининг саломатлиги учун хатар туғдирмайдиган ва киши касалликка чалинмайдиган уй муҳитидан баҳраманд бўлиш соғлиқ ҳуқуқининг ўзак компоненти ҳам ҳисоланади<sup>221</sup>.
- **Уй-жой имкониятининг умумийлиги:** уй-жойдан фойдаланиш иконияти камситишсиз ҳамма учун яратилиши керак<sup>222</sup>. ИИМҲХП 2(2)-моддаси Давлатларга «мазкур Пактда баён қилинган ҳуқуқлар ҳеч қандай тур, ирқ, тана ранги, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқа фикр, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш, туғилиш ёки бошқа мавқе бўйича камситишсиз кафолатлаш мажбуриятини юклайди». Камситишга қаршу ушбу муҳофаза ИИМҲҲнинг Умумий

<sup>213</sup> ИИМҲҲ, Умумий шарҳ 4-сон, Монанд уй-жой ҳуқуқи (Пактнинг 11(1) моддаси), UN Doc. E/1992/23, (1991), para. 7. (ИИМҲҲ, Умумий шарҳ 4-сон, 7-банд)

<sup>214</sup> Ўша ерда, 8-банд.

<sup>215</sup> Ўша ерда.

<sup>216</sup> Ўша ерда.

<sup>217</sup> Ўша ерда.

<sup>218</sup> Ўша ерда.

<sup>219</sup> Ўша ерда.

<sup>220</sup> Ўша ерда.

<sup>221</sup> ИИМҲҲ, Умумий шарҳ 14-сон, Саломатликнинг эришиб бўладиган энг юқори стандартига бўлган ҳуқук (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 12-моддаси), E/C.12/2000/4 (2000 й. 11 август).

<sup>222</sup> ИИМҲҲ, Умумий шарҳ 20-сон, 8-банд.

шарҳида<sup>223</sup> таърифланган заиф ҳолатдаги ва маргинал гуруҳларга мунсуб шахсларга ҳам қўлланилади.

- **Жойлашуви:** уй-жой монанд бўлиши учун у яшаётганларнинг яшаш манбаларини муҳофаза қилишга йўл қўядиган жойда бўлиши лозим<sup>224</sup>. Бу ишга кириш имконияти (шаҳарларда иқтисод марказларига яқин бўладими, ёки қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконияти бор жойларда бўладими), соғлиқни сақлаш, жамоат транспорти, мактаб ва бошқа мусассасаларни инобатга олишни қамраб олади<sup>225</sup>. Махсус маргинал ва заиф гуруҳларга мансуб кишилар амалда ажратиб қўйилган узоқда жойлашган, ҳаёт кечириш учун зарур иқтисодий имкониятлардан йироқдаги ерларда яшашга мажбур қилинишлари керак эмас<sup>226</sup>.
- **Маданий монандлик:** уй-жой маданият жиҳатидат мақбул бўлиши ва маданий ўзликни танишга ва турли-туман уй-жой эҳтиёжларига кўмаклашиши лозим<sup>227</sup>. Баъзилар учун бу рўзгор учун фермерлик, қишлоқ хўжалик уй ҳайвонларини боқадиган ер, дарёларга бориш ва бошқа табиий ресурслар имконияти бор жойларда уй-жойга эга бўлишни талаб қиласди<sup>228</sup>.

БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича собиқ маҳсус маъruzачиси таъкидлаганидек, «уй ҳавфсизлиги» жумладан «эгалик ҳавфсизлиги» билан бирга монанд уй-жой ҳуқуқини шакллантиради. Бу «шахсий ҳаёт ва ҳавфсизлик; қарор қабул қилишда қатнашиш; зўравонликдан ҳоли бўлиш; ва бошга тушган ҳар қандай ҳуқуқлар бузилганинг ҳимоя чоралари мавжудлиги»ни қамраб олади<sup>229</sup>.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига кўра камситишни тақиқлаш тенг равища уй-жойга ҳуқуқ маъносида ҳам амал қиласди<sup>230</sup>. Шунинг учун давлатлардан уй-жойдан фойдаланишда ҳеч қандай камситиш бўлмасликни таъминлаш талаб қилинади. Бу барча кишиларнинг умумий осойишталиги учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки:

«Уй-жойга эга бўлишдан камситувчи тарзда маҳрум қилиш ушбу гуруҳлар аъзоларини бандлик ёки маҳсулдор ер имкониятидан маҳрум қилиб ва хизматлар учун юқорироқ нарх тўлашга мажбурлаб уларнинг ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлигини ниҳоятда чуқурлаштиради ва кучайтиради. Кўп Давлатларда уй-жой ёки ерни сотиб олиш ва унга эгалик қилиш имконияти тенгсизликни доимий қилишда устун жиҳатга айланган»<sup>231</sup>.

## Миллий ҳуқуқий асос, низомлар ва амалиёт

Ўзбекистонда Конституцияда уй-жой ҳуқуқини яққол ҳимоя қилувчи қоидалар йўқлиги ҳолида қатор тегишли, умуман айтганда, уй-жой ҳуқуқини муайян даражада муҳофаза қилиши мумкин бўлган конституционал қоидалар мавжуд<sup>232</sup>. Булар қўйидагилар:

<sup>223</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарх 20-сон.

<sup>224</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарх 4-сон, 8-банд.

<sup>225</sup> Ўша ерда.

<sup>226</sup> Ўша ерда.

<sup>227</sup> Ўша ерда.

<sup>228</sup> Ўша ерда.

<sup>229</sup> Miloon Kothari, Монанд уй-жой монанд турмуш даражаси ҳуқуқининг қисми сифатида борасида маҳсус маърузачи, Бош Ассамблеянинг 2006 й. 15 мартағи 60/251-сон «Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши» деб аталган қарорининг бажарилиши, UN Doc. A/HRC/4/18 (2007). 23-бет.

<sup>230</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарх 4-сон.

<sup>231</sup> БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича маҳсус маъruzачиси, Монанд уй-жой ҳуқуқини амалга ошириш бўйича йўриқнома, A/HRC/43/43 (2019 й. 26 декабр), <https://undocs.org/en/A/HRC/43/43>, 45-банд.

<sup>232</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 27-модда.

- ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ара-лашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга<sup>233</sup>;
- ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатла-нади<sup>234</sup>; ва
- иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳо-фаза этилишини кафолатлайди<sup>235</sup> ва бунга қўшимча равишда киши фақат қо-нунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин<sup>236</sup> дейилади.

Устига устак, Конституция «[e]р, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»<sup>237</sup>, деб кафолатлайди.

Совет Иттифоқи парчаланишидан сўнг давлат уй-жой фонди «Давлат уй-жой фон-дини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун<sup>238</sup> асосида хусусийлаштирилди, бунинг натижасида хусусий уй-жойлар улушиниг жами 41 фоиздан 98,9 фоизгача ошди<sup>239</sup>. Совет Иттифоқида уй-жойлар фонди давлат фонди, жамоатчилик, кооператив ва шахсий фондлардан ташкил топган эди<sup>240</sup>. Хусусийлаштириш дастурига кўра, Дав-лат уй-жой фондининг бир қисмини ташкил этган турар жойлар мулкидорлиги улар-ни эгаллаб турганларга ижара шартномалари асосида ўтказиб юборилди<sup>241</sup>.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда уй-жой борасида асосий ҳуқуқий замир Ўзбекистон-нинг Уй-жой кодексида мужассам<sup>242</sup>. Уй-жой масалаларини тартибга соладиган бо-шқа ҳуқуқий актлар «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун<sup>243</sup>; Фуқаролик кодекс<sup>244</sup>; Ер кодекси<sup>245</sup>; Шаҳар-созлик кодекси<sup>246</sup>; ва Ипотека тўғрисидаги қонунлардан<sup>247</sup> иборат. Уй-жой кодек-сига кўра, Вазирлар Маҳкамаси уй-жой масалаларини тартибга солиш, жумладан уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни экспуатация қилиш борасида давлат си-ёсатини олиб бориш, уй-жой қурилиши бўйча давлат дастурларни қабул қилиш ва уй-жой ва коммунал хизматлар учун масъул давлат органларининг фаолияти-ни бошқаришда мухим ваколатларга эга<sup>248</sup>. Шунингдек, уй-жой борасидаги сиёsat Президент фармонлари ва фармойишлари, ва умуман мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади<sup>249</sup>.

<sup>233</sup> Ўша ерда, 27-модда.

<sup>234</sup> Ўша ерда, 36-модда.

<sup>235</sup> Ўша ерда, 53-модда.

<sup>236</sup> Ўша ерда.

<sup>237</sup> Ўша ерда, 55-модда.

<sup>238</sup> «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун, 1993 й. 7 май, 846-XII-сон, <https://www.lex.uz/acts/98427>.

<sup>239</sup> Уй-жой ва ерни бошқариш борасида мамлакатнинг характеристикиси, UNECE. 2015, <https://unece.org/fileadmin/DAM/hlm/documents/Publications/cp.uzbekistan.2015.en.pdf>, 15-бет.

<sup>240</sup> СССР ва Иттифоқдош республикаларда уй-жой соҳасидаги қонун ҳужжатлари, СССР Олий Совети томонидан 1981 й. 24 июняда қабул қилинган, 5150-Х (Ўзгартиш ва қўшимчалар 1990 й. 22 майда киритилган), 4-модда (Уй-жой фонди).

<sup>241</sup> «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун, 1993 й. 7 май, 846-XII-сон, 13.3 модда.

<sup>242</sup> Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, *op. cit.*

<sup>243</sup> «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, 2019 й. 24 сентябр, ЎРҚ-336-сон, <https://lex.uz/docs/4402206>.

<sup>244</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1995 й. 21 декабрь, <https://lex.uz/docs/111181>.

<sup>245</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 1998 й. 30 апрел, <https://lex.uz/docs/149947>.

<sup>246</sup> Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, 2002 й. 7 май, 354-II-сон.

<sup>247</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ипотека тўғрисидаги қонуни, ЎРҚ-58-сон, 2006 й. 4 октябр.

<sup>248</sup> Уй-жой кодекси, 3-модда.

<sup>249</sup> Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш тўғрисидаги учинчи даврий хисоботи, Е/С.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 133–141-бандлар.

Ўзбекистоннинг Уй-жой кодексида: «Агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикаси-нинг халқаро шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги уй-жой муносабатларига нисбатан қўлланилади»<sup>250</sup>, деб белгиланади. Бундай ташқари, Фуқаролик кодексида ҳам агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади<sup>251</sup>, деб белгиланган.

Қонунга кўра, ижтимоий уй-жойдан ночор гурухларга мансуб шахсларнинг уй-жойга муҳтоҷ ва ижтимоий уй-жой олиш навбатида рўйхатдан ўтган муайян тоифалари фойдаланиши мумкин<sup>252</sup>. Ушбу гурухлар, бошқалар билан бир қаторда, 1- ва 2-гурух ногиронлиги бўлган ишсиз шахслар<sup>253</sup>, bemor шахсларнинг муайян тоифалари, ёлғиз яшайдиган пенсионерлар, Иккинчи жаҳон урушининг баъзи фахрийлари ва етимларни асраб олган оиласардан ташкил топган<sup>254</sup>. Шунга мувофиқ, гарчи қонунда «эҳтиёж» мезон сифатида кўлланилса ҳам, уйсиз бўлишнинг ўзи юқорида зикр этилган рўйхатга киритиш учун етарли шарт бўлмайди.

Хусусий субъектлар уй-жой секторида, хусусан, уй-жой куришда ёки инвесторлар ёки банк сифатида муайян роль ўйнайди<sup>255</sup>. Баъзи уй-жой соҳасидаги давлат дастурлари, жумладан заиф гурухларга мансуб кишилар учун, хусусий субъектлар жалб қилинган ҳолда, инвестициялар дастурлари ва/ёки ипотека ва микрокредитлар орқали амалга оширилади<sup>256</sup>. 2020 йил Инсон ҳуқуqlари бўйича миллий стратегияга кўра, уй-жой соҳасида хусусий секторнинг улуши (молиялаш, куриш ва уй-жой хизматлари) ошиши кутилмоқда<sup>257</sup>.

БМТнинг бир неча органи ўтказган тадқиқот ва таҳлил Ўзбекистонда ночор гурухлар учун ижтимоий уй-жойга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам мавжудлинини кўрсатди<sup>258</sup>. Ўзбекистон ўзининг 2019 йил даврий ҳисоботида «аҳоли ижтимоий жиҳатдан заиф тоифаларнинг, жумладан хотин-қизлар, ёшлар, етимлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ва бошқаларнинг уй-жой эҳтиёжларини кўриб чиқиш учун устун чоралар кўрилди», деб ИИМҲҚни хабардор қилди<sup>259</sup>. Ушбу чоралар оғир шароитларда яшаётган оиласарга имтиёзли шартларда уй-жой ёки майший техника сотиб олиш учун микрокредитлар ажатиш ёки қайтарилмайдиган грантлар беришни қамраб олади, дейилди<sup>260</sup>.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlари тўғрисидаги қонунга биноан, уйлар ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши ва фойдаланиши қулай бўлиши лозим<sup>261</sup>. Қонун Давлат органлардан ногиронлиги бўлган шахслар уйларида тўсиқсиз

<sup>250</sup> Уй-жой кодекси, 2-модда.

<sup>251</sup> Фуқаролик кодекси, 2-модда.

<sup>252</sup> Уй-жой кодекси, 38-40-моддалар.

<sup>253</sup> Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlари тўғрисидаги қонун, 31-модда, Ногиронлик гурухлари шахсни тиббий-ижтимоий кўриқдан ўтказиш натижасида белгиланади.

<sup>254</sup> Уй-жой кодекси, 38-40-моддалар; ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 28 июндаги 325-сон қарори.

<sup>255</sup> Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуqlар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш тўғрисидаги учинчи даврий ҳисботи, оп. cit., 136–141-бандлар.

<sup>256</sup> Ўша ерда.

<sup>257</sup> Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуqlари бўйича миллий стратегияси, оп. cit.

<sup>258</sup> Уй-жой ва ерни бошқариш борасида мамлакатнинг характеристикиси, Ўзбекистон, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури, 2015 й., 15-бет; ИИМҲҚ, Иккинчи даврий ҳисботга якуний шарҳлар, 2014 йил, 13 июнь, Е/С.12/UZB/CO/2, 22-банд.

<sup>259</sup> Ўзбекистоннинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуqlар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш тўғрисидаги учинчи даврий ҳисботи, оп. cit., 134-банд.

<sup>260</sup> Ўша ерда, 114-банд.

<sup>261</sup> Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуqlари тўғрисида қонун, 22–23-моддалар.

ҳаракатланиши ва улардан фойдаланишини таъминлашни талаб этади<sup>262</sup>. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг уйларини жиҳозлаш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади<sup>263</sup>.

Шунингдек, қонунга биноан ногиронлиги бўлган шахсларга мўлжалланган уйларни уларнинг эҳтиёжларига мослаш обьектларни режалаштириш, қуриш ва/ёки реконструкция қилиш даврида амалга ошириш шарт<sup>264</sup>. Уйларни қуриш ва реконструкция қилиш қоидалари ногиронлини бўлган шахслар ижтимоий ўюшмалари билан маслаҳатлашган ҳолда лойиҳалаштирилиши керак<sup>265</sup>.

Маълумотларга кўра, амалда қонуннинг ушбу талаблари писанд қилинмайди ва стандартларга риоя этилмайди<sup>266</sup>. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар мунтазам равишда уйларда ҳаракатланиш ва улардан фойдаланиш учун етарлича қўлайликлар йўқлигидан шикоят қиласидилар<sup>267</sup>.

Хизматлардан фойдаланиш имкониятлари Уй-жой кодексида<sup>268</sup> хамда бошқа қонун ҳужжатларида ва қатор қонун ости ҳужжатларда<sup>269</sup> кафолатланган. Батафсил тартибга солинганлигига қарамай, сув ва элект таъминоти каби асосий хизматлардан фойдаланишнинг сифати, айниқса пойтахт, Тошкентдан ташқарида, пастлиги<sup>270</sup>, ҳамон кўп одамлар учун уй-жой ҳуқуқларини амалга оширишларида тўсиқ бўлиқ келмоқда<sup>271</sup>. Масалан, Ўзбекистон вилоятларида электр таъминоти мунтазам ўчирилиш турилиши қайд этилган, сабаби, афтидан, Энергетика вазирлиги жорий қилган чекловлар<sup>272</sup>. Ушбу чекланган миқдорлар кунига икки-уч соатда ишлатиб тугатилади<sup>273</sup>. Фаргона, Қашқадарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларининг баъзи туманларида элект энергияси жадвалга кўра етказилади ва элекрт бўлмаган пайт бир неча соат давом этиши мумкин, дейилди<sup>274</sup>. Ушбу узилишларни Энергетика вазирлигининг мутахссиси шундай асослаб берди: «[...][электр энергияси тизими-нинг] кундалик операцион бошқаруви учун барча истеъмолчиларни мумкин қадар кўп сифатли электр энергияси билан таъминлаш зарур. Истеъмол юқори даражада бўлганида ва жиҳозлар ортиқча юкланиши ва тизимда авария хавфи юзага келганида баъзи истеъмолчиларни дарҳол узиб қўйиш ва фавқулодда вазиятга йўл қўймаслик [зарур]»<sup>275</sup>.

<sup>262</sup> Ўша ерда, 22-модда.

<sup>263</sup> Ўша ерда, 22–23-моддалар.

<sup>264</sup> Ўша ерда, 9- ва 23-моддалар.

<sup>265</sup> Ўша ерда, 23-модда.

<sup>266</sup> Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар вазиятининг таҳлили. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (Ўзбекистондаги БМТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ ва ЖССТ), 2019 й. май), <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3576/file/Snapshots%20PwD%20SiAn.pdf>, 105-модда.

<sup>267</sup> Ўша ерда, 107-банд.

<sup>268</sup> Уй-жой кодекси, 5-, 6- ва 49-моддалар.

<sup>269</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида, 2014 й. 15 июл, 194-сон.

<sup>270</sup> Қаранг: Чекловлар билан яшаш: нега вилоятларда электр тез-тез ўчирилади, асли рус тилида: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/29/energy/>; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбурияtlарга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот, Ҳисобот, 2020, <http://www.nhrc.uz/en/menu/doklad-o-situatsii-v-oblasti-prav-cheloveka->, 19–20-бетлар.

<sup>271</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбурияtlарга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот, Ҳисобот, 2020, *op. cit.*, 19–20-бетлар.

<sup>272</sup> Масалан, қаранг: Чекловлар билан яшаш: нега вилоятларда электр тез-тез ўчирилади, *op. cit.*

<sup>273</sup> Ўша ерда.

<sup>274</sup> Ўша ерда.

<sup>275</sup> Электр таъминоти тизимида авариялар юзага келиши сабаблари, 2019 й. 28 ноябр, <https://telegra.ph/prichiny-vozniknoveniya-avarij-v-sistemah-ehlektronsabzheniya-11-28>.

## Мажбурий қўчириш

### Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар

ИИМҲХП 11-моддасига кўра, Иштирокчи давлатлар эгалик хавфсизилигини муҳофизлаштиришга тегиши мажбурияга эга, бу «мажбурлаб қўчириш»дан ҳимояни ҳам қамраб олади. Мажбурлаб қўчириш деган тушунча кишини уй хўжалиги ёки туар жойидан ҳар қандай қўчиришга ишлатилмайди— қонуний қўчириш инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуққа мувофиқ бўлиши мумкин. Бироқ, уйдан қўчириш халқаро ҳуқуқ доирасида «мажбурлаб» деб таърифланиши учун у бир неча мезонга жавоб бериши керак. ИИМҲҚнинг Мажбурий қўчиришга доир Умумий шарҳида бундай қўчириш қўйидагича таърифланади:

*«Кишиларни, оилаларни ва/ёки жамоаларни улар эгаллаб турган уйларидан ва/ёки еридан уларнинг хоҳишига қарши, тегиши мажбурий қўчиришга турдари ҳимояни таъминламай ёки имкониятини бермай доимий ёки вақтингчалик қўчириш»<sup>276</sup>.*

Гарчи бу тақиқ барча қўчиришларга тааллуқли бўлса-да, у ҳуқуқий ҳимоянинг тегиши мувофиқ шаклларини таъминламай қўчиришга қатъий тақиқ ўрнатади. Кўчириш қонуний бўлиши учун талаб қилинадиган ҳуқуқий ҳимоя мажбурлаб қўчиришга доир қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ва бажарилишидан иборат ва: 1) мажбурий қўчириш ҳам ўрнатилган тартиб жиҳатидан, ҳам моҳиятан адолатли бўлиши; ва 2) мажбурлаб қўчириш аввал чиқарилган суд қарори асосида ва қўчирилаётган шахслар судга муржаат қилиш ва қўчирилишларининг қонунийлигига эътиroz билдириш имкониятига эга бўлишлари талаб қилинади<sup>277</sup>.

ИИМҲҚ кўра, Мажбурий қўчириш қонуний бўлиши учун қўйидаги мезонларга мос бўлиши керак:<sup>278</sup>

- **Ҳақиқий маслаҳатлашув:** қўчиришдан аввал қўчириш дахл қиладиган одамлар билан ҳақиқатан маслаҳатлашиш;
- **Монанд хабар:** қўчиришнинг белгиланган кунидан аввал қўчириш дахл қиладиган одамларга монанд ва оқилона хабар етказиш;
- **Монанд ахборот:** қўчириладиганларга қўчириш тўғрисида, жумладан мулкни ҳам қандай мақсадларта ишлатиш мўлжаланаётганлиги тўғрисида ахборот берилиши лозим;
- **Ҳукуматнинг ҳозир бўлиши:** ҳукуматнинг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари, лозим равишда ва аник тайинланган, мажбурлаб қўчириш чоғида, қўчириш давлат мулки бўлган ердан бўлиши, бўлмаслигдан қатъи назар ҳозир бўлишлари керак;
- **Қулай шароит:** Мажбурий қўчириш кундузи ва об-ҳаво яхши бўлган пайтда амалга оширилиши керак; ва
- **Ҳуқуқий ҳимоя воситалари:** мажбурлаб қўчиришга эътиroz билдиришни истаганлар учун ҳуқуқий ҳимоя воситалари тақдим этилиши шарт. Бундай ҳимоя воситалари мажбурлаб қўчиришнинг қонунийлигига эътиroz билдириш учун судга мурожаат этиш ва буни амалга оширишда ҳуқуқий ёрдамни қамраб олиши керак.

<sup>276</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 7-сон, Монанд уй-жой ҳуқуқи (11.1 модда): мажбурлаб қўчириш, UN Doc. E/1998/22, (1997), 3-банд.

<sup>277</sup> Ўша ерда, 13-банд.

<sup>278</sup> Ўша ерда, 15-банд.

Бундан ташқари, ИИМҲҚ Давлатлар «мужбурлаб кўчириш бўладиган жойда ҳеч қандай шаклда камситишига йўл қўймаслик учун мувофиқ чоралар кўрилиши керак», деб таъкидлайди<sup>279</sup>. Ушбу стандартларга мувофиқ бўлмаган мажбурий кўчириш инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ бузилиши боис ноқонуний «мажбурлаб кўчириш»ни ташкил этади.

Кўчирилаётганларнинг ҳуқуқига дахл қилган кўчириш амалга оширилганда Давлатлар буни олдини олиш, тартибга солиш ва уларга муносиб компенсацияни кафолатлаш мажбуриятига эга. Фақат камдан-кам ҳолларда мажбурлаб кўчириш, айниқса одамларнинг катта гуруҳлари кўчирилганда, бу инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мос равишида амалга оширилади, деб ИИМҲҚ тан олади, ва жаҳондаги тажриба буни тасдиқлайди<sup>280</sup>. Шунинг учун Давлатлар кенг миқёсдаги мажбурлаб кўчиришни назарда тутган дастурлар ёки сиёsatга киришганда, уларни бошлаганда ёки уларга рози бўлганда эҳтиёткорлик кўрсатиши зарур.

Мажбурлаб кўчириш тақиқи тижорат ёки бошқа фаолият шаклда «ривожланиш»ни таъминлашни мулжал қилинган мажбурлаб кўчиришга ҳам тааллуқли<sup>281</sup>. Бундай ташаббуслардан эҳтимол кўриладиган фойдага қарамай, Давлатларнинг ҳамкорлик қилаётган ҳусусий субъектлар ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бажаришини тартибга солувчи инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқقا амал қилиш мажбурияти бор.

### **Миллий ҳуқуқий асос ва амалий масалалар**

Ўзбекистон қонунлари, умуман айтганда, уй-жойга қонуний эгаликни таъминлайди ва мажбурлаб кўчириш тақиқланади. Ҳусусан, Конституциянинг 53-моддасида: «Давлат ...барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ...баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулқдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»<sup>282</sup>.

Шунингдек, кафолатлар Фуқаролик кодекси<sup>283</sup>, Уй-жой кодекси<sup>284</sup> ва уй-жой ҳуқуқидан маҳрум этиш фақат қонунда назарда тутилган тартида бошқа ҳуқуқий актларда<sup>285</sup> таъкинланган.

Уй-жой давлат мулки ёки ҳусусий, ёки мажбурлаб кўчирилаётган шахслар уй-жой эгаси ёки ижарачи эканлигига қараб<sup>286</sup>, мажбурлаб кўчириш низоми фарқланади. Фарқ асосан мажбурлаб кўчиришнинг йўл қўйиладиган асосларда ва уй-жой қонун ҳужжатлари кўчирилган одамлар учун назарда тутган компенсацияда.

Давлат (ижтимоий) уй-жойдан мажбурлаб кўчиришга келсак, Уй-жой кодексига биноан, ижарачилар қонунда маҳсус кўрсатилган ҳолларда кўчирилиши мумкин<sup>287</sup>. Кўчиришнинг сабабларига кўра, уларга муқобил турар жой берилиши<sup>288</sup> ва суд

<sup>279</sup> Ўша ерда, 10- ва 17-бандлар.

<sup>280</sup> Ўша ерда, 13-банд.

<sup>281</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 7-сон, Монанд уй-жой ҳуқуқи (11.1-модда): мажбурлаб кўчириш, UN Doc. E/1998/22, (1997), 17-банд; ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 24-сон (2017), 9-, 12-бандлар.

<sup>282</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси.

<sup>283</sup> Фуқаролик кодекси, 166-модда.

<sup>284</sup> Уй-жой кодекси, 19-, 27-29, 70-71, 73-74, 79-80-моддалар.

<sup>285</sup> Ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида, 19-модда: Давлат органининг мулқдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулқдорнинг розилиги билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

<sup>286</sup> Уй-жой кодекси, 32-35, 86-99-моддалар.

<sup>287</sup> Ўша ерда, 69-71-моддалар.

<sup>288</sup> Ўша ерда, 71-, 73-, 80-, 85-моддалар.

буйруғи талаб қилиниши мүмкін<sup>289</sup>. Масалан, давлат турар жойлари жойлашган ер участкаси давлат ёаи жамоат әхтиёжлари учун ажратилған бўлса, кўчириш учун суд буйруғи керак бўлади<sup>290</sup>. Бундай ҳолларда, ижарачи бошқа турур жой билан таъминланиши ва ушбу муқобил турар жой тўғрисидаги ахборот кўчириш ҳақидаги суд буйруғида акс эттирилган бўлиши керак<sup>291</sup>.

Бироқ, жамоат уйлардан кўчирилганда муқобил турай жой берилиши мүмкін бўлган шахслар тоифалари чекланган<sup>292</sup>. Масалан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар болалари билан яшашга нолойик, деб топилган ҳолларда улар муқобил турар жой билан таъминланмай кўчирилади<sup>293</sup>. Шу муносабат билан, ИИМҲҚ Ўзбекистон «кўчирилган шахсни муқобил турар жой ёки монанд товон билан таъминланишига мувофиқ чоралар, жумладан қонун орқали ва бошқа чораларани кўришни» тавсия этди<sup>294</sup>.

Миллий қонун ҳужжатларига кўра давлат уйлари асосан аҳолининг noctor ва ижтимоӣ жиҳатдан оқиз ҳолатдаги тоифаларига ажратилиши инобатга олинса, муқобил турар жой ажратилмай кўчириш уйсизлик даражасининг ўсишига ҳам олиб бориши мүмкін, халқаро ҳуқуққа биноан Давлат зиммасига мажбурият юкланган турар жой ҳуқуқининг яна бир жиҳати.

Хусусий уйлардан кўчиришга келганда, мулқдорга тегишли хусусий уй, бошқа бинолар ёки иншоотлар давлат органи қарорига кўра олиб қўйилаётган ерда жойлашганда, мулқдор зарар қопланиши ҳуқуқига эга: «мол-мулкка тенг қимматли мол-мулк ...берилади ва унинг кўрган бошқа заарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда тўланади»<sup>295</sup>.

Хусусий мулк мулқдорнинг розилиги билан<sup>296</sup> ёки суд қарори асосида олиб қўйилиши мүмкін<sup>297</sup>. Олиб қўйилган ер учасикасида жойлашган уйларнинг ёки бошқа иншоотларнинг қиймати бозор нархда аввалдан ва тўлиқ тўланмасдан уларни бузиб ташлашга йўл қўйилмайди<sup>298</sup>. Мулқдор қарорга рози бўмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мүмкін эмас<sup>299</sup>. Шунингдек, мулқдор кўчириш тўғрисидаги қарорга қарши шикоят билан судга муржат қилишга ҳақли<sup>300</sup>.

Тегишли ҳуқуқий актларга кўра, олиб қўйишга, умуман олганда, «давлат ва жамоат әхтиёжлари» ва «инвестиция лойиҳаларини» амалга ошириш учун йўл қўйилади<sup>301</sup>. Инвестиция лойиҳалари «худудларни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган обьектларни

<sup>289</sup> Ўша ерда, 70-модда.

<sup>290</sup> Ўша ерда, 70–71-моддалар.

<sup>291</sup> Ўша ерда, 71-модда.

<sup>292</sup> Ўша ерда, 60-, 74-, 79-, 85-моддалар.

<sup>293</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисботи борасида якуний кузатмалар, E/C.12/UZB/CO/2, 2014 й. 13 июнь, 22-банд.

<sup>294</sup> Ўша ерда.

<sup>295</sup> Фуқаролик кодекси, 206-модда; Уй-жой кодекси, 27-модда; Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 19-модда.

<sup>296</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 19-модда.

<sup>297</sup> Ўша ерда.

<sup>298</sup> Ўша ерда.

<sup>299</sup> Ўша ерда.

<sup>300</sup> Ўша ерда.

<sup>301</sup> «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 16 ноябрдаги 911-сон қарори, [https://lex.uz/docs/4597630?fbclid=IwAR37rOnvrtHHJUdF\\_M-fqmVK-srV8wNICO5HAIJ8Z4xlnmj0sSTSC5iRUY](https://lex.uz/docs/4597630?fbclid=IwAR37rOnvrtHHJUdF_M-fqmVK-srV8wNICO5HAIJ8Z4xlnmj0sSTSC5iRUY), 2-банд.

қуриш», деб таърифланади<sup>302</sup>. Инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ҳолларида белгиланган кўчириш тартибида кўчиришга белгиланган мулкнинг 75 фоиз мулкдорлари шартнома асосида инвестор мулкларини сотиб олишига розилик билдириган бўлса ва бошқа мулкдорлардан розилик олишнинг имкони бўлмаса, инвестор «уларнинг уйларини мажбурий сотиб олиш қаронини олиш учун» судга мурожаат этишга ҳақли. Бу ҳолда «розилик бермаган мулкдорларга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланади»<sup>303</sup>. Олиб қўйиш ва кўчириш борасидаги шунчали кенг ваколатлар учун ҳуқуқий асос қонун ҳужжатлари эмас, балки қарор билан берилганлиги ташвий уйғотади. Бироқ, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимиға кўра, бундай иккиласмачи актлар Конституцияга, жумладан уй-жой ҳуқуқининг конституциявий ҳимояларига мос бўлишлари керак<sup>304</sup>.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйиш қарорини қабул қилишга фақат муайян органлар ҳақли. Булар туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан иборат<sup>305</sup>.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйларни ёки бошқа бино ва иншоотларни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор шаҳар бош режаси, шунингдек ва аҳоли яшайдиган ерларнинг турар жой мавзеларнинг батафсил режалаштириш ва ривожлантириш бўйича шаҳар лойиҳаларига мос бўлиши лозим<sup>306</sup>. Бироқ, амалда мазкур режалар жамоатчилик учун очиб берилмайди<sup>307</sup>.

Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан бузилган кучмас мулкнинг эгасига бериладиган компенсация уй-жойнинг қийматини қоплаш, муқобил турур жой бериш ёки якка тартибида турар жой қуриш учун ер участкасини беришлардан иборат, ва у кўчириш билан боғлиқ зарарни қоплайди<sup>308</sup>. Тарафлар компенсация борасида келиша олмаган тақдирда, компенсация масаласи суд тартибида ҳал этилади<sup>309</sup>.

Кўчириш хусусий турар жойга тегишли бўлган ҳолларда Ўзбекистоннинг хусусий мулк ҳуқуқларини тақдим этувчи миллий қонунлари белгилайдиган кафолатлар уй-жой ҳуқуқининг кучлироқ муҳофазасини тақдим этади. Бироқ, жамоат турар жойлардан кўчириш ҳолларида жорий ҳуқуқий низомлар монанд эмас ва уй-жой ҳуқуқини кафолатловчи ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш заруратини кўрсатади.

Ноқонуний қурилган уй-жойлардан кўчириш ёки қўчириш таҳди迪 Ўзбекистонда кенг тарқалган ҳодиса бўлиб<sup>310</sup>, уй-жой ҳуқуқига доир алоҳида муаммолар келтириб чиқаради. Ички қонунларга биноан ноқонуний қурилган уй-жойлар—бу мақсад учун қонунга кўра ажратилмаган ва/ёки талаб қилинадиган рухсатномасиз мавжуд

<sup>302</sup> Ўша ерда, 47-банд.

<sup>303</sup> Ўша ерда.

<sup>304</sup> Норматив-ҳуқуқий актлар тўғрисида қонун, 7-модда.

<sup>305</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 19-модда.

<sup>306</sup> Ўша ерда.

<sup>307</sup> Мониторинг ҳақидаги ҳисобот: Марказий Осиё мамлакатларида давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун турар-жой биноларини олиб қўйишида инсон ҳуқуқларига амал қилиш, 2020-йил мониторинги: Ўзбекистонда уй-жой ҳуқуқларига риоя қилиш, <http://ichrptj.org/ru/blog/monitoring-2020-soblyudenie-zhilishchnyh-prav-v-uzbekistane>.

<sup>308</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 16 ноябрдаги 911-сон қарори, *op. cit.*, 41–42-бандлар.

<sup>309</sup> Фуқаролик кодекси, 206-модда, ва «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, 19-модда.

<sup>310</sup> Шахноза Соатова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳодими: «Ноқонуний қурилишлар: сабаблар, таҳлиллар ва оқибатлар», 2020 й. 26 феврал, <https://aza.uz/ru/posts/nezakonne-postroyki-prichiny-analiz-i-posledstviya-26-02-2020>; Ноқонуний қурилган уй-жойлар: сабаб, таҳлил, оқибат—Teletype (Адлия вазирлигининг Телеграм сайтидаги расмий канали).

архитектура ёки қурилиш қоидаларини бузиб қурилган уй-жойлар<sup>311</sup>. Рухсатсиз қурилишга эгалик қилиш ҳуқуқи қурилиш амалга оширилган ер участкасига эгалик қиладиган, умрбод мерос қилиб қолдирилган, доимий эгалик қиладиган ва ундан фойдаланадиган шахс учун суд томонидан тан олиниши мумкин. Бундай ҳолда бинонинг эгаси деб тан олинган шахс қурилиш учун харажат қилган шахсга суд томонидан белгиланган миқдорда у сарфлаган маблағларни қайтариб беради<sup>312</sup>.

Амалда мажбурлаб кўчириш Ўзбекистонда уй-жой ҳуқуқлари бузилишининг салмоқли улушини ташкил қилиб жиддий норозиликларга олиб келди<sup>313</sup>.

Аксарият ҳолларда кўчириш мўлжалланган шаҳарсозлик ва шаҳарларга янги қиёфа бериш баҳонасида амалга оширилади<sup>314</sup>. Маълумотларга кўра, ички қонунларга кўра талаб қилинадиган кўчириш тартиби, жумладан хабардор қилиш тартиби кўп ҳолларда бажарилмайди ва судда муносиб кўриб чиқиш кафолатларига риоя этилмайди<sup>315</sup>.

Хусусан, кўчириш тартиби қуйидаги саволларни кўтаради:

- **Очиқ маслаҳатлашув:** Жорий норматив ҳужжатларга кўра, кўчириш дахл қилган одамлар билан кўчиришдан аввал маслаҳатлашув ўтказилиши керак.<sup>316</sup> Бироқ, амалда, кўп ҳолларда кўчириш дахл қилган одамлар билан очиқ маслаҳатлашув ўтказилмайди<sup>317</sup>.
- **Монанд хабар:** Давлат органлари кўчириш дахл қилган одамларни ер участкани ёки уйни олиб қўйиш ёки уйни бузиб ташлаш тўғрисидаги қарордан сўнг ёзма равища (имзо олиб) олиб қўйиш ёки бузиб ташлашдар камида олти ой аввал хабардор қилишга мажбур<sup>318</sup>. Тегишли органлар қарорининг нусхаси хабарномага илова қилиниши лозим<sup>319</sup>. Бироқ, амалда баъзан бундай хабарнома умуман берилмайди ёки етарлича батафсил бўлмай<sup>320</sup>, мухрсиз бўлиб<sup>321</sup> ёки бундай ваколатга эга бўлмаган орган томонидан чиқарилиб<sup>322</sup> қонун талабларига жавоб бермайди.

<sup>311</sup> Фуқаролик кодекси, 212-модда.

<sup>312</sup> Ўша ерда.

<sup>313</sup> Дилмира Матёқубова, Ўзбекистонни қайта қуришнинг хатарлари: Ялтироқ ойналарнинг қад кўтариши, The Foreign Policy Centre (fpc.org.uk), 2020 й. 14 июл, <https://fpc.org.uk/the-perils-of-rebuilding-uzbekistan-the-rise-of-glass-and-glitter/>. Бир неча киши [ўйларини] бузиб ташлашга норозилик сифатида ўзига ўзи ўт қўйиб ўз жонига қасд қилди. 2018 й. декабр ойида Қиброй туманида Нозима Эргашева уйини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорига норозилик билдириб туман ҳокиятида фуқаролар қабули пайтида одамлар олдида ўзига ўзи ўт қўйди. Оқибатда терисининг 68 фойзи жароҳат олди. 2020 й. февраль ойида Муқаддас Мустафоева Қаршида уйни бузиб ташлашларига норозилик билдириб ўзига ўзи ўт қўйди, отаси ўтни ўчиришга уриниб қаттиқ кўйиш жароҳатларини олди.

<sup>314</sup> Human Rights Watch, Ўзбекистондаги воқеалар, Мулк ҳуқуқи, 2020, <https://www.hrw.org/world-report/2020/country-chapters/uzbekistan#fb32c6>.

<sup>315</sup> Фируз Турсунов (Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси), Мулкдорлик ҳуқуқи дахлсиdir, 2021 й. 30 январ, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг сайти, [https://sud.uz/ru/ccr\\_slider/право-собственности-неприкосновенно/](https://sud.uz/ru/ccr_slider/право-собственности-неприкосновенно/).

<sup>316</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 16 ноябрдаги 911-сон қарори, *op. cit.*

<sup>317</sup> Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари: Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариши ахволи тўғрисида ахборот, Ҳисобот, 2020, 20-бет; Марказий Осиё мамлакатларида уй-жойларни давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйиш пайтида инсон ҳуқуқларини мониторинг ҳисоботи, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил маркази, *op. cit.*

<sup>318</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 19-модда.

<sup>319</sup> Ўша ерда.

<sup>320</sup> Марказий Осиё мамлакатларида уй-жойларни давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйиш пайтида инсон ҳуқуқларини мониторинг ҳисоботи, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил маркази, *op. cit.*

<sup>321</sup> Ўзбекистонда бузиб ташлаш ва мажбурлаб кўчириш тўғрисида ахборот тарқатадиган «Снос-Ташкент» Фейсбук жамоатчилик груҳи, <https://www.facebook.com/groups/328799110874813/>.

<sup>322</sup> Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил маркази, Марказий Осиё мамлакатларида уй-жойларни давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб қўйиш пайтида инсон ҳуқуқларини мониторинг ҳисоботи, *op. cit.*

- **Монанд ахборот:** Кўчириш тўғрисида ахборот, жумладан кўчмас мулқдан қандай фойдаланиш мўлжали қўчириш дахл қиласиганларга етказилили келак<sup>323</sup>. Маълумотларга кўра, баъзи ҳолларда қўчириш дахл қиласиганларга на бузиш ташлаш сабаблари, на саволлар бериш йўллари тўғрисида монанд ахборот берилган<sup>324</sup>.

Амалда, баъзи ҳолларда қўчириш дахл қиласиганларга компенсация ёки мувофиқ турар жой умуман ёки вақтида берилмаган<sup>325</sup>. Баъзи одамларга уйлани бузиб ташгандланлигига қарамай, вақтинчалик ҳеч қандай турар жой берилмай, улардан қариндошлар ёки дўстларницида туриб туриш илтимос қилишган<sup>326</sup>. ННТлар хабар беришларича, яшовчиларнинг аксарият даъво аризалари судлар томонидан қондирмай қолдирилган<sup>327</sup>.

Бузиб ташлаш ишлари баъзан мувофиқ шароитда олиб берилмаганлиги тўғрисида хабарлар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқлари бўйча Омбудсманни ҳуқуқ-тартибот органлари «об-ҳаво ёмон бўлган, куз-қиш мавсумида, муқобил турар жой тақдим этмай ва қўчирилаётган оиланинг болалари борлигини ҳисобга олмай» олиб борган мажбурлаб қўчиришни танқид қилди<sup>328</sup>.

Хусусан, Ўзбекистонда қурилиш ва ривожланиш лойиҳалари билан боғлиқ уйларни бузиб ташлаш ва мажбурлаб қўчириш тўлқини кўтарилилган эди<sup>329</sup>. Кўп ҳолларда маълумотларга кўра бундай қўчиришлар аввалдан хабардор қилмай, ҳуқуқий рашида уларга эътиroz билдириш имконият ва муқобил турар жой ёки компенсация бермай амалга оширилган<sup>330</sup>. Баъзи ҳолларда, маълумотларга кўра, сув таъминони, яшовчиларни бузиб ташлаш арафасида турган уйларидан чиқариб юбориш мақсадида санитария ва элект таъминоти каби турар жой асосий хизматлари узилиб қўйилди<sup>331</sup>.

<sup>323</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 16 ноябрдаги 911-сон қарори, *op. cit.*, 41-42-бандлар.

<sup>324</sup> Марказий Осиё мамлакатларида уй-жойларни давлат ва жамоатчилик эҳтиёjlари учун олиб қўйиш пайтида инсон ҳуқуқларини мониторинг ҳисоботи, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил маркази, *op. cit.*

<sup>325</sup> Ўша ерда.

<sup>326</sup> Ўша ерда.

<sup>327</sup> Ўша ерда.

<sup>328</sup> Anhor.uz янгиликлар портали: «Куз-қиш мавсумида мажбурлаб қўчиришни бошлайдиган органларнинг позициясин тушунмайман»—Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман, 2020 й. 27 ноябр, <https://anhor.uz/news/23620>.

<sup>329</sup> Марк Беннетс, Огоҳлантирилмай қўчирилганлан: Тошкентдаги [уйларни] қўққисдан бузиб ташлаш ғазаб қўзғатмоқда, The Guardian, 2019 й. 2 апрел, <https://www.theguardian.com/cities/2019/apr/02/evicted-without-warning-demolitions-spark-activism-in-tashkent-uzbekistan>; Agnieszka Pikulicka-Wilczewska, Alarm as demolitions make way for new-look Uzbekistan, Al Jazeera, 2019 й. 31 октябр, <https://www.aljazeera.com/features/2019/10/31/alarm-as-demolitions-make-way-for-new-look-uzbekistan>.

<sup>330</sup> 2016–2018 йилда, ер участкалирини давлат ва жамоатчилик эҳтиёjlари учун олиб қўйиш билан боғлиқ ҳолда, 4689 турар жой бинолари ва 1456 турар жой бўлмаган бино-иншоотлар бузиб ташланди. Масалан, Намангандаги Уйчи кўчасидаги 358 уй эгалари ёзма хабарнома олмадилар ва 2016 й. август ойида уларнинг уйлари бузиб ташланди. Хивадаги 84 уйнинг эгалари ёзма хабарнома олдилар, аммо уйлар хабар беришдан кейин беш-етти кун оралиғида бузиб ташланди. Бундан ташқари, деярли барча вилоятларда [уйларнинг] эгалари ва оиласарига на вақтинчалик турур жой, на ижарага туриш ва вақтинчалик турар жойларга нарсаларни олиб бориши учун транспорт харажатлари қопланди. 688 ҳолларда бузиб ташлаш ҳеч қандай хабар берилмай амалга оширилди. Шу қаторда 569 уй Наманган вилоятида, 57-таси Андижон вилоятида, 31-таси Навоий вилоятида, 22-таси Бухоро вилоятида ва еттитаси Самарқанд вилоятида бўлган. 985 ҳолда ҳуқуқ бузилиши, жумладан 212 ҳол Хоразмда, 189—Самарқандда, 172—Сурхондарёда ва 125—Қорақалпогистонда хабардор қилиш шартларига тегишли эди. Масалан, Намангандаги Уйчи кў八大idagi 358 уй эгалари ёзма хабарнома олмадилар ва 2016 й. август ойида уларнинг уйлари бузиб ташланди. Хивадаги 84 уйнинг эгалари ёзма хабарнома олдилар, аммо уйлар хабар беришдан кейин беш-етти кун оралиғида бузиб ташланди. Gazeta.uz янгиликлар портали: <https://www.gazeta.uz/ru/2018/07/25/demolition/>; Адлия органлари 2016–2018 йилларда давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ерларни олиб қўйишда қонунга риоя этилишини текшириб чиқиб, ҳокимиятлар томонидан кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйилганини аниқладилар; қаранг: ЮХКнинг Ўзбекистондаги миссияси, *op. cit.*

<sup>331</sup> Дилмира Матёқубова, Ўзбекистонни қайта қуришнинг хатарлари: Ялтироқ ойналарнинг қад кўтариши, *op. cit.*

## **Самарали ҳимоя воситалари ва монанд уй-жойга эга бўлиш**

Юқорида I-бобда таъкидлангандек, ҳуқуқий ҳимоя воситалари монанд турар жой ҳуқуқларини таъминлашда, айниқса мажбурлаб кўчириш шароитида, маҳсус аҳамият касб этади. Ушбу шароитда, ИИМҲҚ «мажбурлаб кўчириш буйруқлари дахл қиладиганларга, ҳуқуқий ҳимоя воситалари таъминланиб тартиб жорий этилиши керак», жумладан мажбурлаб кўчириш «дахл қилинган шахслар ҳар қандай мулк, шахсий ва кўчмасга, компенсация олиши ҳуқуқига эга бўлиши»ни таъминлайдиган ҳимоя воситалари ва низомлари таъминланиши лозим, деб таъкидлади<sup>332</sup>. Мажбурлаб кўчирилиши лозим бўлган шахслар «монанд копменсация, зарарни қоплаш ва тенишли равишда турар жой ва маҳсулдор ер олишлари зарур»<sup>333</sup>.

Ушбу мажбуриятлар самарали бажарилишини кўзлаб, БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича собиқ маҳсус маъruzачиси ҳуқуқлар «низомлар ва дастурлар тузилишига интеграцияланган ва адвокатлар ва судьяларни тайёрлашиги киритилиши лозим», деб кўрсатди<sup>334</sup>. Хусусан, суд ҳимояси воситаларига келганда, «[с]удлар суд назоратини амалга оширганда ички қонунларни уй-жой ҳуқуқига мувофиқ равишда талқинни қабул қилишлари ва ҳукумат бундай талқинни, жумладан суд муҳокамасида, тарғиб қилиши керак»<sup>335</sup>.

Маҳсус маъruzачиси уй-жой ҳуқуқи контекстида одил судловдан фойдаланиш имконияти тўғрисидаги ҳисботида одил судловдан фойдаланиш ва уй-жой ҳуқуқи борасида 10 мухим принципни баён этди<sup>336</sup>. Ушбу принципларга кўра одил судловдан фойдаланиш имконияти тегишли чоралар билан таъминланиб ва турли гуруҳлар эҳтиёжларига қаратилган бўлиши лозим<sup>337</sup>. Мухимки, судлар алоҳида ишларда тақдим этадиган воситалар уй-жойлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши учун мурожжат этаётгандарга самарали имкониятни таъминлаши керак. Зарур ҳолларда булар «қайта-қайта содир этилаётган бузишларни» тузатиш чораси бўлган «тузилмавий воситалар»ни ўз ичига олиши керак<sup>338</sup>. Лозим бўлган ҳолларда булар судлар давлат органларидан ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни қабул қилиш ёки ўзгартиришни, зарур ресурсларни ажратиш, ва/ёки уй-жой бозоридаги хусусий субъектлар фаолиятини тартибга солишини талаб қилишларини қамраб олиши мумкин<sup>339</sup>.

Ўзбекистоннинг ички қонунларига биноан ҳар бир кишига суд ва суддан ташқари воситалардан фойдаланиш ҳақли бўлишининг умумий кафолатларидан ташқари, уй-жой қонун ҳужжатлари уй-жой ҳуқуқлари бузилишидан ҳимояланишнинг баъзи жиҳатларини ҳам ёритиб беради. Ўзбекистоннинг ички қонун ҳужжатларига кўра, Давлат органлари ҳаракатлари уй-жой ҳуқуқларига ноxуш таъсир қилган ҳар бир шахс ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш учун суд ва суддан ташқари воситалардан фойдаланишга ҳақли<sup>340</sup>. Суд воситаларига келганда, жисмоний шахслар Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судларга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

<sup>332</sup> Умумий шарҳ 7-сон, 13-банд/

<sup>333</sup> БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича маҳсус маъruzачиси, Монанд уй-жой ҳуқуқини амалга ошириш бўйича йўриқнома, *op. cit.*, 38-банд; Кўринг шунингдек, Кўрилиш асосидаги мажбурлаб кўчириш ва кўчиришнинг асосий принциплари ва йўриқнома, A/HRC/4/18, 23–27-бандлар; ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дехқонлар ва қишлоқ хўжалигида ишловчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси, 17- ва 24-моддалар.

<sup>334</sup> БМТнинг монанд уй-жой ҳуқуқи бўйича маҳсус маъruzачиси, Монанд уй-жой ҳуқуқини амалга ошириш бўйича йўриқнома, *op. cit.*, 16(a), 19(e) бандлар.

<sup>335</sup> Ўша ерда, 16(c) банд.

<sup>336</sup> Ўша ерда.

<sup>337</sup> Ўша ерда, 13-банд.

<sup>338</sup> Ўша ерда, 21–22-бандлар.

<sup>339</sup> Ўша ерда.

<sup>340</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 14-модда; Фуқаролик кодекси, 206-модда; Уй-жой кодекси, 140-модда.

Шунингдек, Давлат органлари, уларнинг мансабдор шаҳслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ёки Давлат органларининг қонунларга хилоф актлари туфайли кўрилган зарар қопланиши ҳуқуқи ҳам мавжуд<sup>341</sup>. Мулкдорлар Давлат органлари, уларнинг мансабдор шаҳслари қарорлари ва ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари бузилганига қарши судларга мурожаат қилгандарида давлат божи тўлашдан озод этилганлар<sup>342</sup>. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда мажбурлаб кўчиришни амалга оширадиган ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари содир этган бузилишларга қарши даъво очилганда ҳам давлат божи тўланмайди<sup>343</sup>.

Уй-жой ҳуқуқлари борасида ишлайдиган миллий мутахассислар амалда уйлар муниципал органлар қарорлари асосида, суд буйруғи олинмай ёки яшовчиларга мажбурлаб кўчиришга тегишли қарорлар устидан шикоят бериш учун етарли вақт қолдирмай бузиб ташланади, деб ЮХКга мунтазам равишда маълумот бериб турдиликлар. Бундай ҳолларда мажбурлаб кўчиришда қатнашган органлар ҳодимлари одатда жавобгарликга тортилмайдилар<sup>344</sup>. Судларнинг фойдаланиш мумкин бўлган чекланган статистик маълумотларига кўра, охирги пайтларда маҳаллий ижроия органлирининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигига қарши мулк ёки уй-жой ҳуқуқи борасида қилинган даъволар сони ошди<sup>345</sup> ва 2020 йилда маҳаллий ижроия органларига қарши шикоятларнинг 46 фоизини судлар [маъмурий судлар] қониқтириди»<sup>346</sup>. Бироқ, ҳисботлар кам ва уларда уй-жойга ҳуқуқига тегишилари ва ҳимоя чораларининг самарадорлиги ажратилган маълумотларни ўз ичига олмайди.

Устига устак, маълумотларга кўра, Ўзбекистонда суд амалиётида маҳаллий судлар уй-жой ҳуқуқига тегишли инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларга мурожаат этишини унча хоҳламайдилар<sup>347</sup>. Бироқ, Олий суд пленуми уй-жойга тегишили, жумладан мажбурлаб кўчириш борасида аксарият ҳолларда судлар ишларни ўрганаётганда амал қилиши керак бўлган ички ҳуқуқ қоидаларини қайтарадиган ички судлар қарорлари тўғрисида қарорлар қабул қилди<sup>348</sup>.

## Хулосалар

Ўзбекистоннинг уй-жой ҳуқуқига доир ҳуқуқий асоси уй-жой ҳуқуқи борасидаги халқаро стандартларига риоя этилиши учун шарт бўлган муга йян кафолатларни ўз ичига олади. Бироқ, амалда қонун таъминлаган кафолатлар кўп ҳолларда эътиборга олинмайди ва/ёки Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини бузган ҳолда камситишдан ҳоли монанд турар жойни таъминламайдиган равишда қўлланилади. Шунинг билан мажбурлаб кўчириш қурбонлари бўлган кишилар учун одил судловга мурожаат қилиш имконияти рад этилади ва улар қийин ахволга туширилади.

Охирги йилларда мажбурлаб кўчириш ташвиш уйғотадиган сабабга айланди. Кўп ҳолларда шаҳарсозлик рағбат олиб қабул қилинган сиёсатлар бутун мамлакатда уй-жой ҳуқуқлари бузилишига олиб келди. Булар онда-сонда юз беридаған ҳоллар бўлмай, балки уй-жой ҳуқуқини муҳофаза қилиш заифлигини кўрсатадиган одатий ҳодисадир. Судлар мажбурлаб кўчиришга қарши ҳимоя воситаларини таъминлашда етарлича кучли роль ўйнамайдиган кўринади.

<sup>341</sup> Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, 15-модда.

<sup>342</sup> Ўша ерда; «Давлат божи тўғрисида»ги қонун, 2020 й. 6 январ, ЎРҚ-600-сон, 10-модда.

<sup>343</sup> «Давлат божи тўғрисида»ги қонун, 2020 й. 6 январ, ЎРҚ-600-сон, 10-модда.

<sup>344</sup> ЮХКнинг Ўзбекистонга миссияси, *op. cit.*

<sup>345</sup> Фируз Турсунов (Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси), Мулкдорлик ҳуқуқи дахлсидир, 2021 й. 30 январ, *op. cit.*

<sup>346</sup> Ўша ерда.

<sup>347</sup> Марказий Осиё мамлакатларида уй-жойларни давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун олиб кўйиш пайтида инсон ҳуқуқларини мониторинг ҳисботи, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил маркази, *op. cit.*

<sup>348</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуминингқарори Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида, 2001 й. 14 сентябр, 22-сон, <https://www.lex.uz/acts/1452369>.

## **III-боб. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи**

### **Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар**

Жисмоний ва рухий саломатликнинг эришиб бўладиган юқори стандартларига ҳуқуқи одатда «соғлиқ ҳуқуқи» деб юритилади, соғлиқ ҳуқуқи ишлаб турган «соғлиқни сақлаш тизими» ва «саломатликнинг эришиб бўладиган юқори мезони амалга ошириш учун зарур турли муассасалар, товарлар, хизматлар ва шароитлардан баҳраманд бўлиш» ҳуқуқи назарда тутилади<sup>349</sup>. Соғлиқ ҳуқуқи ИИМҲҲПнинг 12-моддаси асосида муҳофаза қилинган, унга бироан:

1. Ушбу Пактнинг интирокчи Давлатлари ҳамманинг жисмоний ва рухий саломатликнинг эришиб бўладиган юқори стандартларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини тан оладилар.
2. Ушбу Пактнинг интирокчи Давлатлари ушбу ҳуқуққа тўлиқ этишиш учун қилиши керак бўлган қадамлар қўйидагилар учун зарурларни ўз ичига олади:
  - (a) ўлик туғилиш ва чақалоқлар улими кўрсаткичини қисқартириш ва боланинг соғлом ривожланишини таъминлаш;
  - (b) атроф-муҳит ва ишлаб чиқаришдаги гигиенанинг барча жиҳатларини яхшилаш;
  - (c) эпидемик, эндемик, касбий ва бошқа касалликларнинг олдиги олиш;
  - (d) касаллик ҳолларида барча тиббий хизматлар ва тиббий эътибор бўлишини таъминлайдиган шароитни яратиш.

Мазкур тушунчаларни ИИМҲҚ ўзининг Умумий шарҳи 14-сонида (Саломатликнинг энг юқори эришиб бўладиган стандартларига ҳуқуқ) <sup>350</sup> ва Умумий шарҳи 22-сонида (Жинсий ва репродуктив саломатликка ҳуқуқ) <sup>351</sup> эътиборли талқини берган.

Ўзбекистон иштирокчи бўлган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция болаларнинг «саломатликнинг энг юқори эришиб бўладиган стандартлари ва касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш учун муассаса ва воситаладан баҳраманд бўлиши» учун ўзига хос стандартларни белгилайди<sup>352</sup>. Соғлиқ ҳуқуқининг муайян жиҳатлари инсон ҳуқуқлари борасидаги бошқа шартномалар, жумладан, эътиборга лойиқки, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда<sup>353</sup>; Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенцияда<sup>354</sup>;

<sup>349</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 8–9-бандлар.

<sup>350</sup> Ўша ерда.

<sup>351</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 22-сон, жинсий ва репродуктив саломатлик тўғрисида (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, 12-модда), Е/С.12/GC/22, 2016 й. 2 май.

<sup>352</sup> Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, 24-модда («Иштирокчи Давлатлар боланинг саломатликнинг энг юқори эришиб бўладиган стандартлари ва касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш учун муассаса ва воситаладан баҳраманд бўлишга ҳуқуқини тан оладилар»); БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БҲҚ), Умумий шарҳ 15-сон: Боланинг саломатликнинг энг юқори эришиб бўладиган стандартларидан баҳраманд бўлишга ҳуқуқини (Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, 24-модда), CRC/C/GC/15 (2013 й. 17 апрел).

<sup>353</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, 6-модда («Ҳар бир инсон ажратиб бўлмас яшаш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ қонун орқали ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас»); БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (ИҲҚ), Умумий шарҳ 36-сон: Яшаш ҳуқуқи (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 6-моддаси), CCPR/C/GC/35 (2019 й. 3 сентябр), 8-, 25-бандлар.

<sup>354</sup> Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция, 12-модда («Иштирокчи давлатлар соғлиқни сақлаш соҳасида, эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги, соғлиқни сақлаш хизматлари, жумладан оилани режалаштириш хизматларидан фойдаланиш имконияти асосида хотин-қизларга қарши камситишни тугатиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар»); Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенция (АҚБҲҚ), Умумий тавсия 24-сон: Аёллар ва саломатлик (Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисида конвенциясининг 12-моддаси), A/54/38/Rev.1 (1999).

БМТНИНГ ҚИЙНОҚА қарши конвенцияси<sup>355</sup> ва Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда<sup>356</sup> белгиланган.

Соғлиқни сақлаш муассаса ва воситалари, хизматлар ва товарлардан (етарли миқдор ва хилма-хилликда) фойдаланиш имконияти; қулай (иқтисодий ва жисмоний жиҳатлардан); мақбул; ва сифати яхши бўлиши керак<sup>357</sup>:

- **Мавжудлиги:** Давлатлар ҳар бир шахс соғлиқ ҳуқуқидан тўлиқ баҳраманд бўлиши учун ишлаб турган давлат соғлиқни сақлаш тизими, соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматлар етарли миқдор ва сифатда мавжуд бўлишини таъминлаши шарт. Ушбу товарлар ва хизматлар замир бўладиган, санитария, сув ва электр таъминоти ва озиқ-овқат каби белгиловчи унсурларни ҳам ўз ичига олади<sup>358</sup>. Бу «жинсий ва репротуктив соғлиқни сақлашнинг энг кенг кўламини», жумладан: «презерватив ва фавқулодда контрацепция каби кенг кўламда сақланиш усувларини»; «аборт ва абортдан кейинги парвариш учун дори-дармонар»; ва «жинсий йўл билан юқадиган инфекция ва ИИТВ олдини олиш ва даволаш учун» воситалар борлигини билдиради.
- **Фойдаланиш имконияти:** Давлатлар барча соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматлардан жисмоний ва иқтисодий жаҳатдан ҳеч қандай камситишиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт<sup>359</sup>. Камситмаслик мажбурияти қуида кенроқ ёритилган. Бунда Давлатлардан аниқ равишида барча соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматлардан «ҳамма, айниқса аҳолининг энг заиф ва маргиналлашган табақалари фойдаланиши мумкинлигини, қонунда ва амалда»<sup>360</sup> таъминланиши талаб қилинади. «Фойдаланиш имконияти» жисмоний, иқтисодик жиҳатдан ва ахборотдан фойдалариш имкониятини талаб қиласди:
  - ◊ **Жисмоний фойдаланиш имконияти:** Барча соғлиқни сақлаш хизматлари, товарлар ва муассасалар «барча учун хавфсиз равишида жисмоний ва географик маънода фойдаланишга қулай бўлиши шарт, шунинг билан эҳтиёжи бор шахслар вақтида хизматдан фойдаланиши ва ахборот олиши мумкин бўлади». Умуман олганда, масалан, қишлоқ ва узоқ жойларда яшайдиган ва ногиронлиги бўлган шахслар<sup>361</sup>.
  - ◊ **Иқтисодий фойдаланиш имконияти:** Барча соғлиқни сақлаш хизматлари, товарлар ва муассасалар барча одамлар қулай ва ҳамёнбоп бўлиши шарт<sup>362</sup>. Бундай хизматлари, товарлар ва муассасалар давлат ёки хусусий муассасалар томонидан тақдим этилишидан қатъи назар «ҳамма учун қулай ва ҳамёнбоп

<sup>355</sup> Қийноқка солиш ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний, қард-кимматни таҳқирловчи муамала ва жазо турларига қарши конвенция, 1-модда («1. Ушбу Конвенция мақсадлари учун „қийноқ“ термини шахсга ундан ёки учинчи шахсдан ахборот ёки айбга икрорни олиш мақсадида, ёки у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этганинда гумон қилинаётган қилмиши учун жазолаш, ёки уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки мажбурлаш, ёки хоҳлаган турдаги камситиш асосидаги хоҳлаган сабабга кўра давлат мансабдор шахси ёки шундай ваколатга эга шахс томонидан ёки унинг рағбати, розилиги ёки йўл қўйиши билан қастдан қаттиқ жисмоний ёки руҳий оғриқ ёки азоб етказиши билдиради. Бунга фақат қонуний санкциялардан келиб чиқадиган, уларга хос ёки тасодифий оғриқ ёки азоб кирмайди».).

<sup>356</sup> Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 25-модда («Давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлик белгисига кўра камситишиз саломатликнинг эришиб бўладиган юқори стандартларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини тан оладилар».).

<sup>357</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 4-сон, 12-банд.

<sup>358</sup> Буларга хавфсиз яроқли ичимлик сув, мос санитария корхоналари ва воситалари, касалхоналар, клиникалар ва тиббиётга боғлиқ бошқа бинолар, мамлакат мезонларига кўра рақобатбардош ҳақ оладиган маълумотли тиббий ва касбга эга ходимлар ва асосий дори воситалари киради. Кўринг: ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 12(а) банд.

<sup>359</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон.

<sup>360</sup> Ўша ерда.

<sup>361</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 16-банд.

<sup>362</sup> Ўша ерда, 12(b) банд.

бўлиши шарт»<sup>363</sup>. Хусусан, репродуктив саломатлик хизматлари, товарлари ва воситаларига келганда, ИИМҲҚ «улар бепул таъминланиши» ёки «кишилар ва оилалар учун соғлиқни сақлаш харажатлари номутаносиб равишда оғир бўлмайдиган» даражада таъминланиши шарт, деб таъкидлайди.<sup>364</sup>

- ◆ Ахборотдан фойдаланиш имконияти: Давлатлар барча шахслар соғлиқни сақлаш билан боғлиқ таълим олиши имкониятига эга бўлиши ва барча шахслар саломатлик билан боғлиқ ахборотни ва фикрларни эркин исташи, олиши ва ўртоқлашиши мумкин бўлиши учун чоралар кўриши шарт.<sup>365</sup> Давлатларнинг «жинсий ва репродуктив саломатликга тегишли, камситишдан ҳоли, бетараф, исботли таълим ва ахборот»ни таъминлашга доир бевосита мажбурияти мавжуд<sup>366</sup>. Давлатларга «кишиларга соғлиқ билан боғлиқ масалаларда иштирок этишга йўл қўймай» саломатликка тегишли ахборотни «цензура қилиш, ушлаб қолиш ёки қасддан нотўғри бериш» тақиқланади<sup>367</sup>. Шунингдек улар «хусусий акторларга» жумладан тадбиркорлик субъектлари, диний институтлар ва нодавлат ташкилотларга жинсий ва репродуктив саломатлик тўғрисида ёлғон ахборотни тарқатишни «тақиқлашлари ва бунинг олдини олишлари» шарт<sup>368</sup>.
- **Мақбуллик:** Соғлиқни сақлаш хизматлари, товарлар, воситалар ва ахборот мақбул бўлиши учун улар тиббий ахлоқ доирасида ва маданиятга мос бўлиши керак<sup>369</sup>. Саломатлик тўғрисидаги ахборот, масалан гендер, ёш, ногиронлик, жинсий хилма-хиллик ва умр цикллари талаблари жиҳатдан эҳтиётталаб бўлиши ва ахборот махфийликка риоя қилган ва дахлдор кишиларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган ҳолда етказилиши керак. Муҳимки, соғлиқни сақлаш хизматлари, товарлар ахборот ва воситалар мақбул бўлишини таъминлаш мажбуриятига қарамай, «буларни махсус гуруҳларга мўжалланган воситалар, товарлар, ахборот ва хизматларни таъминлашдан бош тортишни оқлаш учун қўллаб бўлмайди»<sup>370</sup>.
- **Сифат:** Барча соғлиқни сақлар муассаса ва воситалар, товарлар ва хизматлар илмий ва тиббий жиҳатдан мувофиқ ва сифатли бўлиши лозим. Бу илмий таълим олган соғлиқни сақлаш ходимларини ва бошқа ходимларни ва «илмий тасдиқланган» ва муддати тугамаган дори-дармонларни, касалхона жиҳозларни, хавфсиз ва ичишга яроқли сувни ва соғлиқни сақлаш муассасаларида монанд санитарияни талаб қиласи<sup>371</sup>. Репродуктив саломатликка доир махсус шароитда бу технология ютуқлари ва инновацияларни, жумладан «аборт учун дори воситалирига» ва «ИИВ ва ОИТСни даволашдаги ютуқлар»ни мұжассам этишни талаб қиласи<sup>372</sup>.

## Миллий ҳуқуқий асос, сиёсат ва амалиёт

Ўзбекистон Конституциясининг 40-моддаси «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», деб белгилайди<sup>373</sup>. Конституциянинг

<sup>363</sup> Ўша ерда, 17-банд.

<sup>364</sup> Ўша ерда.

<sup>365</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 12(b) банд.

<sup>366</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 49(f) банд).

<sup>367</sup> Ўша ерда.

<sup>368</sup> Ўша ерда, 41-, 43-бандлар.

<sup>369</sup> Ўша ерда, 12(c) банд.

<sup>370</sup> Ўша ерда, 20-банд.

<sup>371</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 49(f) банд.

<sup>372</sup> Ўша ерда, 21-банд.

<sup>373</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

26-моддасига кўра ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас<sup>374</sup>.

Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари баъзи муҳим кафолатларни ўз ичига олади, улар бутунлай инсон ҳуқуқлари терминларида ифода этилган бўлса ҳам, соғлиқ ҳуқуқидан баҳраманд бўлишга тегишли инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларни бажаришга аниқ хизмат қиласди. Соғлиқка ҳуқуқнинг ўзи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунда акс эттирилган (кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш қонуни деб номланади), соғлиқни сақлаш бўйича қонун ҳужжатларининг ососий қисми ҳисобланади<sup>375</sup>. Ички қонун ҳужжатларида ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатликдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи тан олинади<sup>376</sup>.

Соғлиқни сақлаш қонунига кўра касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотгандага ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришилаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга<sup>377</sup>. Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга<sup>378</sup>.

Соғлиқни сақлаш қонунининг 24-моддасида беморларга бериладиган қўйидаги соғлиқка алоқадор ҳуқуқлар санаб ўтилади:

- тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳрмурувват кўрсатишлари;
- шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;
- санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;
- тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;
- ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлигининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек соғлигининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш<sup>379</sup>;
- тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан берилган розилик ёки рад этиш. Хусусан, Соғлиқни сақлаш қонунига кўра, ўз ихтиёри билан хабардор розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир<sup>380</sup>. Ҳар ҳолда, bemor

<sup>374</sup> Ўша ерда.

<sup>375</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун, оп. cit.

<sup>376</sup> Ўзбекистон Республикасининг Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонун, 2000 й. 31 август, 123-II-сон, <https://www.lex.uz/acts/14460>.

<sup>377</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун, 16-модда.

<sup>378</sup> Ўша ерда.

<sup>379</sup> Ўша ерда, 15-модда: соғлиқта таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш худудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга; 45-модда: Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлигининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади; Барча соғлиқни сақлаш муассасаларидан Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси (Беморларнинг ҳуқуқлари) «Ахборот бурчаги»да жойлаштириш талаб қилинади.

<sup>380</sup> Ўша ерда, 26-модда.

тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга<sup>381</sup>, беморлар бошқаларга хавф туғдирадиган касаллик билан оғриган ҳоллар бундан истисно<sup>382</sup>.

Соғлиқни сақлаш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017–2021 йил Миллий ҳаракатлар стратегиясида устуворликлардан бири зикр этилган<sup>383</sup>. Унда Давлат Ўзбекистоннинг ИИМҲХП кўра мажбуриятларини акс эттирадиган маҳсус ҳаракаларни амалга ошириши талаб қилинади, жумладан қўйидагилар:

- тиббий ва ижтимоий-тиббий хизматлар қулайлиги ва сифатини яхшилаш; аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган чоралар; чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш;
- ҳамёнбоп юқори сифатли дори-дармонлар ва тиббий ускуналар билан таъминлашни яхшилаш.

Турли давлат дастурлар ва режалар, жумладан 2019–2025 Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди<sup>384</sup>. Ушбу чора-тадбирларда турли давлат органлари беморларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишига қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади<sup>385</sup>.

Кейинги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусий соғлиқни сақлаш секторини ривожлантириши<sup>386</sup>, давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимига инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитларни яшаришни, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва электрон соғлиқ тизимини фаоллаштиришга назарда туттган<sup>387</sup>.

Соғлиқ ҳуқуқидан баҳраманд бўлишда муайян ижобий ўзгаришга<sup>388</sup>, хусусан ҳуқуқий нормалар ва белгиланган сиёсий мақсадларга қарамай, жиддий камчиликлар мавжудки<sup>389</sup>, улар ИИМҲХПнинг 12-моддасига мувофиқ бўлиш учун талаб қилинадиган соғлиқни сақлашнинг қулайлиги ва сифати тўғрисида ташвиш уйғотади ва мамлакатда кўпчилик етарлича хизмат олмайди. Мазкур муаммоларнинг баъзилари тизимли ва тузулмавий бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимига хос<sup>390</sup> ва баъзи миллий низомлар уларни самарали равишда еча олмаяпти.

<sup>381</sup> Ўша ерда, 27-модда.

<sup>382</sup> Ўша ерда, 28-модда.

<sup>383</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2017 й. 7 феврал, ПФ-4947-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», <https://lex.uz/docs/3107042>.

<sup>384</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2018 й. 7 декабр, ПФ-5590-сон, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>385</sup> Ўша ерда.

<sup>386</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2017 й. 1 апрел, ПҚ-2863-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».

<sup>387</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2018 й. 7 декабр, ПФ-5590-сон, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>388</sup> Ўша ерда.

<sup>389</sup> Nuz.uz янгиликлар портали: Шавкат Мирзиёев [Ўзбекистон Республикаси Президенти] ахолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини танқид остига олди, 2020 й. 25 феврал, <https://nuz.uz/zdorove/47065-shavkat-mirzieev-raskritikoval-kachestvo-okazaniya-medicinskoy-pomoschi-naseleniyu.html>.

<sup>390</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», *op. cit.*

Масалан, умумий амалиёт шифокорлари ва мутахассислар тақчиллиги, хусусан мамлакатнинг узоқдаги жойларида давом этаётган кўринади<sup>391</sup>. Соғлиқни сақлаш ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамон муносиб эмас, жумладан тиббий таълим сифати паст<sup>392</sup>, шунингдек давомли касбий таълимни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усувларини тадбиқ этиш заиф.

Соғлиқни сақлаш хизматлари учун ҳам расмий, ҳам норасмий тўлов мавжуд. Ўзбекистонда расман (қисман) бепул соғлиқни сақлаш тизими ташкил этилган ҳода, расмий тўлов схемаларини қўллаш тобора кенгайиб бормоқда ва ҳозирда даромаднинг асосий қисмини ташкил этади, хусусан молиялаштириш кўпроқ давлат бюжетидан эмас, балки ўзини ўзи мижозлар тўлови ҳисобига таъминлаши керак бўлган тиббиёт муассасалари учун<sup>393</sup>. Бошқа маблағ билан таъминлаш манбаларини турли агенликларнинг техник ёрдам дастурлари ташкил қиласди<sup>394</sup>.

Маслаҳат ва даволаш учун норасмий тўлов олиш ҳамон расмий тўловдан кўпроқ<sup>395</sup>. Норасмий тўловнинг сўров натижасида олинган далиллари бор<sup>396</sup>. Соғлиқни сақлашдан фойдаланишда коррупциянинг давом этиши, хусусан, ресурслардан самарали фойдаланиш ва соғлиқ ҳуқуқини амалга оширишга халақит беради<sup>397</sup>. Бу ижтимоий-иктисодий жиҳатдан очор вазиятда бўлган шахслар соғлиқни сақлаш хизматларидан четлаб қўйилганлигига олиб боради<sup>398</sup>.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш қулайлиги тез-тез бўлиб турадиган мухим дорилар тақчиллиги, сув, электр таъминоти, иситиш узилиши, жиҳозлар, ва хусусан шифохоналарда ўринлар етишмаслигидан<sup>399</sup>, соғлиқни сақлаш давлат муассасаларида

<sup>391</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 й. 6 май, ПҚ-4310-сон, Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида, <https://lex.uz/docs/4323167>; Шунингдек, аҳоли киши бошига тўғри келадиган шифокорлар сони камайиб бормоқда, бу кўрсаткич энди Марказий Осиё мамлакатларидаги ўртacha қўйматдан паст. Охиригина йигирма йилда аҳоли киши бошига ҳамширалар сони асосан ўзганмай турди ва ҳозир Марказий Осиё минтақасида энг юқоридир. Р. Азимов, З. Муталова, С. Ҳусейнов, Е. Цой, Б. Речел ва М. Аҳмадов, Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг обзори, Соғлиқни сақлаш тизимлари ўтиш даврида, 2014 й., [http://www.euro.who.int/\\_\\_data/assets/pdf\\_file/0019/270370/Uzbekistan-HiT-web.pdf](http://www.euro.who.int/__data/assets/pdf_file/0019/270370/Uzbekistan-HiT-web.pdf), xviii-бет; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», *op. cit.*; 2020 й. 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббий хизматлар сифатини яхшилаш соҳасидаги навбатдаги мухим вазифалар борасида йиғилиш ўтказди, Nuz.uz янгиликлар портали: <https://nuz.uz/zdorove/47065-shavkat-mirzieev-raskritikoval-kachestvo-okazaniya-medicinskoy-pomoschi-naseleniyu.html>.

<sup>392</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2020 й. 6 январ; Health Care in Uzbekistan, 2016, [http://factsanddetails.com/central-asia/Uzbekistan/sub8\\_3f/entry-4735.html](http://factsanddetails.com/central-asia/Uzbekistan/sub8_3f/entry-4735.html).

<sup>393</sup> Р. Азимов, З. Муталова, С. Ҳусейнов, Е. Цой, Б. Речел ва М. Аҳмадов, Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг обзори, *op. cit.*, xvii-бет.

<sup>394</sup> Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, *op. cit.*

<sup>395</sup> Р. Азимов, З. Муталова, С. Ҳусейнов, Е. Цой, Б. Речел ва М. Аҳмадов, Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг обзори, *op. cit.*, xvii-бет.

<sup>396</sup> Ўша ерда.

<sup>397</sup> Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислоҳотлар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги мониторингнинг тўртинчи раунди, Шарқий Евropa ва Марказий Осиёда коррупцияга қарши кураш тармоғи, [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-ENG.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-ENG.pdf), 36-бет: «Масалан, фуқаролар фикрига кўра, соғлиқни сақлаш ва дори-дармон соҳасида коррупция З йилда икки баробар ошиди (2016 йилда – 26,1 %, 2017 – 37,6 %, 2018 – 43,7 %). Ўша марказ ўтказган «Коррупцияга қарши кураш жамоатчилик фикри кўзгусида» жамоат фикрини ўрганиш сўрови натижасида, 2018 йилда соғлиқни сақлаш тизими, ишга олиш жараёни, олий ва халқ таълими тизими Ўзбекистонда энг коррупцияга чалинган соҳалар деб таърифланди, кейинги ўринларда – судлар, прокуратура органлари, Ишчи ишлар вазирилиги, солиқ органлари ва санитария-эпидемиология назорати органлари; Парламент кўмиталари ва комиссиялари йиғилиши, «Қачон соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция йўқ қилинади?», Ўзбекистон Республикаси Парламентининг расмий сайти, <https://parliament.gov.uz/ru/events/committee/30300/>; Health Care in Uzbekistan, *op. cit.*

<sup>398</sup> ИХҚ, Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи қўшилган даврий хисобот борасида якуний шарҳлар, 2013 й. 10 июл, CRC/C/UZB/CO/3-4, 51(а) банд.

<sup>399</sup> Р. Азимов, З. Муталова, С. Ҳусейнов, Е. Цой, Б. Речел ва М. Аҳмадов, Ўзбекистон: Соғлиқни сақлаш тизимининг обзори, *op. cit.*, xvii-бет: «Шифохоналардаги аҳоли бошига ўринлар маъносида мамлакат ҳозирда Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари орасида ўтара қийматдан паст юради».

гигиена материаллари, шунингдек вакциналар таъминоти етишмаслигидан зарар кўради<sup>400</sup>.

Гарчи эмлаш билан қамраб олиш юқори бўлса-да, вакциналар режали эмлаш дастурларга киритилганларининг салмоқли қисми донорлар маблағ билан таъминлашга боғлиқ кўринади, бунинг натижасида эмлашнинг узоқ муддатли барқарорлиги аниқ бўлмайди<sup>401</sup>. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ИИВ ташхиси қўйилган bemorlarни, kasalliknинг bosqichidan қатъи назар, ретровирусга қарши муолижка қилиш тавсияларига қарамай, ИИВ билан заарланган bemorlarning фақат 47 фоизи даволанмоқда. Даволашда узилиш бўлиши хавфи бор ва давлат бюджетида бунга мақсадли равишда маблағ ажратилмаганлиши туфайли дориларни сотиб олиш етказишда кечикишлар юзага келиши оқибатида даволашда узилишлар бўлиб ИИВнинг ретровирусларга қарши дориларга чидамли штаммлари пайдо бўлиши хавфи мавжуд<sup>402</sup>.

## Давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш тизимлари

### Халқаро ҳуқуқий асос

Давлатлар соғлиқ ҳуқуқини муҳофаза қилиш мажбуриятларининг бир қисми сифатида соғлиқни сақлаш хизматларининг хусусий таъминотчиларининг хатти-ҳарачатлариши тартибга солишлари шарт, бу мажбурият соғлиқни сақлаш хизматларини етказувчилар соғлиққа ҳуқуқни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган жойларда айниқса яққол ифода этилади<sup>403</sup>. Барча Давлатлар учун «соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматларни тенг тақсимлаш» бевосита таъсир этувчи ўзак мажбурият бўлиб, етарли даражада тартибга солинмаган хусусий соғлиқни сақлаш сектори унга путур этказиши мумкин<sup>404</sup>. Хусусий секторнинг соғлиқни сақлаш соҳасида товарлар, хизматлар ва муассасаларни таъминлашга қўшириши «соғлиқ ҳуқуқи ва бошқа инсон ҳуқуқлари хусусийлаштирилиши йўлида муамма ва хатарларни юзага келтиради»<sup>405</sup>. Шунинг учун соғлиқни сақлашда хусусий секторнинг иштироки соғлиқ ҳуқуқи маъносида мажбуриятларига риоя қилишлари учун Давлатлардан «пухта режалаштириш, тартибга солиш ва ҳисобдорликни талаб қиласди»<sup>406</sup>. Соғлиқ борасида эришиб бўладиган энг юқори стандартлар бўйича БМТнинг собиқ маҳсус маърузачиси ушбу муносабатда Давлатлар камчиликка йўл қўйган вазиятларга эътиборни тортди. Хусусан, «кўп ҳолларда хусусийлаштириш соғлиқни сақлашга боғлиқ товарлар ва хизматларга ёндан тўлашга олиб борди» ва «қишлоқ ва узоқдаги жойлар ва ва шаҳарларда соғлиқни сақлаш муассасалар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларда тенгсизлик ошиб бораётганини» кўрсатди<sup>407</sup>. Давлатлар барча хусусий акторлар соғлиқ ҳуқуқларига риоя қилишини таъминлашга мажбур<sup>408</sup>.

ИИМҲҚ хусусий соғлиқни сақлаш хизматларини етказувчилар «уларга „давлат хизматлари мажбуриятлар“ деганни зиммасига юклайдиган қаттиқ тартибга солишга

<sup>400</sup> Health Care in Uzbekistan, *op. cit.*

<sup>401</sup> Масалан: ИҲҚ, Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи қўшилган даврий ҳисбот борасида якуний шарҳлар, *op. cit.*, 51(d) банд.

<sup>402</sup> Gazeta.uz янгилклар портали: Ўзбекистонда ИИВга қарши кураш жадал суръат олади, 2018 й. 25 январ, <https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/25/hiv/>.

<sup>403</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 33- ва 51-бандлар.

<sup>404</sup> Ўша ерда, 43(е) банд.

<sup>405</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир глобал ташаббус, Соғлиқни сақлаш хизматларида хусусий акторлар: инсон ҳуқуқларига таъсир сари.

<sup>406</sup> Ўша ерда.

<sup>407</sup> Жисмоний ва руҳий саломатликнинг эришиб бўладиган юқори стандартларидан барчанинг баҳраманд бўлиш ҳуқуқи бўйича маҳсус маърузачининг оралиқ ҳисботи, UN Doc. A/67/302 (2012 й. 13 август).

<sup>408</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 42-, 55- ва 56-бандлар.

юзланишлари лозим» деб аниқ белгилади<sup>409</sup>. Унда соғлиқни сақлаш хизматларини хусусий етказувчилари «ҳамёнбоп ва монанд хизматлар, даволаниш ва ахборотдан фойдаланиш йўлини тўсиб қўйиш тақиқланиши» лозимлигини белгиланади<sup>410</sup>.

Соғлиқ ҳуқуқини муҳофаза қилиш мажбурияти Давлатлардан ҳам трансмиллий компаниялар, ҳам миллий корхоналар ИИМ ҳуқуқлардан баҳраманд бўлишга халақит беришларига йўл қўймаслик учун олдиндан—жумладан ҳуқуқий ва норматив—чораларни кўришни талаб қиласди<sup>411</sup>. Бу қатор ҳуқуқий ва сиёсий чоралар кўришни талаб қиласди. «Тартибга солиши» чораларини ўз ичига оладиган бундай хусусий акторлар соғлиқ ҳуқуқидан баҳраманд бўлишга халақит бериши хатарини юмшатиш чоралари аниқ жорий этилиши шарт<sup>412</sup>. ИИМҲҚ соғлиқни сақлаш секторини хусусийлаштириш «соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлари ва хизматларининг мавжудлиги, қулайлиги ва сифатиги путур етказишга» хизмат қилмаслиги лозим, деб кўрсатди<sup>413</sup>.

Соғлиқ ҳуқуқи «инсонларга соғлиқнинг эришиб бўладиган энг юқори даражасидан баҳраманд бўлишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизими» ҳуқуқини қамраб олиди<sup>414</sup>. Агар хоҳлаган соғлиқни сақлаш тизими, хоҳ давлат тизими, хоҳ хусусий бўлсин, бутунлай хусусий ёки аралаш давлат-хусусий ушбу стандартда жавоб бермаса, бу Давлат соғлиқ ҳуқуқига риоя қилиш борасида муваффақиятсизликка учради, дегани<sup>415</sup>. Гарчи Давлатлар «давлат, хусусий ёки аралаш тиббий суғурта тизимларига» тизимларига йўл қўйса ҳам, улар бундай тизимларнинг хоҳлагани «барча учун ҳамёнбоп» бўлишини ва соғлиқ ҳуқуқи билан жорий этилган стандартларга тўлиқ жавоб беришини таъминлаши шарт<sup>416</sup>.

Шунингдек, ИИМҲҚ Давлатлар нодавлат акторлар, жумладан «хусусий тадбиркорлик сектори» «соғлиқ ҳуқуқни амалга ошириш борасида» ўз мажбуриятларини «бажаришини енгиллаштирадиган муҳитни таъминлаши» лозим деб белгилайди<sup>417</sup>. Шунинг учун соғлиқ ҳуқуқини муҳофаза қилиш мажбуриятини бузиш «кишилар, групҳар ёки корпорацияларнинг фаолиятини бошқаларнинг соғлиқ ҳуқуқини бузишига йўл қўймайдиган тарзда тартибга солишда муваффақиятсизлигини» ўз ичига олади<sup>418</sup>.

## **Миллий ҳуқуқий ва амалий масалалар**

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ҳам давлат, ҳам хусусий секторлардан иборат.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими давлатга тегишли ёки давлат органларига бўйсунадиган корхоналар, институтлар ва ташкилотларни ўз ичига олади.<sup>419</sup> Булар қўйидагилар:

<sup>409</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 24-сон: Давлатнинг тадбиркорлик фаолияти борасида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга кўра мажбуриятлари, Е/C.12/GC/24 (2017 й. 10 август), 21-банд.

<sup>410</sup> Ўша ерда.

<sup>411</sup> FIAN International-нинг Очиқ ҳуқуматлараро ишчи групхининг 3-сессиясига қилган инсон ҳуқуқларига боғлиқ трансмиллий ва бошқа тадбиркорлик корхоналар тўғрисида ёзма ахбороти: Ҳужжатнинг қисмларига Раис-маърузачининг шарҳлари, 2018 й. феврал, <https://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/WGTransCorp/Session3/CallforComments/FIAN.pdf>, 11-бет.

<sup>412</sup> Ўша ерда; ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон.

<sup>413</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 35-банд.

<sup>414</sup> Ўша ерда, 8-банд.

<sup>415</sup> Ўша ерда, 19-, 38-бандлар.

<sup>416</sup> Ўша ерда, 36-банд.

<sup>417</sup> Ўша ерда, 42-банд.

<sup>418</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 51-банд.

<sup>419</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги конун, 9-модда.

- даволаш, профилактика, тадқиқот ва таълим муассасалари (тиббий ва фармацевтика ходимларни тайёрлаш ва қайта таёrlаш), дорихоналар, фармацевтика конхоналари;
- санитария ва профилактика институтлари; ва
- суд тиббиёт экспертиза институтлари, дори, тиббий ускуналар ва жиҳозлар ишлаб чиқадиган корхоналар<sup>420</sup>.

Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунга биноан, давлатга тегишли соғлиқни сақлаш даволаш ва профилактика муассасалари Давлат кафолатлаган тиббий ёрдамни ахолига бепул беради<sup>421</sup>. Бирок, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари муайян хизматлари миллий соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунга кўра пуллик кўрсатилиди<sup>422</sup>.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган кафолатланган соғлиқни сақлаш хизматлари рўйхати ҳар йили тасдиқланиб Соғлиқни сақлаш вазирликнинг расмий вебсайтида, шунингдек республиканинг тиббий муассасаларида, ўзбек ва рус тилларида керакли кўчирмалар билан жойлаштирилиши керак<sup>423</sup>. Ушбу рўйхат шошилинч тиббий ёрдамни, режали тиббий ёрдамни ва паллиатив тиббий ёрдамни, шунингдек дори-дармон, материаллар ва тиббий буюмлар таъминотини қамраб олади<sup>424</sup>.

Хусусий соғлиқни сақлаш тизими тиббий муассасалар, дорихоналар, фармацевтика компаниялари, тиббий ускуналар ва тиббий жиҳозлар компаниялари ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган шахслардан иборат<sup>425</sup>.

Миллий қонунга кўра, давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари кўрсатадиган бирламчи тиббий ёрдам мамлакатда асосий, ҳаммабоп ва бепул тиббий ёрдам ҳисобланади. У қўйидагилардан иборат:

- «энг кўп учрайдиган касалликлар, жароҳатлар ва бошқа шошилинч ҳолатларни» даволаш;
- санитария-гиниена ва эпидемияларга қарши чоралан кўриш, тиббий йўл билан жиддий касалликларнинг олдини олиш;
- оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чоралари ва шахсларга турар жойларида тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бошқа фаолият<sup>426</sup>.

Шошилинч ёрдамга келганда, ҳар ким хоҳлаган давлат ёки хусусий тиббий ёрдам муассасасида шошилинч ёрдам олишга ҳақлидир<sup>427</sup>. Тиббий ва фармацевтика ходимларидан bemorlarрга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш талаб қилинади<sup>428</sup>.

Қонунга кўра, хусусий тиббий даволаш ва профилактика институтлари муайян тоифа, кўп ҳолларда заиф гуруҳларга мансуб, шахсларга текин хизмат кўрсатади<sup>429</sup>,

<sup>420</sup> Ўша ерда.

<sup>421</sup> Ўша ерда.

<sup>422</sup> Ўша ерда.

<sup>423</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида, 2019 й. 30 сентябр, 832-сон, <https://lex.uz/ru/docs/4535088>.

<sup>424</sup> Ўша ерда.

<sup>425</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуни, 10-модда.

<sup>426</sup> Ўша ерда, 29-модда.

<sup>427</sup> Ўша ерда, 30-модда.

<sup>428</sup> Ўша ерда, 30-модда.

<sup>429</sup> Ўша ерда, 10-модда.

яъни хизматлари ҳақи давлат бюджети ҳисобидан Давлат қопланади<sup>430</sup>. Шахсларнинг бундай имтиёзли тоифаларини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди<sup>431</sup>.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг роли ошиб боришга мойиллик бор<sup>432</sup>. Бу ҳолатнинг далолатлари низомларда, давлат-хусусий шериклиқда акс эттирилган, шунингдек соғлиқни сақлаш секторида фаолият юритувчи субъектларга баъзи солиқ имтиёзлар берилади<sup>433</sup>. Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун кўнгилли суғуртани назарда тутади, аммо мажбурий суғурта тизими мавжуд эмас. Бироқ, Давлатнинг соғлиқни сақлаш саҳасидаги сиёсатига кўра унинг босқичма-босқич жорий қилиниши 2021 йил, 1 январдан бошланади<sup>434</sup>.

Давлат хусусий соғлиқни сақлаш тизимини тартибга солади, чунки хусусий соғлиқни сақлаш субъектлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги берадиган лицензиялар асосида фаолият юритади<sup>435</sup>. Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлашга доир стандартлар ва бошқа талабларни жорий этади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қиласди<sup>436</sup>. Ушбу стандартлар ҳам давлат, ҳам хусусий соғлиқни сақлаш хизматлари учун бир<sup>437</sup>. Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунга кўра, хусусий соғлиқни сақлаш тизими фақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган касалликларнинг олдини олиш ташхис ва даволаш усулларини қўллади. Хусусий ва бошқа соғлиқни сақлаш тизимлари урнатилган тартибда тиббий қайдларни олиб бориши ва статистик маълмотларни бериши лозим<sup>438</sup>. Миллий қонун ҳужжатларида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунга риоя этмаслик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилдан<sup>439</sup>.

## Касалликлар, пандемия ва эпидемиялар

ИИМҲХПнинг 12-моддасига биноан ҳуқуқларни муҳофаза қилиш мажбурияти COVID-19 пандемияси вазиятига тўлиқ тадбиқ этилади<sup>440</sup>. 12(с)-модда барча Давлатлар зиммасига барча касалликларни, жумладан эпидемиядан келиб чиқиганларини, жумладан COVID-19, олдини олиш, даволаш, назорат қилиш мажбуриятини аниқ

<sup>430</sup> Ўша ерда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 1998 й. 10 ноябрь, ПФ-2107-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида, <https://lex.uz/acts/221139#221173>, 5-банд. Нодавлат даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан, аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий даволаш-профилактика муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ имтиёзга эга беморларга 20 фойзга қадар бепул тиббий хизмат кўрсатишлари ҳамда бу хизматлар бюджет ҳисобидан молияланиши белгилаб қўйилсан.

<sup>431</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида, *op. cit.*

<sup>432</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 й. 1 апрел, ПҚ-2863-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2018 й. 7 декабр, ПФ-5590-сон, <https://lex.uz/ru/docs/4096199>.

<sup>433</sup> Ўша ерда.

<sup>434</sup> Ўзбекистон Республикасининг Тиббий фаолият ва тиббий ходимларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди, <https://regulation.gov.uz/ru/document/6263>, ID-6263.

<sup>435</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун, 5-модда.

<sup>436</sup> Ўша ерда.

<sup>437</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2019 й. 30 сентябр, 832-сон, «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида», <https://lex.uz/ru/docs/4535088>. Тиббий ёрдамнинг сифат стандартлари—муайян даврда эришиб бўладиган тиббий ёрдам даражасини акс эттирадиган нормалар, қоидалар ва талаблар мажмумуни қамраб оладиган ҳужжат. Тиббий ёрдамнинг сифат стандартлари тиббий фаолият олиб борувчи ташкилотлар учун мажбурийдир ва тиббиёт ташкилотлари улардан тиббий ёрдамни режалаштириш ва иқтисодий ҳисоблар учун фойдаланадилар.

<sup>438</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун, 10-модда.

<sup>439</sup> Ўша ерда, 46-модда.

<sup>440</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Аста-секин ўлаётган одамлар каби яшаш: Соғлиқ ҳуқуқига мос COVID-19га қарши чораларга эҳтиёж, 2020 й. сентябр, <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2020/09/Universal-Global-Health-COVID-19-Publications-Reports-Thematic-Reports-2020-ENG.pdf>.

юклайди. 12(d)-модда Давлатлардан «касаллик ҳолида», жумладан COVID-19-дан келиб чиқадиган касаллиқдан барча шахсларни тиббий даволаш учун шароит яратишни талаб қилади.

ИИМХҚ COVID-19 түғрисида қылган баёнида Давлатларга соғлиқ ҳуқуқини амалга оширишга доир қатор тавсиялар берди. Умуман, соғлиқ ҳуқуқига доир мажбуриятлар Давлатлардан пандемияга қарши чора-тадбирлари «жамоатчилик саломатлигини мұхофаза қилиш учун мавжуд илмий далилар асосида» бўлиши керак, деб талаб қилади<sup>441</sup>. Умуман Давлатлар ҳар бир кишининг талабига кўра COVID-19-нинг олдини олиш, скрининг ва даволаш чораларидан тўлиқ ва кечиктирган фойдаланиш имкониятини яратишга мажбур<sup>442</sup>.

Дунёда қатор Давлатлар COVID-19 инқирози юзага келтирган жамоат соғлигини сақлаш инқирозига қарши туриш учун ҳақиқий ёки эълон қилинган фавқулодда чоралар кўрдилар<sup>443</sup>. Бир неча ҳолда бундай чоралар фавқулодда ҳолат эълон қилиниши ёки шунга ўхшаш истисноли ҳолатлар натижасида кўрилди<sup>444</sup>. Умумий масала сифатида: «COVID-19 келтирган жамоат соғлиқни сақлаш инқирозига қарши курашиб» учун зарур булган бундай чоралар «мақбул ва мутаносиб» бўлиши, «суюиистемол қилинмаслиги», ва «жамоатчилик соғлигини мұхофаза қилиш учун зарур бўлмай қолгач, дарҳол бекор қилиниши зарур», деб аниқ айтди<sup>445</sup>.

Мұхимки, соғлиқ ҳуқуқи контекстида «жамоатчилик соғлиғи» фавқулодда вазият сабабли ҳуқуқларни чеклаш ёки улардан чекланиш «касалликнинг ёки шикастнинг олдини олиш ёки бемор ёки жароҳатланни парвариш қилишга атайин мўлжалланиши» шарт<sup>446</sup>. Юқорида баён этилган соғлиқ ҳуқуқига тегишли инсон ҳуқуқлари борасидаги мажбуриятлар ҳисобга олинса, тузатиш учун фавқулода чоралар кўрилган «жамоат соғлиғи» мақсадлари ҳам жамоат соғлиғи заруратларига, ҳам Давлат юрисдикциясидаги ҳеч қандай камситишсиз барча шахсларнинг соғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишга маҳсус қаратилган бўлиши шарт<sup>447</sup>.

Ниҳоят, ҳатто жамоат соғлиғи борасида COVID-19 каби фавқулодда ҳолатни ҳал қилиш учун инсон ҳуқуқларини чеклаш ва улардан чекланиш мүмкин бўлган қийин вазиятларда таърифланган соғлиқ ҳуқуқи маъносида минимум ўзак мажбуриятлар, умуман айтганда, мазкур чеклов ва четланишга учрашиши керак эмас. ИИМХҚ 14-Умумий шарҳда равshan кўрсатганидек: «Иштирокчи Давлат ҳеч қандай вазиятда мажбурий ва ажратиб бўлмас ҳисобларган ўзининг ўзак мажбуриятларини бажармасликни оқлай олмайди». Ушбу мажбуриятлар камситмаслик асосида, айниқса заиф ёки маргиналлашган гурухлар учун, соғлиқни сақлаш муассасалардан фойдаланиш, товарлар ва хизматлар олиш имкониятини, мұхим дори воситаларни

<sup>441</sup> ИИМХҚ, Коронавирус касаллиги (COVID-19) пандемияси ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, Е/С.12/2020/1, 2020 й. 6 апрель, 10-банд.

<sup>442</sup> I. Siederman & T. F. Hodgson, COVID-19 Symposium: COVID-19 Responses and State Obligations Concerning the Right to Health (Part 1) [COVID-19 симпозиум: COVID-19 га қарши чоралар ва соғлиқ ҳуқуқига тегишли мажбуриятлар (1-қисм)] (2020 й. 1 апрел), *op. cit.*

<sup>443</sup> Юристлар халқаро комиссияси, Аста-секин ўлаётган одамлар каби яшаш: Соғлиқ ҳуқуқига мос COVID-19га қарши чораларга эҳтиёж, 2020 й. сентябр, *op. cit.*

<sup>444</sup> Юристлар халқаро комиссияси, COVID-19 пандемиясига қарши чораларнинг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина ва Ўзбекистонда одил судловдан фойдаланишга таъсири, <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2020/06/CIS-Justice-and-coronavirus-Advocacy-Analysis-brief-ENG-2020.pdf>.

<sup>445</sup> ИИМХҚ, Коронавирус касаллиги (COVID-19) пандемияси ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, Е/С.12/2020/1, 2020 й. 6 апрел, 11-банд.

<sup>446</sup> Ўша ерда, 25–26-бандларда шундай дейилади: «Давлат аҳоли ёки аҳоли айрим вакилларининг соғлиғига жиддий ҳавфга қаратилган чоралар кўриш муносабати билан жамоат соғлиғи муайян ҳуқуқларни чеклаш учун асос деб кўрсатилиши мүмкин. Ушбу чоралар касаллик ёки шикастнинг олдини олиш ёки бемор ва жароҳатланганга ёрдам кўрсатишга маҳсус қаратилган бўлиши шарт. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро соғлиқ низомларига лозим равишда риоя қилиниши керак».

<sup>447</sup> I. Siederman & T. F. Hodgson, COVID-19 Symposium: COVID-19 Responses and State Obligations Concerning the Right to Health (Part 1) [COVID-19 симпозиум: COVID-19 га қарши чоралар ва соғлиқ ҳуқуқига тегишли мажбуриятлар (1-қисм)] (2020 й. 1 апрел), *op. cit.*

етказиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлар ва хизматларнинг тенг тақсимланишини қамраб олади<sup>448</sup>.

Шунинг учун ушбу ўзак мажбуриятлар, ҳатто COVID-19 каби соғлиқни сақлашда фавқулодда вазият чоғида, босқичма-босқич эмас, балки дарҳол бажарилиши шарт. Шунга мувофиқ, ИИМҲҚ COVID-19-га тегишли баёнида эпидемияга қарши кўрилаётган чораларда «Давлатлар Пакт юклаган минимал ўзак мажбуриятларга устунлик бериши лозим», деб кўрсатади<sup>449</sup>.

Бекор қилинишдан ташқари, соғлиқ ҳуқуқининг хоҳлаган бошқа чекловлари—жумладан COVID-19-нинг авжли ривожланиши оқибатидаги устунликларни қайта кўрилганини яна қайта кўриш—ИИМҲХП 4-моддасида жорий этилган умумий стандартларга мос бўлиши шарт. ИИМҲҚ 4-модда «асосан кишиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган, Давлатлар чеклов қўйишига рухсат беришига эмас», деб тушунтириди<sup>450</sup>. Соғлиқ ҳуқуқининг чекловлари қонуний ҳисобланиши учун улар: қонунга мос; соғлиқ ҳуқуқи характеристига мувофиқ; асасланган, қонуний мақсадларга қаратилган; шубҳасиз зарур; мутаносиб; имкон борича мулойимроқ чеклов ўрнатиши; вақти чекланган; ва назорат қилинадиган бўлиши лозим<sup>451</sup>.

Ўзбекистонда миллий қонун Давлат зиммасига касалликларнинг, жумладан эпидемия оқибатида тарқаладиган касалликларнинг олдини олиш, уларни даволаш ва назорат қилиш вазифасини очик-ойдин юклайди<sup>452</sup>. Турли давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бошқа масалалар билан бир қаторда юқумли касалликлар (ИИВ, сил ва ўпка касалликлари)<sup>453</sup> ва юқмайдиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган<sup>454</sup>.

COVID-19 пандемиясига жавобан Ўзбекистон «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунига асосланиб, карантин режимини жорий этди<sup>455</sup>. 2020 йил, 29 январда Президент Ўзбекистон Республикасига Коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини тузди<sup>456</sup>. Комиссиянинг зиммасига Ўзбекистонда касалликнинг олдини олиш вазифаси юкланди.

<sup>448</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 47-банд.

<sup>449</sup> ИИМҲҚ, Коронавирус касаллиги (COVID-19) пандемияси ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, Е/С.12/2020/1, 2020 й. 6 апрел, 12-банд.

<sup>450</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 28–29-бандлар.

<sup>451</sup> Ўша ерда.

<sup>452</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикасига «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни.

<sup>453</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2019 й. 13 февраль, ПҚ-4191-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 й. 25 январ, ПҚ-3493-сон, <https://lex.uz/docs/3523144>.

<sup>454</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-кувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги дараражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида, 2019–2022 йиллар даврига юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик дараражасини ошириш бўйича умумий режа тасдиқланди, ўша даврга мўлжалланган ҳаракат режаси билан бирга, 2018 й. 18 декабр, ПҚ-4063-сон.

<sup>455</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши, Ф-5537-сон, 2020 й. 29 январ, Ўзбекистон Республикасига Коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида, *op. cit.*; COVID-19 пандемиясига қарши курашишнинг МДҲ мамлакатларида адолатга эришиш бўйича чора-тадбирларга таъсири ҳақида ХЮКнинг қисқача меморандуми, *op. cit.*; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ҳуқуқий масалалар бўйича тез-тез бериладиган саволлар ва жавоблар, *op. cit.*

<sup>456</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши, Ф-5537-сон, 2020 й. 29 январ, Ўзбекистон Республикасига Коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида, <https://lex.uz/docs/4720408>.

Қонун ҳужжатлари ва Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа норматив-ҳуқуқий актлари орқали COVID-19 пандемиясига қарши турли, жумладан ҳаракатланиш ҳуқуқини муайян даражада чеклаш чоралари кўрилди<sup>457</sup>. Мазкур ҳужжатлар Давлат органлари соғлиқ ҳуқуқини амалга ошириш учун шароит яратишни ва COVID-19 оқибатида юзага келган «касаллик ҳолида» даволашга йўл қўйишни талаб қилди. Уларда, жумладан, COVID-19-га боғлиқ тиббий харажатлар, COVID-19 ҳоллари билан ишлайдиган тиббиёт ходимларни молиявий қўллаб-қувватлаш (ойлик маошга қўшимча), тиббиёт муассасаларни барпо этиш беморлар эҳтиёжларига мослашни назарда тутади<sup>458</sup>. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими ҳам COVID-19 пандемиясига қарши тиббий хизматларда қатнашди ва ушбу хизматлар Давлат томонидан (бюджетдан) қопланди<sup>459</sup>.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига кўра, Давлатлар умуман ҳар бир эҳтиёжи бор шахсга COVID-19-ни олдини олиш, скрининг ва даволаш чораларини етказиб беришга мажбур<sup>460</sup>. Бу Соғлиқни сақлаш вазирлигининг COVID-19 бўйича миллий қўлланмасидан келиб чиқади, унда ташхис, таҳлиллар ва даволашни таъминлаши кўриб чиқилган, тиббий муассасалар рерурслари етишмовчилиги шароитида фақат оғир касаллик аломатлари бўлган беморлар тиббий муассасаларида ихтисосланган парвариш олади<sup>461</sup>. Бироқ, бошқа беморлар уйда қолар экан, соғлиқни сақлаш муассасалари уларнинг саломатлик аҳволини кўзатиши ва вирус тарқалишини олдини олиш мақсадида яккалангандиларини таъминлаши лозим. Акс ҳолда, барча COVID-19 бўйича мусбат беморларнинг ихтисослашган тиббий муассасаларда скрининги ва даволаниш чоралари таъминлариши лозим<sup>462</sup>.

Миллий қонунга биноан ҳар ким пандемия тўғрисида ахборот олишга ҳақли<sup>463</sup> ва Давлат органларидан пандемия муносабати билан кўришган чоралар тўғрисида ахборот бериш талаб қилинади<sup>464</sup>. Ушбу шароитда COVID-19 тегишли баъзи

<sup>457</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2020 й. 26 марта, ЎРҚ-613-сон, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2020 й. 19 марта, ПФ-5969-сон, «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиши бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 й. 26 марта; ПҚ-4649-сон, «Ўзбекистон Республикасида Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2020 й. 26 марта, ПҚ-4652-сон, «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жал қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши, 2020 й. 29 январь, Ф-5537-сон, «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2020 й. 23 марта, 176-сон, «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>458</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2020 й. 19 марта, ПФ-5969-сон, «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиши бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», <https://lex.uz/acts/4770763>.

<sup>459</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2020 й. 26 марта, ПҚ-4649-сон, «Ўзбекистон Республикасида Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», <https://lex.uz/acts/4775069>.

<sup>460</sup> I. Siederman & T. F. Hodgson, COVID-19 Symposium: COVID-19 Responses and State Obligations Concerning the Right to Health (Part 1) [COVID-19 симпозиум: COVID-19 га қарши чоралар ва соғлиқ ҳуқуқига тегишли мажбуриятлар (1-қисм)] (2020 й. 1 апрел), *op. cit.*

<sup>461</sup> Соғлиқни сақлаш вазирлигининг COVID-19 бўйича миллий қўлланмаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 2020 й. март, [https://www.minzdrav.uz/openData/csv/nation\\_rukovodstvo\\_COVID-19.pdf](https://www.minzdrav.uz/openData/csv/nation_rukovodstvo_COVID-19.pdf).

<sup>462</sup> Ўша ерда.

<sup>463</sup> Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун, 15-модда: «Ҳар ким соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш худудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга».

<sup>464</sup> Ўзбекистон Республикасининг Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонуни, 13-модда.

янгиланган умумий ахборотга қарамай<sup>465</sup>, ушбу ахборотни, айниқса кексалар орасида тарқатишида муаммолар бор, деган хабарлар бўлди<sup>466</sup>.

COVID-19 пандемиясининг бошланғич палласида, жумладан тиббий ходимлар етишмаслиги, фавқулодда тиббий ёрдамдан фойдаланиш, шунингдек COVID-19 билан оғриган беморлар учун дори-дармонлар муаммолари тўғрисида хабарлар бўлди<sup>467</sup>. Чет элдан қайтиб келган кишилар махсус ташкил этилган жойларда мажбурий карантинга қўйилди. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги хабарларга кўра, мазкур жойлардаги муомала талабдан паст бўлиб, баъзи ҳолларда, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларга хилоф равишда ғайриинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи даражага етган. Одамлар мазкур жойларда хоналар ўрнига контейнерларда яшади. Одатдаги хабарда карантин муассасасини шундай тасвиранади:

«Аввалги бир неча кун давомида контейнерда бизга ҳатто чой пакетларини ҳам беришмай, қайтанилган сув ичинглар, дейишди. Бир гуруҳ аёлларда кондиционер ишламади, қор ёғаётган эди, улар тақиллатишиди, ёрдам сўраши, уларни устидан [эшикни ташқаридан] қулфлашди, қўйишиди ва эътибор беришмади. Баъзиларга ичимлик суви берилди, бошқаларга бир неча кунлаб сув берилмади. Биз бўш “баклажкаларни” кесиб томга қўйдик, ҳеч бўлмаганда лабимизни намлаш учун ёмғир сувини йиғдик. Баъзилар видео олдилар, уларни Тошкентдаги дўстларига юбордилар. Аммо ахвол баттар бўлди — одамлар олдимизга келиб, телефонларни бериб юборишимизни талаб қилишиди ва қочиб кетишга уринган, деб бизни уч йилга қамаб қўйишлиги мумкин деб, қўрқитишиди»<sup>468</sup>.

Вазиятни кузатган инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қўйидагиниларни айтиб берди:

«Мен Ўзбекистоннинг турли вилоятлардан бўлган йигирма нафардан ортиқ йигитлар билан Ўртачирчиқ (Ўртасарой қишлоғи Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жойлашган) карантин лагеридаги вазият тўғрисида сухбатлашдим ...Хулоса қилиб: улардан бирон киши ҳам яхши бир гап айтмади... Аммо айниқса шу кунларда ҳарорат 40 °C га яқин бўлганда ...ва аксарият контейнерларда кондиционерлар ишламаётганда— у ерда карантинга қамаб қўйилганларга нима бўлаётганини тасаввур ҳам қила олмайман...»<sup>469</sup>.

Ушбу хабарлар Давлатнинг соғлиқ ҳуқуқига, шунингдек монанд уй-жой ҳуқуқи ва монанд турмуш даражаси ҳуқуқига риоя қилиш мажбуриятига мос келмайдиган ва ФСҲХП (7- ва 10-моддалар)га биноан мажбуриятларини бузган ҳолда ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи даражасига бориши мумкин парвариш шароитини кўрсатади. Устига устак, карантинга қўйиш мажбурий бўлгач, ФСҲХПнинг 9-моддасига биноан озодликдан маҳрум этишганни ташкил қилиши мумкин.

<sup>465</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиригининг вебсайти, <https://coronavirus.uz/ru/questions/index/4>.

<sup>466</sup> William Seitz, Eldor Tulyakov, Obid Khakimov, Avralt-Od Purevjav, Sevilya Muradova, Dynamically Identifying Community-level COVID-19 Impact Risks [COVID-19 таъсири хатарини жамоалар даражасида динамик тарзда аниқлаш], Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ноҷорлик ва тенглик дастури, Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси маркази (PCM), Ўзбекистоннинг Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази (ИТИМ), Ўзбекистоннинг Иқтисодий ривожланиши ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Ўзбекистоннинг Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, 2020 й., <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/34925/Uzbekistan-Dynamically-Identifying-Community-Level-COVID-19-Impact-Risks.pdf?sequence=1&isAllowed=y>. 13-бет.

<sup>467</sup> Kun.uz янгиликлар портали, 2020 й. 28 июл, Пандемия Ўзбекистонда: Ўнта кенг кўламли муаммо, <https://kun.uz/ru/news/2020/07/28/pandemiya-v-uzbekistane-10-masshtabnyx-problem>; Заарлар ва эҳтиёжни баҳолаш хулосаси, COVID-19-га фавқулодда жавоб чоралари лойихаси, Осиё тараққиёт банки, масалан, 11-банд, <https://www.adb.org/sites/default/files/linked-documents/54282-001-sd-01.pdf>.

<sup>468</sup> Ferghana янгиликлар агентлиги, Кутиш контейнерлари, <https://fergana.news/articles/118569/>.

<sup>469</sup> Ўша ерда.

## **Камситмаслик**

### **Халқаро стандартлар**

Давлат соғлиқ ҳуқуқидан ирқ, тана ранги, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, насл-насаби ёки ИИМҲҲПнинг 2(2)-моддасида эълон қилинган тақиқланган камситиш асослари каби асослар бўйича ҳеч қандай камситишсиз фойдаланишини таъминлай мажбуриятига эга. ИИМҲҚ тасдиқлаганидек, «бошқа ҳолатлар» маъносида келиган тақиқланган камситиш асослари тўлиқ эмас ва улар ногиронлик, ёш, фуқаролик, никоҳ ва оиласвий мақомни, жинсий ориентация ва гендер ўзини танишни, саломатлик аҳволни, яшаш жойини ва иктиносидий ва ижтимоий вазиятни қамраб олади<sup>470</sup>.

Камситишнинг тақиқланган асоси сифатида саломатлик ҳолати жисмоний ва руҳий саломатликни назарда тутади. Давлат шахснинг ҳақиқий ёки идрок этилган саломатлик аҳволи ИИМҲҲПга кўра ҳуқуқларини амалга ошириш учун тўсиқ бўлмаслигини таъминлаши керак. Шунингдек Давлат шахсларни уларнинг саломатлиги аҳволи асосида кенг тарқалган тамғалаш одати муносабатида чоралар кўришлари керак<sup>471</sup>.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг бевосита боғлиқ ҳолларда товарлар ва хизматлар «қонунда ва аслида ҳамма, айниқса аҳолининг заиф ёки маргиналлашган табақалари, тақиқланган асослар бўйича камситишсиз фойдаланадиган бўлиши шарт»<sup>472</sup>. Юқорида зикр этилган тақиқларган камситиш асослари бўйича «ниятида ёки аслда» «соғлиқ ҳуқуқидан баҳраманд бўлиш ёки фойдаланишни бекор қилиш ёки сусайтириш» қонунга хилофдир<sup>473</sup>. ИИМҲҚ соғлиқни сақлаш имкониятлари «ҳатто ресурсларни қаттиқ етишмовчилиги давларида ҳам» бевосита мажбурият сифатида таъминланган бўлиши шарт эканлигини таъкидлади<sup>474</sup>.

Бу «жинсий ва репродуктив саломатлик» ҳолига тааллуқли деб алоҳида Умумий шарҳда айтилади<sup>475</sup>. Умуман айтганда, жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқи қуидаги «эркинлик ва ҳақлар мажмуини» қамраб олади:

*«Кишининг ўз танаси ва жинсий ва репродуктив саломатлигига тегишли масалаларда эркин ва масъулиятли равишда қарор қабул қилиш ва танлаш ҳуқуқи, зўравонлик, мажбурлаш ва камситишдан озод бўлиш. Ҳақлар барчага жинсий ва репродуктив саломатлик ҳуқуқидан Пактнинг 12-моддасига биноан фойдаланишни кафолатлайдиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг боридан, товарлар, хизматлар ва ахборотдан халақитсиз фойдаланишни ўз ичига олади»<sup>476</sup>.*

Инсон ҳуқуқлари борасидаги бошқа шартномларда яққол ва уларни назорат қилиш органларининг шарҳлари орқали соғлиқни сақлаш муассасалари, товарлари ва хизматларидан камситилмай фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини тушунтирилган, жумладан<sup>477</sup> АКБҲК — хотин-қизлар ва гендер озвиликларнинг соғлиқ ҳуқуқи<sup>478</sup>;

<sup>470</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 18–34-бандлар.

<sup>471</sup> Ўша ерда, 33-банд.

<sup>472</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 14-сон, 12(b) банд.

<sup>473</sup> Ўша ерда, 18-банд.

<sup>474</sup> Ўша ерда.

<sup>475</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 22-сон, 5-банд.

<sup>476</sup> Ўша ерда.

<sup>477</sup> Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро конвенция, 6-модда, CCPR/C/GC/35 (2019 й. 3 сентябр).

<sup>478</sup> АКБҲК, Умумий шарҳ 24-сон: Аёллар ва саломатлик (Аёлларга қарши камситишнинг ҳар қандай шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддаси), A/54/38/Rev.1 (1999).

БҲҚ—болалар<sup>479</sup> ва ўсмирларнинг соғлиқ ҳуқуқи<sup>480</sup>; ва НШҲҚ—ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиқ ҳуқуқи мазмунини тушуниради<sup>481</sup>.

## **Ўзбекистонда ҳуқуқий ва амалий муаммолар**

### Репродуктив саломатлик, хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш имкониятлари

2019 йил, 11 марта ўзбекистон Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилди<sup>482</sup>. Қонуннинг бош принциплари репродуктив саломатлик борасида гендер тенгликни, шахснинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оиласвий сир сақлашни ҳимоя қилиш, шахслар репродуктив саломатлиги соҳасида тиббий хизматлар мавжудлиги ва уларнинг сифатини таъминлаш ва фуқароларнинг репродуктив саломатлигини ҳимоялаш учун Давлат кафолатлаган хизматлар мажмуини таъминлаш ҳисобланади<sup>483</sup>.

Репродуктив ҳуқуқларга тегишли Давлат кафолатлари, жумладан, репродуктив саломатликни ҳимоя қилишни ва репродуктив ҳуқуқлардан фойдаланишни, репродуктив саломатликни сақлаш қулайлиги ва изчиллигини, бирламчи тиббий-санитария парваришнинг текинлиги ва шахслар оила саломатлиги борасида камситишсиз, таҳдид ёки зўраволиксиз қарорлар қабул қилишга ҳақли бўлишидан иборат<sup>484</sup>.

Қонун ҳомиладорликни тўхтатиш, жумладан аборт, аёлнинг талаби билан, ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафталигича, ва ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида, ҳомиладорликнинг хоҳлаган пайтида амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутади<sup>485</sup>. Аёл ҳомиладорликга, уни сунъий равишда тўхтатишга ва контрацепцияга мажбур қилиниши мумкин эмас<sup>486</sup>. Қонун қўйидагилардан иборат аёлларнинг репродуктив ҳуқуқларини назарда тутади: ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш; туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усусларидан ва контрацепциядан фойдаланиш; репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш; ва репродуктив саломатлик масалалари юзасидан маҳфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш<sup>487</sup>. Аёл бепуштликдан даволаниш, репродуктив саломатлигини ҳомиладор бўлгунига қадар, ҳомиладорлик даврида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга<sup>488</sup>.

<sup>479</sup> БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БҲҚ), Умумий шарҳ 15-сон: Боланинг эришиб бўладиган энг юкори саломатлик стандартидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи), CRC/C/GC/15 (2013 й. 17 апрел).

<sup>480</sup> БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси (БҲҚ), Умумий шарҳ 20-сон: Ўсмирлик даврида бола ҳуқуқларини бажариш, CRC/C/GC/20 (2016 й. 6 декабр).

<sup>481</sup> Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари борасида маҳсус маърузачи, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, A/73/161 (2018 й. 16 июл).

<sup>482</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун, 2019 й. 11 марта, ЎРҚ-528-сон, <https://lex.uz/ru/docs/4233888>.

<sup>483</sup> Ўша ерда, 3-модда.

<sup>484</sup> Ўша ерда, 6-модда.

<sup>485</sup> Ўша ерда, 18-модда.

<sup>486</sup> Ўша ерда, 11-модда.

<sup>487</sup> Ўша ерда.

<sup>488</sup> Ўша ерда.

Хабарларга кўра, аёлларнинг репродуктив саломатлигига муайян яхшиланишга қарамай, жиддий камчиликлар ҳамон давом этмоқда<sup>489</sup>. Масалан, баъзи қишлоқ жойларда оналар ўлими кўрсаткичи юқорилигича қолмоқда<sup>490</sup>. Бокираликни текшириш билан боғлиқ каби амалиёт ва бокиралик тасдиқланмаган тақдирда шарманда қилиш, аёллар ва қизларнинг саломатликларининг тенг муҳофаза қилиниш ҳуқуқи бузади ва хусусий ҳаётни ҳурмат қилиш ва ғайриинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи муамаладан муҳофаза қилиниш ҳуқуқини бузишни ташкил қилиш мумкин<sup>491</sup>.

Репродуктив ҳуқуқлар тўғрисидаги ихтисослаштирилган қонуннинг қабул қилиниши олға қўйилган аниқ қадам бўлса-да, умуман олганда, репродуктив саломатлик тўғрисидаги ахборот, айниқса вояга етмаганлар орасида, ҳамон ибтидоий даражада қолмоқда, чунки у «миллий қадриятларга» зид деб қабул қилиниши мумкин<sup>492</sup>. АКБҚ «ўқув дастурлар ва дарсликларда аёллар тўғрисида салбий стереотиплар сақланиб келишини ва мактабларда жинсий ва репродуктив саломатлик тўғрисида ёшга мос таълим йўқлигини» тарқид қилди<sup>493</sup>. АКБҚ Ўзбекистонга «гендер стереотипларни бартараф этиш ва жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар тўғрисида ёшга мос таълимни, жумладан ўсмир қизлар ва ўғил болалар учун масъулиятли жинсий хатти-ҳаракатни қабраб олган жинсга тааллуқли таълимни интеграциялаш мақсадида ўқув дастурлари ва дарсликларни қайта кўриб чиқишни” тавсия қилди<sup>494</sup>.

### Ногиронлиги бўлган шахслар

Ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга<sup>495</sup>. Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария ёрдами олиш, уйда парвариш қилиниш, ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали руҳий ҳолати бузилган ногиронлар эса ногиронлар ва қариялар учун мўлжалланган интернат уйларида яшаш ҳуқуқига эга. Ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби ва уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатларида, Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунда<sup>496</sup> ва Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун<sup>497</sup> белгилаб қўйилади. Масалан, Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга кўра, Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдамнинг қуйидаги турлари кўрсатилади: пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар); автомобиллар, ўриндиқли аравачалар,

<sup>489</sup> Ўзбекистонда гендер, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ жойларда ривожланиш, Мамлакатларни гендек жиҳатдан баҳолаш сериялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ташкилоти, Будапешт, 2019 й., Gender, agriculture and rural development in Uzbekistan—Country gender assessment series (fao.org). XII-бет; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ахоли фонди мамлакатлар дастурининг Ўзбекистонга доир ҳужжат, 2020 й. 16 декабр, DP/FPA/CPD/UZB/5, [https://www.unfpa.org/sites/default/files/portal-document/DP.FPA.\\_CPD\\_.UZB\\_.5.\\_-Uzbekistan\\_CPD\\_-\\_FINAL\\_-\\_16Dec20.pdf](https://www.unfpa.org/sites/default/files/portal-document/DP.FPA._CPD_.UZB_.5._-Uzbekistan_CPD_-_FINAL_-_16Dec20.pdf), 8-банд; 7 Facts About Healthcare In Uzbekistan, Healthcare in Uzbekistan: The Former Soviet Nation | The Borgen Project [Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тўғрисида 7 факт, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш: собиқ совет давлати], 2020 й. сентябр.

<sup>490</sup> Ўзбекистонда гендер, қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ жойларда ривожланиш, Мамлакатларни гендек жиҳатдан баҳолаш сериялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ташкилоти, op. cit. XII-бет.

<sup>491</sup> Масалан, янгиликлар портали: Бокираликни текшириш—Ўзбекистонда куёв қариндошлари келинни текшириди, 2020 й. 2 декабр, <https://newsbeezer.com/ukraineeng/check-for-virginity-in-uzbekistan-the-grooms-relatives-checked-the-bride-world-news-unian/>.

<sup>492</sup> ИҲҚ, Ўзбекистоннинг учинчи ва тўртинчи кўшилган даврий ҳисобот борасида якуний шарҳлар, 2013 й. 10 июл, CRC/C/UZB/CO/3-4, 55-банд.

<sup>493</sup> АКБҚ, Бешинчи даврий ҳисоботига якуний шарҳлар, CEDAW/C/UZB/CO/5, 2015 й. 24 ноябр, 23-банд.

<sup>494</sup> Ўша ерда, 24-банд.

<sup>495</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисида қонун, 22-модда.

<sup>496</sup> Ўша ерда.

<sup>497</sup> Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун.

протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилишнинг техник воситалари ва уй хизматлари, транспорт хизматлари; дори воситалари билан таъминлаш<sup>498</sup>.

Ногиронлиги бўлган ИИМ ҳуқуқларига бағишиланган тадбир пайтида<sup>499</sup>. ЮХҚ маҳаллий эксперлардан эшитганича, амалда мавжуд ҳуқуқий асос доим ҳам бажарилмайди. Урғу бериб айтилган бир муаммо ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳамёнбоп бўлмаган дори воситаларнинг олиш имконияти йўқлиги эди. Маълумотларга кўра, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа бинолар ногиронларга мосланмаган (масалан, кириб бўладиган ҳожанхоналар ва қўл ювиш мосламалари) ногиронлиги бўлган шахслар учун соғлик ҳуқуқларидан фойдаланишда қийинчиликлар туғдиради<sup>500</sup>.

Ҳисоботнинг I-бобида айтилгандек, Ўзбекистон 2009 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни имзолаганига қарамай, уни ратификация қилмади. Бундай ратификация ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиқ ҳуқуқлари, шунингдек ушбу ҳуқуқлар бузилган ҳолларда самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларга тегишли қонун ҳужжатлари ва амалиётдни янада яхшилаш учун мустаҳкам замир яратган бўлур эди.

## Одил судлов имконияти

Ички қонун ҳужжатларида соғлик ҳуқуқи борасида ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ҳуқуқ воситалари кўриб чиқилади. Соғлиқ ҳуқуқлари соҳасидаги миллий эксперталар фикрига кўра, ҳуқуқий воситалар фақат ўлим ёки саломатликнинг жиддий шикаст ҳолларида қўлланилади, бунда асосан жиноят ҳуқуқи тартиби қўлланилади.<sup>501</sup> Омбудсманнинг 2020 йил ҳисоботида ҳам соғлиқ ҳуқуқининг бузилишлар тўғрисида баъзи шикоятлар акс эттирилган<sup>502</sup>. Бироқ, ички қонун ҳужжатлари соғлиқ ҳуқуқи назарда тутилган воситаларининг самарадорлигини баҳолаш учун очик маълумотлар мавжуд эмас.

Миллий қонун ҳужжатларида соғлиқ ҳуқуқи борасида ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ҳуқуқ воситалари кўриб чиқилади. Соғлиқ ҳуқуқлари соҳасидаги миллий эксперталар фикрига кўра, ҳуқуқий воситалар фақат ўлим ёки саломатликнинг жиддий шикаст ҳолларида қўлланилади, бунда асосан жиноят ҳуқуқи тартиби қўлланилади.<sup>501</sup> Омбудсманнинг 2020 йил ҳисоботида ҳам соғлиқ ҳуқуқининг бузилишлар тўғрисида баъзи шикоятлар акс эттирилган<sup>502</sup>. Бироқ, ички қонун ҳужжатлари соғлиқ ҳуқуқи назарда тутилган воситаларининг самарадорлигини баҳолаш учун очик маълумотлар мавжуд эмас.

<sup>498</sup> Ўша ерда, 36-модда.

<sup>499</sup> Ўзбекистон: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий (ИИМ) ҳуқуқлар ва стандартлар бўйича эксперталар мұҳокамаси, 2019 й., <https://www.icj.org/uzbekistan-expert-discussions-on-economic-social-and-cultural-rights-esc-rights-and-standards/>.

<sup>500</sup> William Seitz, Eldor Tulyakov, Obid Khakimov, Avralt-Od Purejav, Sevilya Muradova, Dynamically Identifying Community-level COVID-19 Impact Risks [COVID-19 таъсири хатарини жамоалар даражасида динамик тарзда аниқлаш], *op. cit.* 7-бет; Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар аҳволининг вазияти таҳлили, БМТ (БМТД, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНИСЕФ ва ЖССТ Ўзбекистонда), <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3576/file/Snapshots%20PwD%20SitAn.pdf>. 13-бет: «...ногиронлиги бўлган фойдаланувчилар касалхоналар... каби мұхим жамоат жойларига килиш учун қўлайлик етарлича эмаслигини...»; 16-бет: «Тиббий моделда соғлиқни сақлаш хизматлари фойдаланиш учун қулайлиги ва сифати таъминланган, деб даъво қиласди. Бироқ, тадқиқот ногиронлиги бўлган турткишидан бири талаб қилинган соғлиқни сақлаш парваришини олмаганинги айтди, ваҳоланки ногиронлиги бўлмаган кишилар орасида бу кўрсаткич ўн кишидан бирида. Ногиронлиги бўлган кишилар буюрилган дориларни ололмаслигининг эҳтимоли қарийб З баробар юқори. Гарчи имтиёзлар ва нафақалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўра соғлиқни сақлаш хизматлари ногиронлиги бўлган кишилар учун барча даражаларида текин ҳисобланса ҳам, ногиронлиги бўлган кишиларда текширувлар/диагностика, шифокорлар хизматлари, дори воситалари ва транспортга етарли маблағлари йўқлиги соғлиқ хизматларига тўсиклар яратади».

<sup>501</sup> ЮХКнинг Ўзбекистонга миссияси, *op. cit.*

<sup>502</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), 2020, 34-б.

<sup>503</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисида қонун, 24-модда.

Ички қонунларга кўра, беморларнинг соғлиғига ва ҳаётига, жумладан тиббий ва фармацевтика ходимларининг сифатсиз хизматлари туфайли зарар етказилган ҳолларда, айборлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт<sup>504</sup>. Қонунга хилоф ҳаракатларидан жабр кўрган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун сарфланган маблағлар уларнинг саломатлигига шикаст етказган шахслар ва юридик шахслар томонидан қопланади. Компенсация тиббий ва фармацевтика ходимларини қонунда назарда тутилган интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод қилмайди<sup>505</sup>. Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунга биноан, шифокорлар ҳам ўзларининг қасамёдини бузгани ва тиббий сир сақлашга риоя этмаганлиги учун жавобгарликга тортилиши мумкин<sup>506</sup>.

Фуқаролик қодексига кўра, соғлиқ ҳуқуқининг бузилиши муносабати билан<sup>507</sup>, компенсация жабрланган олган ёки олиши мумкин бўлган қўлдан чиқсан ҳақни (даромад, маош)ри, шунингдек саломатликга етказилган зарар туфайли қилинган қўшимча харажатларни, жумладан, агар жабрланувчи даволаш учун, қўшимча озиқ-овқат, дори воситаларини сотиб олиш, протезлар, маҳсус транспорт воситаларни харид қилиш, бошқа касбга ўқитишга муҳтоҷ эканлиги аниқланса ва у мазкурларни текин олишга ҳақли бўлмаса, мазкур тур ёрдам ва парвариш харатлардан ташкил топади.

Суддан ташқари воситаларга қелганда, хусусан Омбудсманнинг 2020 йил ҳисботи соғлиқ ҳуқуқини муҳофаза қилиш борасида чекланган кўламда маълумотни очиб беради ва ушбу ҳуқуқ муносабати билан одил судовга мурожаат этишга кўмаклашишда унинг ролини ёритади<sup>508</sup>. Ҳисботга кўра, Омбудсман тиббий хизматларнинг сифати пастлиги ва тиббий хизматлар оқибатида жабрланувчиларнинг саломатлиги ва ҳаётига етказилган зарар ва ушбу бузишларни қоплаш воситаларининг самарасизлиги тўғрисида шикоятлар олган<sup>509</sup>.

## Хулосалар

Гарчи соғлиқ ҳуқуқининг турли жиҳатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос нисбатан яхши ишлаб чиқилган бўлса-да, Ўзбекистонда амалда соғлиқни сақлаш хизматларининг мавжудлиги, қулайлиги ва сифатига боғлиқ, расмий даражада тан олинган жиддий муаммолар бор. Янги қонун қабул қилинганлигига қарамай, амалда репродуктив саломатлик ва аёлларнинг репродуктив соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш ҳамон соғлиқ ҳуқуқи ва камситишдан ҳимоя маъносида муаммолигича қоляпти. COVID пандемияси юзага келтирган муаммолар ҳам Давлат Конституцияда таъминланган соғлиқ ҳуқуқини кафолатлаш борасида навбатдаги чораларни кўриш кераклини кўрсатди. Ушбу муаммоларни ҳам ҳукумат, ҳам судлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқи бўйича мажбуриятлари, жумладан ИИМҲХП, БҲК ва АҚБҲК, шунингдек Давлат мумкин қадар тезда ратификация қилиши керак бўлган CPRD нуқтаи назаридан кўриб чиқиши керак.

<sup>504</sup> Ўша ерда, 46-модда.

<sup>505</sup> Ўша ерда; Жиноят кодекси, 116-модда.

<sup>506</sup> Соғлиқни сақлаш тўғрисида қонун, 44–45-моддалар.

<sup>507</sup> Фуқаролик қодекси, 1005–1016-моддалар.

<sup>508</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисботи, *op. cit.*

<sup>509</sup> Ўша ерда, 34-бет: «Соғлиқ ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқи: 2019 йилда Омбудсман фуқаролар сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқига доир 352 ариза қабул қилди (2018 йилда—312 ариза). Аризаларда баъзи тиббиёт ходимлари нотўғри ташхис қўяди, деб айтилани, хатолар жиддий соғлиқ муаммоларига, бола ўлимига (Косон тумани туғруқ комплексида), бюджет маблағларини сўйиистеъмол қилиш ва аниқланмаган миқдорда тиббий маълумотномаларни пул эвазига беришга олиб борди».

## **IV-боб. Мехнат қилиш ҳуқуқи ва иш жойидаги ҳуқуқлар**

---

Ушбу бобда инсон ҳуқуқлари ҳалқаро ҳуқуқда мұхофаза қилинған мехнат қилиш ҳуқуқи ва иш жойидаги ҳуқуқлар күриб чиқылади. Бунда ҳалқаро ҳуқуқий асos баён этилиб, Ўзбекистоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ва иш жойидаги ҳуқуқлар соҳаси, Ўзбекистонда маҳсус ишлаб чиқылган қонун соҳасидаги қонун ҳужжатларининг асосий муаммолари мұхоммада этилади.

### **Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар**

Мехнат қилиш ҳуқуқи БМТнинг инсон ҳуқуқлари бүйича шартномалари ва Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) ҳужжатлари<sup>510</sup> билан мұхофаза этилади. Ушбу ҳуқуқлар ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқини, ҳам иш жойидаги ҳуқуқларни ўз ичига олади ва баъзан «меҳнат ҳуқуқлари» деб юритилади.

ИИМҲҲПнинг 6-моддаси «рўзғорни тебратиш»га имконият бўлиши учун «эркин танланган» ишда меҳнат қилиш ҳуқуқини мұхофаза қиласи. ИИМҲҲПнинг 7-моддаси «адолатли ва қулай иш шароитидан баҳраманд бўлиш» ҳуқуқини кафолатлайди, жумладан, мисол учун, ишчилар ва уларнинг оиласирига «қониқарли бўлган турмуш»ни таъминлайдиган адолатли ва teng ҳақ тўланишини. ИИМҲҲПнинг 8-моддаси «ҳар бир инсоннинг ўз ихтиёри билан касаба уюшмага аъзо бўлиш» ва иш ташлашга ҳуқуқини таъминлайди. Шунингдек у касаба уюшмалар федерациясини тузиш ҳуқуқини ва касаба уюшмаларнинг мустақиллигини белгилайди.

ИИМҲҚ ИИМҲҲПнинг 6–8-моддаларида мажбурий меҳнат ва қуллик очиқ равишда қонунга хилоф деб белгиланганлигини тасдиқлади. ФСҲҲПнинг 8-моддасида ҳам қуллик, эркисизлик ва мажбурий ёки эркисиз ҳолатдаги меҳнат тақиқланади. Бошқа икки шартнома қуллик ва шунга ўхшаш амалиётни қонунга хилоф, деб белгилайди ва ундан мұхофаза қиласи<sup>511</sup>. Мажбурий меҳнат<sup>512</sup> ва болалар меҳнати<sup>513</sup> тўғрисида ХМТнинг маҳсус шартномалари бор.

Мехнат қилиш ҳуқуқи шунчаки иш ўрнига эга бўлиш ҳуқуқи эмас, балки бандлик имкониятларидан фойдаланиш ва бандликнинг адолатли ва қулай шароитларига бўлган ҳуқуқ ҳисобланади. ИИМҲҚ аниқ ифода этгандек: «Конвенциянинг 6-моддасига биноан таърифланган меҳнат муносиб иш бўлиши лозим»<sup>514</sup>.

Мехнат қилиш ҳуқуқи маъносида талаб қилинған стандартларга мос бўлиш учун Давлатлар меҳнат қўйидагича бўлиши таъминлашлари шарт:

<sup>510</sup> ИИМҲҲП, 6–8-моддалар; Кўринг шунингдек, Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, 1948 й. (87-сон); Бирлашиб эркинлиги ва жамоавий шартнома ҳақида Конвенция, 1949 й. (98-сон); Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияси, 1930 й. (29-сон) (ва унинг 2014 й. Протоколи); Мажбурий меҳнатни йўқотиш тўғрисида Конвенция, 1957 й. (105-сон); Ишга олишда минимал ёш ҳақида конвенция, 1973 й. (138-сон); Болалар меҳнатини энг ёмон формаларини тақиқлаш ва зудлик билан чоралар кўриш ҳақида Конвенция, 1999 й. (182-сон); Бажарилган Мехнат учун бир хил маош тўлови ҳақида конвенция, 1951 й. (100-сон); Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенция, 1958 й. (111-сон).

<sup>511</sup> Қуллар савдоси ва қулликни тақиқлаш тўғрисида конвенция (1926 й.); Қулликни тақиқлаш тўғрисида кўшимча конвенция (1956 й.).

<sup>512</sup> Шунингдек кўринг: ХМТ конвенциялари: Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция, 1930 й. (29-сон); Мажбурий меҳнатни йўқотиш тўғрисидаги конвенция, 1957 й. (105-сон).

<sup>513</sup> Шунингдек кўринг: ХМТ конвенциялари: Ишга олишда минимал ёш ҳақида конвенция, 1973 й. (138-сон); Болалар меҳнатини энг ёмон формаларини тақиқлаш ва зудлик билан чоралар кўриш ҳақида Конвенция, 1999 й. (182-сон).

<sup>514</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 18-сон, 7-банд.

- **Мавжудлик:** Давлатлар «кишиларга мавжуд иш ўринларини аниқлаш ва то-пишда имконият яратиш учун уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ихтисослашган хизмат» мавжудлигини таъминлаши шарт<sup>515</sup>. Бу ёш шахслар учун меҳнат имкониятлардан фойдаланишни кенгайтириш борасида алоҳида ҳаракатни талаб қиласди<sup>516</sup>.
- **Қулайлик:** қулай бўлиши учун иш камситишсиз мавжуд бўлиши ва ҳам жисмоний, ҳам ахборот қулайлик таъминланиши шарт:
  - ❖ **Камситишсиз қулайлик:** Хоҳлаган турдаги камситиш «бандлик қулайлиги ва уни сақлаш»нинг иккаласида тақиқланган<sup>517</sup>. ИИМҲҚ «қонун ҳужжатларини қабул қилиш, янгилаш ёки бекор қилишни» ва «камситишни тугатишга» қаратилган «ахборот тарқатиш»ни талаб қиласди, деб таъкидлайди<sup>518</sup>. Шунингдек у меҳнат шароитларда ва меҳнатга ҳақ тўлашда камситмасликни талаб қиласди<sup>519</sup>.
  - ❖ **Жисмоний қулайлик:** Бу «умумий интеграция йўлидаги сунъий тўсиқларни», жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига тўсиқлар ва жисмоний қийинчиликларни бартараф этишини талаб қиласди<sup>520</sup>. Шундай бўлиши учун иш жойларида «ногиронлиги бўлган ходимларнинг эҳтиёжларини қондирадиган қайишувчан ва муқобил иш тартиби» таъминланган бўлиши шарт<sup>521</sup>. Монанд уй-жой ҳуқуқининг «жойлашув» унсури билан бирга олинганда<sup>522</sup>, бу жисмоний қулайликни таъминлаш учун етарли даражажа яқин яашни талаб қилиши мумкин.
  - ❖ **Ахборот қулайлиги:** бу Давлатлар «маҳаллий, минтақавий, миллий ва халқаро даражалардаги бандлик бозори тўғрисида маълумот тармоғини яратиш» орқали «бандлик имкониятларига эга бўлиш воситалари тўғрисида ахборотни қидириш, олиш ва узатиш»ни таъминлашини қамраб олади<sup>523</sup>. Шунингдек, меҳнат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлиб, «қулай форматларда» яратилиши керак ва у энг кам иш ҳақи, иш жойидаги гигиена, саломатлик ва хавфсизлик тўғрисидаги ахборотни ва ишчилар сўз, уюшма, йиғилиш ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш эркинлигидан фойдаланиш учун зарур бўлган ахборотни қамраб олади<sup>524</sup>.
- **Мақбуллик ва сифат:** Бунда меҳнат учун адолатли ва қулай шароит таъминланиши тушунилади ва тафсилотлар ИИМҲҚ 23-сонли Умумий шарҳида берилган<sup>525</sup>. Мақбул ва етарлича сифат бўлиш учун қўйидагилар таъминлаши лозим:

<sup>515</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 12(а) банд.

<sup>516</sup> Ўша ерда, 23-банд.

<sup>517</sup> Ўша ерда, 12(b)(i) банд.

<sup>518</sup> Ўша ерда.

<sup>519</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 23-сон (2016 й), меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитларга ҳуқуқ тўғрисида (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддаси), 2016 й. 7 апрел, Е/C.12/GC/23, <https://www.refworld.org/docid/5550a0b14.html>, 53- ва 65(a) бандлар.

<sup>520</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 5-сон: Ногиронлиги бўлган шахслар, 1994 й. 9 декабр, Е/1995/22, <https://www.refworld.org/docid/4538838f0.html>, Умумий шарҳ 20-сонда 22-бандга ҳавола қилинган, 12(b)(ii) банд.

<sup>521</sup> НҲҚ (Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция)нинг 27-моддасида «ногиронлиги бўлган шахслар учун очик, инклузив ва ишлаш имкони мавжуд» ишлаб чиқариши мухити мавжуд бўлиши ҳамда улар «оқилона мослаштирилган иш жойи» билан таъминланиши кўзда тутилган.

<sup>522</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 4-сон: Етарлича уй-жой ҳуқуқи (Пактнинг 11(1) моддаси), 1991 й. 13 декабр, Е/1992/23, <https://www.refworld.org/docid/47a7079a1.html>, 8(f) бандида «уй-жой бандлик имкониятларини берувчи ерда бўлиши кераклиги» таъкидланади, чунки «иш жойига бориб-келиш ҳаражатлари ночор хўжаликнинг бюджетига ортиқча оғирлик тушириши мумкин».

<sup>523</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 20-сон, 12(b)(iii) банд.

<sup>524</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 23-сон, 24-, 30-, 49-бандлар.

<sup>525</sup> Ўша ерда.

- ❖ *Тўланадиган ҳақ:* нақд тўлов ва бошқа нафақалардан иборат ҳақ ишчилар ва оиласларининг муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли, камситмайдиган иш ҳақини қамраб олади<sup>526</sup>.
- ❖ *Хавфсиз ва соғлом:* хавфсиз ва соғлом ва касбий касалликлар жароҳатларнинг олди олинган меҳнат шароити. Бу «меҳнатнинг моддий элементларини лойиҳалаштириш, синаш, танлаш, алмаштириш, ўрнатиш, қўллаш ва эксплуатация қилиш»ни<sup>527</sup> кўриб чиқадиган, кузатадиган ва такомиллаштирадига сиёсатларни талаб қилади.
- ❖ *Мансабда кўратилиш имконияти:* камситишсиз ёки тааллуқли бўлмаган мезонларни жалб қилмай мансабда кўтарилиш имконияти яратилган бўлиши шарт<sup>528</sup>.
- ❖ *Дам олиш ва бўш вақт:* қонунлар, сиёсат ва низомлар дам олиш ва бўш вақт, жумладан кундалик ва ҳафталиқ дам олиш вақти, иш соатларни чегаралаш, даврий ҳақ тўланадиган таътил ва (касаллик сабабли, зўриқиши, оиласи масъулият ва оналиқ/оталик каби) таътилнинг бошқа шакллари<sup>529</sup>.

## Миллий ҳуқуқий асос, сиёсат ва амалиёт

### Умумий ҳуқуқий асос

Меҳнат ҳуқуқи Ўзбекистонда минимал мажбурий стандартларни, жумладан меҳнат қилиш ва иш жойидаги ҳуқуқларни белгилаган Меҳнат кодексида<sup>530</sup> кодификация қилинган<sup>531</sup>. Жумладан улар дам олиш, бўш вақт, иш соатлари, ҳақ тўланадиган таътил ва давлат байрамларини ўз ичига олади<sup>532</sup>.

Ўзбекистонда меҳнат қилиш ҳуқуқи Конституцияда таъминланган. Конституция 37-моддаси қўйидагича белгилайди:

*«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади»*<sup>533</sup>. Конституциянинг 38-моддасига кўра, «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади». Бироқ, меҳнат қонунлари ва жамой келишувлари, шунингдек шахсий меҳнат шартномалари қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари белгиланиши мумкин<sup>534</sup>. Меҳнат ҳақида ги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас<sup>535</sup>.

<sup>526</sup> Ўша ерда, 7–24-банлар.

<sup>527</sup> Ўша ерда, 27-банд.

<sup>528</sup> Ўша ерда, 31–33-банлар.

<sup>529</sup> Ўша ерда, 34–46-банлар.

<sup>530</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 1995 й. 21 декабр, <https://lex.uz/docs/145261>.

<sup>531</sup> Ўша ерда, 4-модда.

<sup>532</sup> Ўша ерда, 16-модда.

<sup>533</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 37-модда.

<sup>534</sup> Меҳнат кодекси, 4-модда.

<sup>535</sup> Ўша ерда.

Меҳнат ҳуқуқидаги кафолатлар ҳам давлат, ҳам хусусий секторларга тааллуқли<sup>536</sup>. Меҳнат кодексига кўра, ушбу кафолатлар меҳнат шартномаси асосида ёлланган ҳамма шахсларга иш берувчининг тури ва шаклидан қатъи назар қўлланилади<sup>537</sup>. Бундан ташқари, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун меҳнатни муҳофаза қилиш борасида саломатлик ва меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоясини таъминлаш мақсадида иш берувчининг мулкий шаклидан қатъи назар бир хил қоидаларни белгилайди<sup>538</sup>.

Муҳимки, Ўзбекистон қонунида меҳнат ҳуқуқи масалаларини ҳал этишда ҳалқаро ҳуқуқ қўлланилади, деб белгиланади. Миллий ҳуқуқий тизимда ҳалқаро ҳуқуқнинг устунлигини умуман белгиланишидан ташқари<sup>539</sup>, меҳнат ҳуқуқида ҳалқаро ҳуқуқнинг устунлиги таъкидлаб тан олинади:

«Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ёки Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларининг ёки Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади»<sup>540</sup>.

## Камситмаслик

Меҳнат қонунчилиги, камситилмасликнинг умумий кафолатларидан ташқари, камситилмаслик тўғрисидаги қоидаларни ҳам назарда тутади<sup>541</sup>. Меҳнат кодексига биноан, барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир<sup>542</sup>. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади<sup>543</sup>.

Меҳнат кодекси «Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлаш камситиш деб ҳисобланмайди», деб белгилайди.

## Иш жойида аёлларга нисбатан камситиши

Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисидаги қонунда камситилмасликнинг умумий кафолатлари, шунингдек, меҳнат ҳуқуқига нисбатан гендер тенглиги таъминланган<sup>544</sup>. Шунга қарамай, амалда

<sup>536</sup> Ўша ерда, 1-модда.

<sup>537</sup> Ўша ерда.

<sup>538</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонуни, Муқаддима ва 4-, 6-моддалар, 1993 й. май, 839-XII-сон, <https://lex.uz/docs/97243>.

<sup>539</sup> Кўринг I-боб.

<sup>540</sup> Меҳнат кодекси, 10-модда.

<sup>541</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда.

<sup>542</sup> Меҳнат кодекси, 6-модда.

<sup>543</sup> Ўша ерда.

<sup>544</sup> Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Конун, ЎРҚ-562-сон, 21-модда.

мөхнат ҳуқуқига нисбатан гендер тенгсизлиги көнглигича қолмоқда<sup>545</sup>. Иш ҳақи бүйича доимий гендер тафовут мавжуд бўлиб аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2019 йилда эркакларнига нисбатан 36,2 фоизга кам бўлган<sup>546</sup>. Бундан ташқари, хабарларга кўра, мөхнатга лаёқатли аёлларнинг 33 фоизга яқини, мөхнатга лаёқатли эркакларнинг уч фоизига нисбатан, асосий фаолият сифатида ҳақ тўланмайдиган иш билан шуғулланади<sup>547</sup>. Хотин-қизларнинг иш билан таъминлашидаги асосий тўсиқ аёлларнинг ишига нисбатан анъанавий қарашлар билан боғлиқлигини кўрсатадиган муҳим далиллар мавжуд<sup>548</sup>.

Иш жойидаги жинсий зўравонлик Ўзбекистон қонунчилигига белгиланган ва тақиқланган. Ўзбекистондаги ҳуқуқшунос мутахассислар доимий равишда иш жойидаги таъқиб, шу жумладан жинсий зўравонлик ва жинс ва гендер белгиси бўйича камситишнинг бошқа турлари мунтазам равишда рўй бериб туриши тўғрисида фикрларини билдирган бўлсалар-да, бу ишлар умуман суд йўли билан ҳал қилинмаган<sup>549</sup>. Яқинда қонунчилик чоралари кўрилиб<sup>550</sup>, иш жойидаги жинсий тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш «тўғридан-тўғри камситиш»нинг таркибий қисми сифатида қонунда мустаҳкамланди<sup>551</sup>. Яқинда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун иш жойларида аёлларнинг ҳуқуқларини тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш кафолатларини белгилади<sup>552</sup>. Қонунда тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланганлар учун ишонч телефонларини ташкил этиш ва уларнинг ишлаш тартиби ҳам кўзда тутилган<sup>553</sup>.

Иш берувчиларга ҳомиладорлик ёки фарзанд кўриш сабабли аёлларни ёллашни рад этиш ёки иш ҳақини камайтириш тақиқланади<sup>554</sup>. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган фарзанди бўлган аёлни ишга қабул қилишдан бош тортган тақдирда, иш берувчи уни ёллашдан бош тортиш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолларда, аёл ишга ёллашни рад этиш тўғрисида судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидир<sup>555</sup>.

Мөхнат кодексига асосан (225-модда), мөхнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар мөхнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги

<sup>545</sup> Ўзбекистонда аёллар ва мөхнат тўғрисида ҳисобот: Гендер тенглиги ва ҳамма учун муносиб мөхнат сари, Халқаро мөхнат ташкилоти, 2020 й., [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_758049/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_758049/lang--en/index.htm); МДҲ мамлакатларида гендер ва ёшларни иш билан таъминлаш, Халқаро мөхнат ташкилоти, 2020 й., [https://www.ilo.org/wcms5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms\\_764206.pdf](https://www.ilo.org/wcms5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms_764206.pdf). 9-бет.

<sup>546</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти, Ўзбекистоннинг гендер статистики, Эркаклар ва аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўртасидаги фарқнинг эркаклар ўртача ойлик иш ҳақига нисбати, 2020 й., <https://gender.stat.uz/en/i-group-en/942-the-percentage-of-the-difference-between-the-average-monthly-wages-of-men-and-women-to-the-average-monthly-wages-of-men>.

<sup>547</sup> XMT «Ўзбекистонда хотин-қизлар ва мөхнат: гендер тенглиги ва ҳамма учун муносиб мөхнат сари» мавзусида маъруза қилди, 2020 й. 8 октябр, [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_758049/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_758049/lang--en/index.htm).

<sup>548</sup> МДҲ мамлакатларида гендер ва ёшларни иш билан таъминлаш, Халқаро мөхнат ташкилоти, 2020 й., [https://www.ilo.org/wcms5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms\\_764206.pdf](https://www.ilo.org/wcms5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms_764206.pdf). 6-бет: Яқинда ўтказилган Gallup—XMT сўрови (Gallup—XMT, 2017), Ўзбекистонда эркакларнинг атиги 63 фоизи, агар хоҳласа, аёлларнинг ўйдан ташқарида ишлашини мақбул деб билади. Мамлакатдаги аёлларнинг атиги 72 фоизи аёлларнинг ўйдан ташқарида ишлашини мақбул деб билишади.

<sup>549</sup> Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистоннинг олтинчи даврий ҳисоботи, CEDAW/C/UZB/6, 84–89-бандлар. Ҳисобот 2019 й. иш жойларида камситишнинг 7-та ҳолатини ва 2020 й. 8-та ҳолатни қамраб олади. Қайси хабар қилинган ҳолатларнинг мөхнат ҳуқуқлари билан боғлиқлигини аниқлаш учун кўшимча маълумот берилмаган.

<sup>550</sup> «Аёлларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун.

<sup>551</sup> Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3-банд.

<sup>552</sup> Аёлларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3-, 9- ва 18-бандлар.

<sup>553</sup> Ўша ерда, 18-модда.

<sup>554</sup> Мөхнат кодекси, 224-модда.

<sup>555</sup> Ўша ерда.

баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва майший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир<sup>556</sup>. Аёлларнинг маълум нормадан ортиқ юкни қўтаришлари ва ташишлари ман этилади<sup>557</sup>. Ушбу қонунлар бир қарашда ҳимоя қилиш мақсадида бўлиши мумкин бўлса-да, бу ёндашув камситувчи ва аёлларнинг роллари ва имкониятлари тўғрисидаги стереотипик тушунчаларнинг қолдиғи. Масалан, жинсга асосланган муайян иш турларини тақиқлаш АҚБ Қўмитаси томонидан Медведева Россияга қарши ишида камситувчи деб топилган. Бу ишда Россия Федерациясининг аёллар учун тақиқланган касблар рўйхатининг қонунийлиги шубҳа остига олинган<sup>558</sup>. Қўмита шундай таъкидлади:

«[...] иштирокчи давлатдан аёлларнинг маълум бир соҳаларда иш билан таъминланишига тўқинлик қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишни иш берувчилар ихтиёрида қолдириш ўрнига, эркаклар ва аёлларнинг репродуктив функцияларини ҳимоя қилиш ва барча соҳаларда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш учун тенг ҳимоя чораларини кўриш талаб қилинади. Иштирокчи давлат юқоридаги ёндашувдан четга чиқмоқчи бўлганда, у оналик/ҳомиладорликни ёки бошқа жинсга боғлиқ омилларни ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида кучли тиббий ва ижтимоий далилларга эга бўлиши керак. Қўмита 456-та касб ва 38-та саноат тармоғининг рўйхатини қабул қилиш иштирокчи давлатнинг Конвенциядаги мажбуриятларига зид деб ҳисоблайди, чунки у эркаклар ва аёлларга нисбатан ҳар хил муносабат белгиси, бу ҳеч қандай тарзда аёлларнинг иш билан таъминланишига ёрдам бермайди ва бу камситувчи стереотипларга асосланади»<sup>559</sup>.

АҚБ Қўмитаси 2015 йилги Ўзбекистон бўйича Якуний кузатувларида, «ҳаддан ташқари ҳимоя бўлиб кўринадиган аёллар учун тақиқланган касблар рўйхати, аёлларнинг оналик ролини ҳаддан ташқари таъкидлаб, аёлларнинг иш вақтига, иш вақтидан ташқари ва тунги ишларига ортиқча чекловлар қўяди ва шу билан уларнинг иқтисодий имкониятларини бир нечта соҳаларда чеклайди» деб хавотир билдириди<sup>560</sup>. АҚБ Қўмитаси Ўзбекистонга «аёллар учун тақиқланган касблар ва соҳалар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, бундай таъқиқ қатъиян оналикни муҳофаза қилиш учун зарурлигини ва амалга оширилаётган қонуний мақсадга мутаносиблигини таъминлашни, ҳамда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлигини яхшилаш орқали аёлларнинг илгари тақиқланган касбларга кишини осонлаштиришни» тавсия қилди<sup>561</sup>.

Президентнинг 2019 йил 7 марта «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида аёлларнинг меҳнатидан муайян соҳаларда ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқни бекор қилиш ва аёллар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тавсия этилган соҳаларлар ёки касбларнинг янги рўйхатини тасдиқлаш кўзда тутилган<sup>562</sup>. Бироқ, ушбу тақиқларни белгилайдиган Меҳнат кодексининг 225-моддаси ҳанузгача амал қилади. 2020 йилги

<sup>556</sup> Меҳнат кодекси, 225-модда.

<sup>557</sup> Ўша ерда, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши ва иш берувчилар вакиллари билан келишган ҳолда, меҳнат шароитлари ноқулай бўлган касблар рўйхатини тасдиқлайди ва аёллар кўтарадиган юкларнинг чегаралари.

<sup>558</sup> Medvedeva v Russia, Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш бўйича Қўмитасининг 60/2013-сонли Хабари, 2016 й. 21 марта мулҳазалар, CEDAW/C/63/D/60/2013.

<sup>559</sup> Ўша ерда, 11.7-банд.

<sup>560</sup> АКБҚ, Ўзбекистон бўйича Якуний кузатувлар, 2015 й. 25-банд.

<sup>561</sup> Ўша ерда, 26-банд.

<sup>562</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 й. 7 марта ПҚ-4235-сонли «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

инсон ҳуқуқлари стратегиясининг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар режасида ушбу моддани бекор қилиб, баъзи соҳаларда ёки касбларда аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқини бекор қилиш кўзда тутилган<sup>563</sup>.

## **Ногиронлиги бўлган шахслар**

Конституцияда<sup>564</sup> белгиланган баъзи кафолатлардан ташқари, Меҳнат кодекси<sup>565</sup>, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунда<sup>566</sup> хам ногиронлик бўйича камситиш тақиқланган. Хусусан, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ:

*«Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг обьектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишини рад этиш тақиқланади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун имкониятлар тенглигини таъминлашга ҳамда уларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этишга қаратилган маҳсус чоралар бошқа фуқароларга нисбатан камситувчи чоралар ҳисобланмайди»<sup>567</sup>.*

Қонунга мувофиқ, ногиронлиги бўлган киши «одатдаги меҳнат шароитларига эга ташкилотларда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи ихтинослаштирилган корхоналарда, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақли»<sup>568</sup>. Ногиронлиги бўлган шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ва таътилларда бўлиши даврида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ташкилот тўлиқ тугатилган ҳоллар мустасно<sup>569</sup>.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тунги вақтда ишга, шунингдек ишдан ташқари вақтдаги ишларга ва дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Айрим турдаги ногиронлиги бўлган ишловчи шахсларга нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори камайтирилмаган ҳолда қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланади ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади<sup>570</sup>.

Қонун ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларни

- касбий реабилитация қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мос келадиган ишга киришини, сақлаб қолинишини ва ишда лавозим бўйича кўтарилишини;
- ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш<sup>571</sup>

орқали иш билан таъминлаш бўйича қўшимча давлат кўмаги кўзда тутилган.

<sup>563</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси, *op. cit.*

<sup>564</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 45-модда: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир».

<sup>565</sup> Меҳнат кодекси, 6-модда.

<sup>566</sup> Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида Қонун, 6- ва 23-25-моддалар.

<sup>567</sup> Ўша ерда, 3-модда.

<sup>568</sup> Ўша ерда, 42-модда.

<sup>569</sup> Ўша ерда.

<sup>570</sup> Ўша ерда.

<sup>571</sup> Ўша ерда, 43-модда.

Бироқ, амалда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд. Уларнинг бандлик даражаси ҳали ҳам паст. Давлатнинг, хусусан, ижтимоий инфратузилма обьектларини ногиронлар учун қулай қилиб қўймаслиги, шунингдек, уларга тегишли таълим ва ўқитиш имкониятлари билан боғлиқ муаммолар ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.<sup>572</sup>

## Мажбурий меҳнат

### Халқаро ҳуқуқ ва стандартлар

Халқаро инсон ҳуқуқлари қонунчилигига кўра, қуллик ва мажбурий меҳнат ҳам конвенциялар<sup>573</sup>, ҳам ФСҲҲП<sup>574</sup> ва ИИМҲҲП<sup>575</sup> каби умумий битимлар билан тақиқланади. ИИМҲҲПнинг изоҳига кўра, ИИМҲҲПнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш «эркин равишда ишни қабул қилиш ёки танлаш» ҳуқуқини ўз ичига олади, ва бу «ҳеч қандай тарзда иш билан шуғулланишга мажбур қилинмасликни англаатади»<sup>576</sup>.

Болаларнинг мажбурий ёки бошқа эксплуатацион ёки заарли меҳнати Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ тақиқланади (БҲК)<sup>577</sup>. БҲКнинг 32.1-моддаси: «боланинг иқтисодий эксплуатациядан ва хавфли ёки боланинг таълимига халақит берадиган ҳар қандай ишни бажаришдан ёки боланинг соғлиғига ёки жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ёки ижтимоий ривожланишига зарар етказадиган ҳар қандай ишни бажаришдан ҳимояланиш ҳуқуқини» тан олади. 32.2-моддага биноан, давлатлар бундай меҳнатдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, энг кам меҳнат ёшини белгилаш ва Конвенцияга зид равишда болалар меҳнатидан фойдаланганлик учун санкцияларни тегишли тартибга солиш ва ижро этиш йўли билан «қонунчилик, маъмурий, ижтимоий ва таълим чораларини» кўришлари керак. Иш жойида болаларни эксплуатациялашга қарши самарали текширув ва мажбурий ижро тизимлари жорий этилиши керак ва давлатлар ушбу эксплуатация қурбонлари бўлган болаларни жисмоний ва руҳий тикланиши ва реинтеграцияси учун чоралар кўришлари керак<sup>578</sup>.

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция «зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» га қўйидагича таъриф беради: «ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазо таҳди迪 остида олинадиган ва ушбу шахс ўзини ихтиёрий равишда таклиф қилмаган барча

<sup>572</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари: Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлиги ҳолати тўғрисида маълумот, Ҳисобот, 2020 й., op. cit. 40–41-бетлар; Ўзбекистон ногиронлар асоциацияси (ЎНА), Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилиши тўғрисидаги Муқобил Ҳисобот, 2020 й., [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT/CESCR/ICO/UZB/41239&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=INT/CESCR/ICO/UZB/41239&Lang=en). 4–6-бетлар.

<sup>573</sup> Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция, 1930 й. (29-сон); Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги конвенция, 1957 й. (105-сон); Қуллик тўғрисидаги конвенция, 1926 й.; БМТнинг Қулликни бекор қилиш қул савдоси ва қулликка ўхшашиб институтлар ва амалиётлар тўғрисидаги кўшимча конвенцияси, 1956 й.; 2006 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, қисқача бўлса ҳам, худди шуни 27(2) моддасида тақдим этади: «2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларни қулликда ушлаб турilmасликларини ва бошқалар билан тенг равишда зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилинишини таъминлайди»; 1990 йilda қабул қилинган БМТнинг Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияси 11-моддасида қуллик ва мажбурий меҳнатни аниқ тақиқлайди: 1. Хеч қандай меҳнат муҳожири ёки унинг оиласи аъзоси қуллиқда ёки хизматда бўлмаслиги керак.

<sup>574</sup> ФСҲҲП, 8-модда.

<sup>575</sup> ИИМҲҲ, Умумий шарҳ 18-сон, 6-банд.

<sup>576</sup> Ўша ерда.

<sup>577</sup> БҲК, 32-модда; Бола ҳуқуқлари қўмитаси, Ўзбекистоннинг бирлаштирилган учинчи ва тўртинчи даврий ҳисоботлари бўйича якуний хulosалар, 4-, 7- ва 65-бандлар.

<sup>578</sup> БҲК, Умумий шарҳ 16-сон (2013), Бизнес соҳасининг болалар ҳуқуқларига таъсирига оид давлат мажбуриятлари тўғрисида, CRC/C/GC/16, 2013 й. 17 апрел, VI.A.1 бўлими.

иш ёки хизмат»<sup>579</sup>. Шунинг учун мажбурий меҳнат учта элементга эга: 1) бажарилган иш ёки хизмат; 2) ҳар қандай жазо таҳди迪 остида; 3) бунинг учун шахс ўз ихтиёри билан ўзини таклиф қилмаган<sup>580</sup>.

Мұхимки, Мажбурий меҳнатни бекор қилиш түғрисидаги конвенциянинг 1-модда-сида қўшимча равишда зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга нисбатан умумий тақиқ зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатдан<sup>581</sup>:

- сиёсий мажбурлаш ёки тарбия воситаси сифатида ёки жазо;
- иқтисодий ривожланиш учун меҳнатни сафарбар қилиш ва ундан фойдаланиш усули;
- меҳнат интизоми воситаси;
- иш ташлашларда қатнашганлик учун жазо;
- ирқий, ижтимоий, миллий ёки диний камситиш воситалари

сифатида қўлланилишига тегишлилиги белгиланган.

Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тақиқланишига тўғри келмайдиган тарзда меҳнат талаб қилинган деб ҳисобланадиган турли ҳаракатлар, ҳолатлар ва омиллар мавжуд. Умуман олганда, «одамни муқобил танлаш имкониятидан маҳрум қилувчи ва уни маълум бир ҳаракатни танлашга мажбур қиласидиган» ҳар қандай ҳаракатлар, ҳолатлар ёки омиллар «куч» деб ҳисобланиши мумкин<sup>582</sup>. Шунинг учун куч: жисмоний куч, қонуний куч, иқтисодий куч ёки ҳатто ижтимоий кучни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, XMT, агар бирон бир киши энг кам иш ҳақидан кам бўлган иш ҳақи учун бошқа шахсга меҳнат ёки хизмат кўрсатса, у томонидан тақдим этилган меҳнат ёки хизмат «мажбурий меҳнат» сўзлари доирасига тўғри келишини аниқ кўрсатиб ўтди<sup>583</sup>.

ИИМҲҚ шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишчилари кўпинча «оғир ижтимоий-иктисодий ноҷорлик» аҳволида бўлиб, «мажбурий меҳнат»га дучор бўлишларини таъкидлади ва шунинг учун давлатлар «қишлоқ хўжалиги ишчиларига бошқа тоифа ишчиларга нисбатан қўлланиладиган муомаладан кам бўлмаган муомалани таъминлаш учун қонунлар ва сиёsat қабул қилишлари керак»<sup>584</sup>.

Ҳам давлат, ҳам нодавлат субъектлар томонидан талаб қилинадиган мажбурий меҳнат тақиқланади. Давлатнинг нодавлат субъектлар томонидан мажбурий меҳнатни талаб қилишига тўсқинлик қиласлиги унинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбуриятини бузганлиги деб ҳисобланади. Давлатнинг мажбурий меҳнатни талаб қилишдан тийилиши бўйича ўз мажбуриятини бажармаслиги, меҳнат ҳуқуқига риоя қилиш мажбуриятини бузганлиги деб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ бўйича жиноят бўлган қуллик ва мажбурий меҳнат тақиқинининг бузилганлиги қурбонлари самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни талаб қилишни жиноят деб тан олиш ва бундай ҳуқуқбузарлик учун белгиланган

<sup>579</sup> Мажбурий меҳнат түғрисидаги Конвенция, 1930 й. (29-сон), 2-модда.

<sup>580</sup> XMT, Мажбурий меҳнат ва одам савдоси: Суд қарорлари тўплами (2009 й.): [https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS\\_106143/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS_106143/lang--en/index.htm).

<sup>581</sup> Мажбурий меҳнатни бекор қилиш түғрисидаги конвенция, 1957 й. (105-сон).

<sup>582</sup> XMT, Мажбурий меҳнат ва одам савдоси: суд қарорлари тўплами (2009 й.): [https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS\\_106143/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/global/topics/forced-labour/publications/WCMS_106143/lang--en/index.htm). 42-43-бетлар.

<sup>583</sup> Ўша ерда.

<sup>584</sup> ИИМҲҚ, Умумий шарҳ 23-сон, 47-банд.

жазоларнинг «етарлилигини» ва «қатъий ижро этилишини» таъминлаш давлатларнинг мажбурияти ҳисобланади<sup>585</sup>.

## **Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат**

Ўзбекистон миллий қонунчилигида мажбурий меҳнат тақиқланган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси<sup>586</sup> ва Меҳнат кодексининг 7-моддаси<sup>587</sup>). Бу маъмурий<sup>588</sup> ва жиноий ҳуқуқбузарлик<sup>589</sup>, шунингдек одамларни мажбурий жалб қилиш амалиётида иштирок этган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чора қўришни тақозо этади, деб ҳисобланади<sup>590</sup>. Давлат меҳнат инспекцияси мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича мониторинг олиб боради<sup>591</sup>.

Узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан муентазам равишда фойдаланиш амалиёти бўлган<sup>592</sup>. Иқтисодиётининг болалар ва талабаларнинг мажбурий меҳнатига таянгани хаммага аён бўган, ва БМТ ва бошқа ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб топилган<sup>593</sup>. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда муентазам равишда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга таянишини тугатиш жараёни бошланди<sup>594</sup>. Бунда ютуқларга эришилган бўлса-да, мажбурий меҳнатни самарали равишда йўқ қилишга олиб келмади<sup>595</sup>. ХМТнинг яқиндаги ҳисботига кўра: «...Ўзбекистонда пахта йигим-терими пайтида болалар меҳнати муентазам равишда энди қўлланилмайди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар пахта теримига сафарбар қилинмаган ...2020 йил пахта йигим-терими пайтида муентазам равишда мажбурий меҳнат ҳолатлари бўлмаган»<sup>596</sup>. Шунга қарамай, баъзида болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари ҳали ҳам пахта теримида

<sup>585</sup> Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция, 1930 й. (29-сон), 25-модда. Шунингдек ХМТнинг IV-ҳисботининг кўринг, Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича ҳаракатларни кучайтириш (2013 й.), [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/ed\\_norm/-/relconf/documents/meetingdocument/wcms\\_217752.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/ed_norm/-/relconf/documents/meetingdocument/wcms_217752.pdf).

<sup>586</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, *op. cit.*

<sup>587</sup> Меҳнат кодекси, *op. cit.*

<sup>588</sup> Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 51- ва 491-моддалар.

<sup>589</sup> Жиноят кодекси, 135-, 138- ва 148-моддалар.

<sup>590</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 й. 10 майдаги 349-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, <https://lex.uz/ru/docs/3730231>.

<sup>591</sup> «Пахта терими пайтида меҳнат учун жаримага тортилган мансабдор шахсларнинг рўйхати», Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайти, <https://mehnat.uz/en/article/list-of-officials-fined-for-labor-during-cotton-picking>, 2019–2020 йилларда пахта теримида мажбурий меҳнат учун 40 нафар мансабдор шахс маъмурий жаримага тортилди.

<sup>592</sup> 2020 йил Ўзбекистондаги пахта йигим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/dgreports/-/ilo-washington/documents/projectdocumentation/wcms\\_767756.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/dgreports/-/ilo-washington/documents/projectdocumentation/wcms_767756.pdf). 26- ва 68-бетлар.

<sup>593</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисботи бўйича якуний кузатувлар, 2014 й. 13 июн, Е/С.12/UZB/CO/2, 19-банд.

<sup>594</sup> ХМТ ва Ўзбекистон: Мажбурий меҳнатни тўхтатиш, барқарор ва инклузив бандликка кўмаклашиш, ижтимоий химояни кенгайтириш ва меҳнат инспекциясини кучайтириш бўйича эришилган ютуқларни баҳолаш, 2021 й. 27 январ, [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_767792/lang--en/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_767792/lang--en/index.htm); Халқаро меҳнат ташкилоти – Ўзбекистонда 2019 йилги пахта йигим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, 2020 й.; [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/ed\\_norm/-/ipec/documents/publication/wcms\\_735873.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/ed_norm/-/ipec/documents/publication/wcms_735873.pdf); ИИМҲҚ, Учинчи даврий ҳисбот учун чиқарилган масалалар рўйхатига давлат жавоби, Е/С.12/UZB/RQ/3, 2020 й. 13 ноябр, 96-банд: «Мониторинг натижаларига кўра фуқароларнинг 2019 йилги пахта йигим-теримида ихтиёрий иштироки даражаси 96,8 фоиз деб баҳоланди», [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=E%2fC.12%2fUZB%2fRQ%2f3&Lang=en](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=E%2fC.12%2fUZB%2fRQ%2f3&Lang=en).

<sup>595</sup> 2018 й. 18 сентябрда Тошкент давлат юридик университетида бўлиб ўтган Эксперт мухокамаси давомида миллий эксперталар Ўзбекистон томонидан болалар меҳнатидан, шу жумладан, пахта териш мавсумида қизлар ва ўғил болалар эксплуатациясини йўқ қилиш борасида сезиларли ютуқларга эришилганлигини таъкидладилар, <https://www.icj.org/expert-discussion-on-economic-social-and-cultural-rights-labour-guarantees-in-national-and-international-law>.

<sup>596</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, 2021 й., *op. cit.* 5-бет; Халқаро меҳнат ташкилоти – Ўзбекистонда 2019 йилги пахта йигим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, 2020 й., *op. cit.* 4-бет.

учрайди<sup>597</sup>. Бундан ташқари, давлат ташкилотлари ходимлари 2020 йил ҳосилида пахта теришга ёки ўрниларига теримчиларни ёллаш учун ҳақ тўлашга мажбур бўлганлиги ҳақида хабар берилган<sup>598</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳукуқлари бўйича қўмитаси 2020 йилги Якуний кузатувларида пахта йигим-теримида болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш давом этаётганидан ҳамда соҳадаги меҳнат ва яшаш шароитлари ёмонлигидан хавотир билдириди. Шунингдек, болалар меҳнатидан фойдаланишга алоқадор бўлган юқори лавозимли мансабдор шахслар учун жавобгарлик йўқлиги таъкидланди<sup>599</sup>. У Ўзбекистонга:

*«ўз саъй-ҳаракатларини тезлаштиришни ва пахтачиликда ва давлат секторида мажбурий меҳнатга чек қўйишни, шу жумладан:*

- (a) *Мажбурий меҳнатни тақиқловчи қонунчилик базасини самарали татбиқ этиш, шу жумладан қонунбузарликлар учун барча айборларни жавобгарликка тортиш;*
- (b) *Хусусий ва давлат сектори ходимлари ва озодликдан маҳрум бўлган шахслар учун мажбурий меҳнат талаб қиласидан ҳар қандай ташаббус ва дастурларни, хусусан пахта саноатида, шу жумладан давлат томонидан белгиланган пахта ишлаб чиқариш мажбурий квоталари тизимини ислоҳ қилиш йўли билан йўқ қилиш;*
- (c) *Пахтачиликда меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш;*
- (d) *Пахта терими билан боғлиқ ўлимларнинг олдини олиш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш, бундай ҳолатлар юз берганда уларни тўлиқ текшириш ва қурбонларнинг оилаларига тегишли компенсациялар, шу жумладан самарали чоралар кўришни»<sup>600</sup>,*

тавсия қилди.

Ютуқларга қарамай, давлат ёки хусусий ташкилотлар томонидан болалар ва мажбурий меҳнатдан ҳар қандай фойдаланишнинг олдини олиш, мажбурий меҳнатдан фойдаланишда айборларининг жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва бундай қонунбузарликлардан жабрланганларга самарали воситалар ва зарарни қоплаш бўйича қўшимча чоралар кўриш зарур.

## **Мамлакатдаги энг кам иш ҳақи**

ИИМҲҲПнинг 7-моддасига мувофиқ, давлат адолатли ва қулай иш шароитларини таъминлаши шарт<sup>601</sup>. Иш ҳақи, ишчилар ва уларнинг оилалари учун муносиб яшашни таъминлайдиган, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ёки ундан юқори бўлган адолатли, камситилмайдиган иш ҳақидан иборат бўлиши керак<sup>602</sup>.

<sup>597</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, 2021 й., *op. cit.* 5-бет; Халқаро меҳнат ташкилоти—Ўзбекистонда 2019 йилги пахта йигим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, 2020 й., *op. cit.* 4-бет; Жаҳон мәъruzаси-2021: Ўзбекистон, <https://www.hrw.org/world-report/2021/country-chapters/uzbekistan>.

<sup>598</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, 2021 й., *op. cit.* 5-бет.

<sup>599</sup> ИҲҚ, Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича Якуний кузатув, CCPR/C/UZB/SO/5, 2020 й. 30 апрел, 34-банд.

<sup>600</sup> Ўша ерда, 35-банд.

<sup>601</sup> ИИМҲҚ, Адолатли ва қулай иш шароитлари ҳукуқи тўғрисидаги 23-сонли Умумий изоҳ (2016) (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддаси), 2016 й. 7 апрел, E/C.12/GC/23, <https://www.refworld.org/docid/5550a0b14.html>.

<sup>602</sup> Ўша ерда, 7–24-бандлар.

Меҳнат кодексига мувофиқ<sup>603</sup>, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ Кодексда кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт<sup>604</sup>. Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишуvida ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас<sup>605</sup>. Бирок, уларни чекловсиз ошириш мумкин. Энг кам иш ҳақининг ижроси масаласида давлат назорати ва ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назоратни давлат меҳнат инспекцияси<sup>606</sup> ҳамда касаба уюшмалари амалга оширади<sup>607</sup>.

Ўзбекистонда энг кам иш ҳақи вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади<sup>608</sup>. 2021 йилда ойлик энг кам иш ҳақи 747 300 сўм бўлиб (60 евро)<sup>609</sup>, у ўтган йиллар билан таққослаганда ошганлиги намоён бўлади<sup>610</sup>. Шу билан бирга, миллий статистика маълумотларига кўра, 2017 йилда миллий қашшоқлик чегараси остида яшовчи аҳолининг улуши 11,9 фоизни ташкил этган<sup>611</sup>. Бундан ташқари, хабарларга кўра, иқтисодий ўсишга қарамай, «қашшоқликни камайтириш ва муносиб иш ўринларини яратиш ўсиш суръатларидан паст», қисман муносиб иш имкониятларининг етишмаслиги туфайли<sup>612</sup>.

Ўзбекистон қонунчиликда ва ишчилар ва иш берувчилар, уларнинг вакиллик ташкилотлари ва бошқа тегишли шериклар билан маслаҳатлашиб, камситилмайдиган ва мутлақ, тегишли иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ва яшаш нархига қараб индексланган ишчилар ва уларнинг оиласлари учун муносиб яшашни таъминлайдиган энг кам иш ҳақини белгилаш мажбуриятига эга. Ушбу мажбуриятнинг бажарилганлигини баҳолаш қийин, чунки Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси тўғрисида кенг қамровли ва мунтазам равишда очиқ маълумотлар мавжуд эмас ва асосан даромадлар, қашшоқлик ва заифлик тўғрисида алоҳида маълумотлар мавжуд. Ўзбекистоннинг 2020 йилги инсон ҳуқуқлари стратегиясида аҳолининг кам даромадли тоифаларини аниқлаш мезонларини белгилаш режалаштирилган<sup>613</sup>. 2020 йилги инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар режасида шуниндек: «хусусий секторда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиш ва тақомиллаштириш орқали меҳнатга яраша муносиб иш ҳақи тўланишини таъминлаш» кўзда тутилган<sup>614</sup>.

<sup>603</sup> Меҳнат кодекси, 16- ва 155-моддалар.

<sup>604</sup> Ўша ерда, 154-модда.

<sup>605</sup> Ўша ерда.

<sup>606</sup> Меҳнат кодекси, 223-модда; ИИМҲҚ, Учинчи даврий ҳисоботга оид масалалар рўйхатига Ўзбекистоннинг жавоблари, Е/С.12/UZB/RQ/3, 2020 й. 13 ноябр, 102-103-бандлар: 2019 йилда Инспекция томонидан ишчиларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш билан боғлиқ 3933-та ва 2020 йилнинг дастлабки беш ойда 2023-та иш кўриб чиқилди.

<sup>607</sup> Меҳнат кодексининг 223-моддасига мувофиқ «Меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувани касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадилар».

<sup>608</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарори, <https://lex.uz/ru/docs/4673469>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 й. 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори, <https://lex.uz/ru/docs/5193210>.

<sup>609</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 й. 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори.

<sup>610</sup> Ўша ерда.

<sup>611</sup> Асосий диагностика воситаси (CODI) асосида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини баҳолаш, ХМТ, ЮНИСЕФ, ва Жаҳон банки ҳисботи, 2020, [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms\\_760153.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms_760153.pdf). 23-24-бетлар.

<sup>612</sup> Ўша ерда, 91-бет.

<sup>613</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси, *op. cit.*

<sup>614</sup> Ўша ерда.

Мамлакат энг кам иш ҳақи ёки етарли бўлмаган иш ҳақига оид суд ишлари ҳолатлари қайд этилмаган. Бироқ, қонунга биноан, миллий суд воситалари ҳам халқаро ҳуқуқ нуқтаи назариданadolatli ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқ масалаларини кўриб чиқиш имкониятига эга. Ишлаш ҳуқуқига оид хабар қилинган ҳолатлар асосан иш ҳақининг тўланмаслиги ёки ўз вақтида тўланмаслиги билан боғлиқ<sup>615</sup>.

## Норасмий ишчилар

ИИМҲХПнинг 6–8-моддалари бўйича меҳнат ҳуқуқлари «барчага» кафолатланган<sup>616</sup>. ИИМҲҚ бунга «расмий» ишчилар ва «норасмий сектор ишчилари» киради, деб таъкидлаган<sup>617</sup>. Шунинг учун ишлаш ҳуқуки «хоҳ мустақил иш, хоҳ иш ҳақи тўланадиган иш бўлсин ишнинг барча шаклларини ўз ичига олади»<sup>618</sup>.

ИИМҲҚ томонидан таъкидланганидек, юқори ишсизлик ва/ёки ишончли иш билан таъминланмаганлик кўпинча одамларни «иқтисодиётнинг норасмий секторида» ишлаш имкониятларини излашга мажбур қиласди, чунки улар «кун кўришлари керак». Шунинг учун давлатлар норасмий ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур қонунчилик ва бошقا чораларни кўришлари шарт<sup>619</sup>. Давлатлар норасмий ишчиларни маълумотларни йиғиш жараёнига, миллий статистикага ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва кафолатлашни ваadolatli ва қулай меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларга киритилишини таъминлаши керак<sup>620</sup>.

ХМТтнинг 204-сонли Тавсиясида «норасмий иқтисодиёт» «...расмий келишувлар билан етарли даражада қамраб олинмаган ишчилар ёки иқтисодий бирликлар томонидан амалга ошириладиган барча иқтисодий фаолият» деб таърифланади<sup>621</sup>. Бундан ташқари, у «иқтисодий бирликлар»ни қуйидагича белгилайди: а) ёлланма ишчиларни жалб қиладиган бирликлар; б) ҳам оиласда ҳам оиласдан ташқаридағи «мустақил» ишчилар; с) кооперативлар ва ижтимоий бирдамлик бирликлари<sup>622</sup>. Мустақил ишчилар, шунингдек, «тан олинмаган ёки тартибга солинмаган меҳнат муносабатларидаги» ишчилар каби Тавсия бўйича «ишчилар» таърифига тўлиқ мос келади<sup>623</sup>.

Гарчи 204-сонли Тавсия давлатлар вақт ўтиши билан норасмий иш муносабатларини расмийлаштиришга интилиши кераклигини кўрсатса-да, норасмий ишчиларнинг яшаш шароитлари ва ҳуқуқлари ҳимояланган бўлиши кераклигини тасдиқлайди<sup>624</sup>. Унда «норасмий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётганларнинг инсон ҳуқуқларини самарали тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш» ва «ишда, қонунда ва амалиётда асосий

<sup>615</sup> Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши тўғрисидаги учинчи даврий ҳисоботига оид масалалар рўйхатига Ўзбекистоннинг жавоблари, Е/С.12/UZB/RQ/3, 2020 й. 13 ноябр, 103-банд. 2019 йилда Давлат меҳнат инспекцияси ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни бузиш бўйича 3933-та ишни ва 2020 йилда 2023-та ишни кўриб чиқди; Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Миллий инновацион тизимни модернизация қилиш лойиҳаси, Меҳнатни тартибга солиши тартиб-қоидалари, 2020 й., [https://mininnovation.uz/uploads/mininno/news/JLMP\\_%d1%80%d1%83%d1%81.pdf](https://mininnovation.uz/uploads/mininno/news/JLMP_%d1%80%d1%83%d1%81.pdf), 14-банд: «...Мажбурий ортиқча иш вақти қонун билан тақиқланган, аммо амалда ортиқча иш вақти чекланмайди ва камдан-кам компенсация тўланади. Яқин вақтгача банк тизимида накд пул масаласида кескин муаммо мавжуд эди. Ушбу ҳодиса натижасида қонунбузарларклар ва иш ҳақини тўлашни кечикириш одатий ҳолга айланди. Бироқ, ҳозирги вақтда иш ҳақини тўлашнинг кечикиши аввалгидек тез-тез кузатилмайди».

<sup>616</sup> ИИМҲХК, ор. cit.

<sup>617</sup> ИИМҲҚ, Умумий изоҳ 23-сон, 5-банд)

<sup>618</sup> ИИМҲҚ, Умумий изоҳ 18-сон, 6-банд.

<sup>619</sup> Ўша ерда, 10-банд.

<sup>620</sup> ИИМҲҚ, Умумий изоҳ 23-сон, 47-, 54-, 57-, 64-бандлар.

<sup>621</sup> 204-сонли тавсия, 4-банд, I (2)(а) модда.

<sup>622</sup> Ўша ерда, 5-банд, I (3) модда.

<sup>623</sup> Ўша ерда, 6-банд, I 4(а)(i) модда.

<sup>624</sup> Ўша ерда, 10, III 13 модда.

тамойиллар ва ҳуқуқларга ҳурмат билан қараш орқали барча учун муносиб ишларни таъминлаш»<sup>625</sup> етакчи тамойил сифатида ўрнатилган. Мұхими, 204-сонли Тавсия Халқаро мәннат ташкилотининг түртта «асосий» конвенциясидаги ҳуқуқларни норасмий иқтисодиётдаги ишчиларга тааллуқлилигини аниқ белгилайди<sup>626</sup>.

Шунинг учун норасмий ишчилар, асосан, расмий ишчилар каби муносиб мәннат ҳуқуқи нұқтаи назаридан бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Давлатлар муносиб мәннатга эришиш ва «норасмий иқтисодиётда бўлганлар учун мәннат ҳуқуқлари» ҳимоясини таъминлаш учун чоралар кўришлари керак<sup>627</sup>. Давлатларлар норасмий ишларнинг ҳолати ва сабабларини баҳолаш ва унинг асосида «барча тоифадаги ишчилар ва иқтисодий бўлинмаларнинг тегишли қамрови ва ҳимоясини таъминлаш учун миллий қонунчиликни ва бошқа чоралар кўриб чиқиш ва амалга ошириш» талаб этилади<sup>628</sup>. Хусусан, бу «миллий ривожланиш стратегияси ёки режаларида, шунингдек, қашшоқликни камайтириш стратегияси ва бюджетларида норасмий ишларни ўз ичига олиши керак бўлган» «комплекс сиёsat асосларини» қабул қилишни талаб қиласди<sup>629</sup>.

Бундан ташқари, 204-сонли Тавсияда норасмий ишчиларга тегишли ҳолда ишлаш ҳуқуқи бевосита бошқа бир қатор ҳуқуқларга боғлиқ: асосий хизматлардан фойдаланиш («Инфратузилма ва технологиялардан фойдаланиш»); етарли яшаш дарајаси («яшаш нархини ...ҳисобга оладиган энг кам иш ҳақи»)<sup>630</sup>; ижтимоий суғурта («улар мавжуд бўлмаган жойларда ижтимоий ҳимоя қаватларини ташкил этиш ва ижтимоий таъминотни қамраб олиш»)<sup>631</sup>; ва ер ва мулк (ишчиларга ёки иқтисодий бўлинмаларга «мавжуд мулкларини тан олиниши, шунингдек мулк ҳуқуқларини расмийлаштириш воситаларини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этилишини таъминлаш») ҳуқуқлари<sup>632</sup>.

Ўзбекистон мәннат қонунчилиги мәннат муносабатларини расмийлаштирилишини талаб қиласди, яъни ходим мәннат шартномаси асосида ёлланиши керак<sup>633</sup>. Бу норасмий ишчиларга мәннат шартномаси тузиш орқали иш берувчидан мәннат муносабатлари хужжатлаштиришни талаб қилиш ёки тегишли органларга уларга нисбатан шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган маънода қўлланилади<sup>634</sup>. Қонунчиликда иш берувчиларнинг мәннат муносабатларини ҳужжатлаштирумaganлиги учун жавобгарлиги белгиланган<sup>635</sup>. Бундан ташқари, мәннат қонунчилиги иш жойларини мәннат инспекциясини ўтказишни талаб қиласди<sup>636</sup>. Уй ишчилари билан муддатли мәннат шартномалари тузилиши мумкин<sup>637</sup>. Уй ишчиларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларини янада тартибга солиш, 2020 йилги Инсон ҳуқуқлари стратегиясининг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар режасига киритилган<sup>638</sup>.

Ўзини ўзи банд қилган ёки оилада ва ташқарида бўлган «мустақил» ишчиларига келсак, сўнгги қоидалар ушбу иқтисодий фаолиятни қамраб олади. Масалан,

<sup>625</sup> Ўша ерда, 8-банд, III 7(e)-(f) модда.

<sup>626</sup> Ўша ерда, 14-банд, V 16 (a)-(e) модда.

<sup>627</sup> 2014-сонли тавсия, 8-банд, 7(f) модда.

<sup>628</sup> Ўша ерда, 9-модда.

<sup>629</sup> Ўша ерда, 10-модда.

<sup>630</sup> 204-сонли тавсия, 18-модда.

<sup>631</sup> Ўша ерда, 9-модда.

<sup>632</sup> Ўша ерда, 13-модда.

<sup>633</sup> Мәннат кодекси, 72-76 моддалар.

<sup>634</sup> Ўша ерда, 264-, 268-моддалар.

<sup>635</sup> Ўша ерда, 71-модда; Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 49-модда.

<sup>636</sup> Масалан, Мәннат кодекси, 9-модда; Мәннатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун, 28-модда.

<sup>637</sup> Мәннат кодекси, 18- ва 76-моддалар; Вазирлар Маҳкамасининг 2006 й. 11 январдаги 4-сонли Қарори, <https://www.lex.uz/acts/967575#971709>.

<sup>638</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси, *op. cit.*

Вазирлар Маҳкамасининг ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарорига биноан бундай шахслар Солиқ қўмитаси рўйхатдан ўтишлари керак (соддалаштирилган тартибда), лекин даромад солиғи тўлашдан озод қилинган<sup>639</sup>.

Ўзбекистонда бандликни рағбатлантириш бўйича, айниқса аёллар ва қишлоқ жойларида кичик корхоналар, касаначилик ва соддалаштирилган тадбиркорликка оид қоидалар орқали баъзи чоралар кўрилди<sup>640</sup>. Норасмий иқтисодиётни камайтириш учун кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил қоидалар мавжуд<sup>641</sup>. Бироқ, норасмий секторни тартибга солиш бўйича миллий қонунчиликда ҳали ҳам жиддий камчиликлар мавжуд<sup>642</sup>. Чунки норасмий ишчилар меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги миллий қонунларда назарда тутилган кафолатларга эга эмаслар<sup>643</sup>.

Норасмий меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг 45 фоизини ташкил этиши тахмин қилинади<sup>644</sup>. Ушбу ҳолат ИИМҲҚнинг 2014 йилда Ўзбекистоннинг ИИМҲХП бўйича мажбуриятларини бажаришини кўриб чиқишида «норасмий секторнинг барча ишчиларининг аҳволини босқичма-босқич тартибга солиш ва уларнинг меҳнат ва ижтимоий таъминотнинг мавжуд схемалари бўйича қамраб олинишини таъминлаш тўғрисида» ги тавсиясига қарамай давом этмоқда<sup>645</sup>. Қўмита Ўзбекистонни:

«ўзининг навбатдаги даврий ҳисоботида норасмий иқтисодиётни қисқартириш бўйича эришилган ютуқлар, шу жумладан ишчилар ва „кичик корхоналар“ фоизлари, шунингдек „кичик корхоналар“ меҳнат инспекцияси билан қамраб олиниадими ва ишчиларнинг адолатли ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиладими ёки йўқми деган маълумот беришга»<sup>646</sup>.

чақириди.

2019 йилда ИИМҲҚга берган дастлабки ҳисоботида Ўзбекистон норасмий секторни тартибга солиш бўйича чоралар кўрганлигини таъкидлади<sup>647</sup>. Бироқ, ушбу масала бўйича янгиланган жамоатчилик ҳисоботи ҳали ҳам зарур. Хусусан, COVID-19-нинг

<sup>639</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 й. 23 декабрдаги 806-сонли «Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Қарори, <https://lex.uz/ru/docs/5182451>.

<sup>640</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 7 мартағи ПҚ-4235-сонли «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори.

<sup>641</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботи, Е/С.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 91-банд: «2018 йилда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолияти аудити учун икки йиллик мораториј жорий этилди. Бундан ташқари, юқори технологияли бизнесни бошлаш ва бошқа ташаббусларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил этилган венчур фонdlари 2023 йил 1 январгача барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинди, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно», [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms\\_751295.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms_751295.pdf).

<sup>642</sup> COVID-19-нинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатга таъсируни баҳолаш (даромадлар, меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш): инқирозга қарши чоралар ва давлат сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари, ҳисоботнинг асосий натижаларини тақдим этиш, Жанна Фаттахова, Сергей Чепел, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, 2020 й. 16 июл, [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms\\_751295.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-sro-moscow/documents/publication/wcms_751295.pdf). 12-14-бетлар.

<sup>643</sup> Ўша ерда. 13-14-бетлар.

<sup>644</sup> Кўринмас нарсаларни кўриш: Ўзбекистондаги норасмий сектор, <https://review.uz/post/razglyadet-nevidimku-nepormalny-sektor-v-uzbekistane>, 2020 й. 30 март.

<sup>645</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисоботи бўйича Якуний кузатувлар, Е/С.12/UZB/CO/2, 2014 й. 12 июн, 12(c) банд.

<sup>646</sup> Ўша ерда, 12(d) банд.

<sup>647</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботи, Е/С.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 91-банд: «Норасмий секторда иш билан банд бўлган аҳолининг улуши банд бўлганларнинг умумий сонининг 59 фоизини (7,9 миллион) ташкил этади».

иқтисодиётга салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, норасмий секторнинг улуши ҳали ҳам катта бўлиб<sup>648</sup>, бу соҳада ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тартибга солишнинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

## Одил судлов имконияти

Миллий қонунчиликда одил судловдан фойдаланиш бўйича умумий кафолатлардан ташқари<sup>649</sup> меҳнат қонунчилигига меҳнат ҳуқуқларини бузганлик учун судда ва суддан ташқари воситалар ҳам назарда тутилган. Ушбу ҳуқуқбузарликдан жабр кўрганлар судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Улар, шунингдек, агар шундай имконият бўлса, меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Комиссия миллий қонунчилик бўйича айрим меҳнат низоларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ички суддан ташқари восита<sup>650</sup>. Миллий меҳнат қонунчилигига кўра, жабрланганлар, жумладан, меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги учун зарар (моддий ва маънавий) қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга<sup>651</sup>.

Меҳнат қонунчилигининг айрим бузилишлари миллий қонунчиликга биноан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик ҳисобланади<sup>652</sup>. Шунга кўра, ушбу ҳолатлардаги ҳуқуқий ҳимоя воситалари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ишларни тергов қилиш билан боғлиқ. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати билан боғлиқ ҳолатлар, асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлардан иборат бўлиб, бу ҳолатларда мансабдор шахсларга, ташкилот раҳбарларига нисбатан<sup>653</sup> маъмурий жарималар қўлланилган ва жиноий ишлар судда кўрилгани ҳақида хабарлар бўлмаган<sup>654</sup>. Мажбурий меҳнат учун жиноий жавобгарлик 2020 йил январида жорий қилинган бўлса-да<sup>655</sup> ХМТнинг маълумотларига кўра, мажбурий меҳнатга оид баъзи жиноий ишлар кейинчалик жабрланганларнинг ўз аризалари қайтариб олганлари сабабли ёпилган<sup>656</sup>.

Пахта йиғим-теримидан ташқари ҳам мажбурий меҳнатга оид ишлар бўлган. ХМТнинг 2020 йилги ҳисботига кўра, «умуман олганда, 2020 йилда мамлакат бўйлаб

<sup>648</sup> Масалан, COVID-19 нинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини баҳолаш (даромадлар, меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш): инқизоға қарши чоралар ва давлат сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари; «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириши» лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайти, <https://mehnat.uz/ru/pages/proekt-ukreplenie-sistemy-socialnoy-zaschity-v-uzbekistane>, 10-банд: «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан меҳнат муносабатлари муддатли ёки вақтнинчалик меҳнат шартномаси шаклида расмийлаштирилиши керак. Шунга қарамай, ўзбекистонлик иш берувчилар ҳомиладорлик тўғрисидаги таътил вақтида нафака тўламаслик учун, хусусан ишлаётган аёллар учун шартномалар тузмасдан меҳнат қонунчилигини четлаб ўтиш ҳоллари мавжуд».

<sup>649</sup> Ҳисботнинг I-бобини кўринг.

<sup>650</sup> Меҳнат кодекси, 260-модда. Улар ихтиёрий асосда, жамоавий шартнома асосида ёки иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасидаги келишув асосида ташкил этилади; Меҳнат кодекси, 263-модда.

<sup>651</sup> Ўша ерда, 187-модда.

<sup>652</sup> Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 51- ва 491-моддалар; ва Жиноят кодекси, 1481- ва 1482-моддалар.

<sup>653</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, 2021 й., *op. cit.* 24-бет; Халқаро меҳнат ташкилоти—Ўзбекистонда 2019 йилги пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, 2020 й., *op. cit.* 7-бет.

<sup>654</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, *op. cit.* 21-22-бетлар: «Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги ишни муваффақиятли тергов қилиш ва судга юбориш пахта терими пайтида қийин бўлган. Етарли далилларни тўплашда қийинчилклар юзага келди ва ХМТнинг Учинчи томон мониторинги лойиҳаси жабрланувчилар ва гувоҳлар кўрсатмаларини ўзгартирган ва натижада жиноий жавобгарликка тортишнинг иложи бўлмаган бир нечта ҳолатларни кузатди. Жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатмаларини ўзгартириши учун жуда кўп сабаблар бўлиши мумкин. Жазолаш, кўрқитиш ва пора олишдан қўрқиши ҳолатлари бўлиши мумкин, аммо ижтимоий босим ва жамоатчилик билан алоқалар каби омиллар ҳам рол ўйнаши мумкин»

<sup>655</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2020 й. 22 январ, ЎРҚ-603-сон, <https://lex.uz/acts/4708438>.

<sup>656</sup> 2020 йилда Ўзбекистонда пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг учинчи томон мониторинги, Халқаро меҳнат ташкилоти, *op. cit.* 21-22-бетлар.

биринчи навбатда ободонлаштириш, тозалаш ва қурилиш ишларини ўз ичига олган 106-та мажбурий меҳнат ҳолатлари қайд этилди. Хусусий бандлик агентликлари вакиллари Жиноят кодексининг 168- ва 228-моддаларига биноан одамларни чет элга ишлашга жалб қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликлари учун жавобгарликка тортилдилар»<sup>657</sup>.

Мажбурий меҳнатдан жабрланганларга етказилган зарар (моддий ёки маънавий) учун товон пули тўланган ҳолатлар ҳақида хабарлар бўлмаган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган ариза берувчи шахсга моддий зарар етказганлигини текшириши ва ҳал қилиши шарт<sup>658</sup>. Акс ҳолда иш суд томонидан алоҳида (фуқаролик) процессида ҳал қилинади<sup>659</sup>. Жабрланувчи маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқига ҳам эга. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан, бу жабрланувчиларнинг ўзлари аризалари асосида фуқаролик судида алоҳида ҳал қилинади<sup>660</sup>.

Меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатларга келсак, қонунлар аниқ ва чекланган ҳимоя кафолатларини таъминлаши мумкин, аммо агар қонунларга риоя қилинмаса, суд ҳар доим ҳам меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқларнинг бузилишини бартараф этишда фаол рол ўйнамаслиги мумкин. ХЮКга хабар берилишича, меҳнат ҳуқуқига оид ишларда одил судловга эришишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири бу адвокатлар орасида меҳнат ишларининг оммабоп эмаслиги. Бундай ишлар маҳсус малакани талаб қиласди, юридик жиҳатдан мураккаб ва суд жараёни секин ўтади. Баъзида адвокатлар ушбу ишларда мижозларнинг вакили бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблашади, чунки кўпинча низо юридик шахсга нисбатан бўлади ва у узоқ муддатли суд жараёнини олиб боришга қодир бўлади<sup>661</sup>.

Ҳатто суд меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигини даъво қилган шахс фойдасига қарор чиқарган тақдирда ҳам, суд қарорларининг ижро этилиши кафолатланмаслиги мумкин. Масалан, битта ҳолатда, суд қарори билан бир киши иш жойига тикланган ва меҳнат фаолиятини бошлаган. Бироқ, у кейинги иш кунида ишдан бўшатилган<sup>662</sup>. Суд қарорини яширин равишда ижро этмаслик меҳнат ҳуқуқлари тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларини ижро этилишида умумий муаммо борлигидан далолатдир. Миллий қонунчиликка биноан, ишда қайта тиклаш тўғрисидаги қарор зудлик билан ижро этилиши керак<sup>663</sup>.

Бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги тўғрисидаги суд амалиёти бўйича маълумот олишда муаммолар сақланиб қолмоқда. Мавжуд ҳисботларда, шу жумладан давлатнинг БМТнинг турли органларига берган ҳисботларида, асосан, жабрланганлар томонидан бошланган меҳнат ҳуқуқларини бузиш тўғрисидаги алоҳида фуқаролик ишларига эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги статистик маълумотлар ва турли хил ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноий ишлар кўрсатилади<sup>664</sup>. Ўзбекистон шу пайтгача ИИМҲҚнинг 2014 йилги «меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши ва

<sup>657</sup> Ўша ерда, 20-бет.

<sup>658</sup> Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 38- ва 307-моддалар.

<sup>659</sup> Ўша ерда, 38-модда.

<sup>660</sup> Ўша ерда, 38- ва 295-моддалар; Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришини тартибга солувчи қонунларни кўллашнинг айrim масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 2018 й. 30 ноябр, 35-сон.

<sup>661</sup> ЮХКнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

<sup>662</sup> «Кўқдумалоқ» заводидан бўшатилган ишли суднинг қарорига биноан иш жойига тикланди, эртаси иш кунида ишдан бўшатилди, 2020 й. 13 июл, <https://kun.uz/ru/news/2020/07/13/sotrudnik-uvolenny-s-zavoda-kukdumalok-byt-vosstanoven-sudom-na-rabote-a-cherez-den-snova-uvolen>.

<sup>663</sup> Меҳнат кодекси, 273-модда.

<sup>664</sup> «Пахта терими пайтида меҳнат учун жаримага тортилган мансабдор шахсларнинг рўйхати», Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазиригининг расмий веб-сайти, <https://mehnat.uz/ru/article/spisok-dolzhnostnyh-lic-oshtrafovannye-za-prinuzhdenie-k-trudu-vo-vremya-uborki-hlopka>, 2019-2020 йилларда пахта теримида мажбурий меҳнат учун 40 нафар мансабдор шахс маъмурий жаримага тортилди.

тайинланган жазоларга оид суд ишларининг сони ва моҳияти тўғрисидаги статистик маълумотлар, шунингдек мониторингнинг мажбурий ва хавфли меҳнатнинг олдини олишга аниқ таъсири тўғрисида маълумотлар» бериш тавсиясига риоя этмади<sup>665</sup>.

2019 йилда ИИМҲҚга юборилган Ўзбекистоннинг даврий ҳисботида мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида ҳисбот берилган бўлса ҳам, суд статистикаси ёки судларда мажбурий меҳнатга қарши қонуний ҳимояни (ёки умуман ишлаш ҳуқуқи) тасдиқлаш тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган<sup>666</sup>. Батафсил ёки ажратилган статистиканинг йўқлиги ҳуқуқий воситалар самарадорлигини тўғри баҳолашга йул қўймайди. Шу муносабат билан, ҳисботлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳеч бўлмаганда жинс бўйича маълумотларни ажратилишини таъминлаш бўйича баъзи ҳаракатлар бошланди<sup>667</sup>.

Шунингдек, миллий қонунчиликда иш жойидаги жинсий зўравонликка қарши муайян воситалар назарда тутилган. Аёлларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга биноан, жинсий зўравонлик ва тазийқдан жабрланганлар:

- судга, шунингдек тегишли давлат органларига шикоят билан мурожаат қилиш;
- жабрланганлар учун марказларда ёки бепул ишонч телефони орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олиш;
- жинсий зўравонлик ва таъқиблар натижасида моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиб, судга шикоят билан мурожаат қилиш. Бундай ҳолларда жабрланувчи давлат божи тўлашдан озод қилинади<sup>668</sup>;
- ички ишлар органларидан ҳимоя ордерини талаб қилиш<sup>669</sup> — ҳимоя ордерида жинсий зўравонлик ва таъқиб қилишни тақиқлаш, айборнинг жабрланувчи билан алоқа қилишни тақиқлаш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. (Иш жойларида жабрланувчининг тахмин қилинган жиноятчи билан билвосита алоқасига йўл қўйилади)<sup>670</sup>

ҳуқуқига эга.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги аёллар ушбу воситалардан, хусусан ҳимоя ордеридан амалда фойдаланишган. Бироқ, ушбу воситаларнинг самарадорлиги тўғрисида маълумот чекланган ёки мавжуд эмас<sup>671</sup>.

Миллий қонунчиликка биноан, ходимлар судга берган меҳнат ҳуқуқига оид ишларда суд харажатлари тўлашдан озод қилинади<sup>672</sup>. Бундан ташқари, «Аёлларни зўравонлик ва тазийқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга биноан, иш жойидаги жинсий зўравонлик ва тазийқ қурбонлари жинсий зўравонлик ва таъқиблар

<sup>665</sup> ИИМҲҚ, Ўзбекистоннинг иккинчи даврий ҳисботи бўйича Якуний кузатувлар, 2014 й. 13 июн, E/C.12/UZB/CO/2, 19(b) банд.

<sup>666</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисботи, E/C.12/UZB/3, 2019 й. 14 август, 103–105-бандлар.

<sup>667</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг веб-сайти, Ўзбекистоннинг гендер статистикаси, <https://gender.stat.uz/en/>.

<sup>668</sup> Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 4-модда.

<sup>669</sup> Ўша ерда.

<sup>670</sup> Ўша ерда, 26-модда.

<sup>671</sup> Масалан, Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистоннинг олтинчи даврий ҳисботи, 2020 й. 23 январ, CEDAW/C/UZB/6, 84–89-банлар, Ҳисбот 2019 йилда иш жойларида камситишнинг 7-та ҳолатини ва 2020 йилда 8-та ҳолатни қамраб олади. Ҳисботда ишлаш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш учун қўшимча маълумот берилмаган.

<sup>672</sup> Меҳнат кодекси, 277-модда.

натижасида моддий ва маънавий зарар учун судда товоң талаб қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади<sup>673</sup>. Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги суд ишларида тараф адвокатдан бепул юридик ёрдам сўрашга ҳақлидир (давлат томонидан қопланадиган юридик хизматларнинг ҳақи)<sup>674</sup>. Шу муносабат билан, судларга жинси сабабли тўғридан-тўғри ва билвосита камситишларга қарши шикоят билан мурожаат қилган шахс давлат божларидан озод қилинади<sup>675</sup>.

## Хуносалар

Меҳнатга оид ҳуқуқлар қонун билан тартибга солинади ва Ўзбекистондаги ИИМ ҳуқуқларининг энг ривожланган ва яхши йўлга қўйилган йўналишларидан бирини ташкил этади. Аммо амалда қонун ҳар доим ҳам Ўзбекистон қонунчилигига талаб қилинганидек, камситишлардан холи, ишлаш ҳуқуқини изчил ва доимий равища кафолатлайдиган ёки мажбурий меҳнат ёки эксплуатация амалиётидан самарали ҳимоя қиласидиган тарзда қўлланилмайди. Ўзбекистонда мунтазам равища болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш чоралари кўрилди. Шу билан бирга, мажбурий меҳнатдан фойдаланишни давом эттириш тўғрисидаги хисоботларда бундай қонунбузарликлардан ҳимоя қилиш, шу жумладан самарали жавобгарлик ва жабрланганлар учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш чораларини кўриш зарурлиги кўрсатилган.

Норасмий ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳуқуқий тартибга солища юзага келган бўшлиқлар, шунингдек, давлат томонидан адолатли ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқни кафолатлаш бўйича жиддий сиёsat ва маъмурий чоралар йўқлиги сабабли Ўзбекистондаги муаммоли соҳалардан бири бўлиб қолмоқда.

Меҳнат ҳуқуқлари борасида камситилмаслик билан боғлиқ миллий қонунларнинг қабул қилинишига қарамай, уларни амалда тўлиқ амалга оширишга эришиш керак, шу жумладан гендер тенглиги ва ногиронлиги бўлган шахслар учун.

<sup>673</sup> Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун, 4-модда.

<sup>674</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 7 мартағи ПҚ-4235-сонли «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чоратадбирлар тўғрисида» Қарори.

<sup>675</sup> Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги Қонун, 28-модда.

## V-боб. Хулоса ва тавсиялар

---

қонунчилик тизимидағи қарийб ўттиз йиллик турғунлик ва инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига нисбатан яkkalаниш ёндашувидан сүнг Ўзбекистон 2016 йилдан бошлаб иқтисодлар сари жадал ҳаракатни бошлаб юборди. Бу инсон ҳуқуқлари тартибларига нисбатан кўпроқ очиқлик юзага келишини қамраб олади. Бундай очиқлик нафақат қутланиши лозим, балки мамлакат даражасида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамрок ҳимоя қилиш ва қонун устунлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ИИМ ҳуқуқлар бузилишига қарши воситаларини, жумладан судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқини судда ва суд томонидан қўллаш орқали кафолатлаш учун ҳамон адлия тизимида чуқур ислоҳотлар зарур.

Ўзбекистон риоя қилиши, ҳимоялаши ва бажриши керак бўлган ИИМ ҳуқуқларни, хусусан ИИМХҲКга биноан ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро шартномаларга биноан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Масалан, бу ушбу ҳасоботда тадқиқ қилинган уч ҳуқуқ соҳаси: уй-жой, соғлиқ ва меҳнат қилиш ва иш жойидаги ҳуқуқларда яққол кўринади. Ҳақиқатан, меҳнат қилиш, уй-жой ва соғлиқни сақлаш қонун ҳужжатлари ИИМ ҳуқуқлар кафолатларидан кўпини мамлакат қонун ҳужжатларига киритишда салмоқли даражада хизмат қилди. Мазкур қонунлар мамлакат даражасида инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига биноат талқин қилинган ва тадбиқ этилган ҳуқуқлар ҳимояси учун мустаҳкам асосни таъминлайди. Бирок кўп ҳолларда бу ушбу ҳуқуқларни амалда ҳақиқий ва тенг ҳимоясига айланмайди.

Охирги пайтда мажбурий уйдан чиқариб юбориш кўпайиши, меҳнат қилиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқига тегишли ҳолларда суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятлари чекланганлиги; камситиш ва тенг ҳимоя чекланганлиги ва Ковид пандемияси шароитидаги камчиликлар ушбу халқаро даражада кафолатланган ҳуқуқларни суд тизими орқали ҳимоялашни барча учун кундалик воқеликка айлантишга қаратилган ҳаракатларни янгиттан бошлаш лозимлигини кўрсатиб турган муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ доирасида ИИМ ҳуқуқлари борасида суд ҳимояси имкониятина таъминлаш мажбуриятини олган ва ушбу мажбуриятлар мамлакатнинг Конституцияси ва бошқа қонунларида акс эттирилган. У ушбу соҳада халқаро ва конституциявий мажбуриятларини кафолатлашга қаратилган муайян қонунчилик, маъмурий ва суд соҳасидаги чораларни кўриб бўлган. Ўзбекистондаги қонунларга тегишли охирги ислоҳотлар, жумладан Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси муҳимдир, аммо бу ҳамон ИИМ ҳуқуқлар борасида миллий қонунлар ва амалиётiga хос муаммоларни ечишга қаратилган биринчи қадам ҳисобланади.

Ушбу муносабатда суд тизимининг роли ва ҳамон адлия тизимининг асоси бўлиб келаётган прокуратура органларига қараганда институционал заифлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Суд тизимига мустақиллик етишмаслиги қонун, судловни амалга ошириш тузилмалари ва тартиблари, шунингдек ўтмишдан мерос қолган баъзи одат ва амалиётлар туфайли мавжуд.

Судларнинг мустақиллиги ва бетарафлигига қаратилган баъзи қонунчилик ва маъмурий чораларга қарамай, у ҳозирча инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқида, хусусан ФСҲҲПнинг 14-моддасида назарда тутилган судларнинг роли ва мустақиллиги ва адолатли судлов кафолатлари борасидаги халқаро андозаларга мувофиқ равишда қонун устуворлигининг ҳақиқатан мустақил қўриқчиси бўлишга муваффақ бўлмаган. Агар ИИК ҳуқуқларни, шунингдек инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиши

лозим бўлса, Ўзбекистонда судлар мустақиллигига эришиш учун тегишли ислоҳотларни давом эттириш зарур.

Ўзбекистонда юристлар касбида мустақилликка эришилганича йўқ. У ҳамон қонунда ва амалиётда бевосита Адлия вазирлигига бўйсунади. Одил судловдан фойдаланишда, хусусан ИИК ҳуқуқлари бузилганда, юристлар аҳамияти инобатга олинса, юрист фаолиятини юритишни ноўрин аралашувдан ҳимоялашга эҳтиёж кўриб чиқиладиган муаммолар сирасига устун масала сифатида киради.

Амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилишда изчиллик етишмаслиги муҳим муаммо кўринади. Ёзилган қонун қоидалари ва амалиёт орасидаги тафовут ҳамон умумий норма деб қабул қилиниши ажабланарли ҳол. Шунинг учун ислоҳотларда қонунларни амалда тадбиқ этиш ва уларга риоя қилишга, ва қонунларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида одил судлов ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда тенгликка диққат қаратиш лозим. Қонунга шунчаки яхши ниятдек қараш керак эмас, балки қонунлар, жумладан судлар томонидан сўзи ва моҳияти билан тадбиқ этилиши зарур, улар эса ўз навбатида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мос бўлмоғи лозим.

Миллий юридик тизимининг, амалда, инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ ва стандартларининг замонавий талқинидан яккалаб қўйилганилиги бир умумий аҳамиятга эга масаладир. Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистон юридик тизимида қўлланилиши суст ва етарлича ривож топмаганлигича қолмоқда. Халқаро ҳуқуқ аксарият амалиётчилар учун юқори даражада назарий бўлиб қолмоқда, ушбу ёндашув эса юридик анъаналар ва маданиятда, сиёсий ирода етишмаслигига ва мазкур муносабатда илдамлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар дастурлари етишмаслигига илдиз олган. Амалда, судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ҳамон ИИМ ҳуқуқлар борасидаги халқаро ҳуқуқ билан таништирилмайди ва одатда ўз ишларида унга бевосита мурожаат қилмайдилар.

Ўзбекистонда ИИК ҳуқуқларни судда кўриб чиқиш имконияти доим ҳам тан олинмайди, ИИК ҳуқуқлардан баъзилари бузилган тақдирда суд орқали ва судлар томонидан тикланиши лозим бўлган ҳуқуқ сифатида қаралмайди. Аксинча, соҳадаги кўп мутахассислар камситмаслик ёки соғлиқни сақлаш ва таълим олиш ҳуқуқлари жиҳатларини судда кўриб чиқилмайдиган характерга эга имтиёз деб биладилар. Шундай эътиқодга ва тайёргарликка эга адвокатлар бундай ишларда юридик фалликни намойиш етмайдилар.

Ўзбекистон гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисда, шунингдек ногиронлиги бор кишилар ҳуқуқлари тўғрисида қонунлар қабул қилиш каби ИИМ ҳуқуқлар борасида тенг муҳофазани таъминлайдиган муайян муҳим қонунчилик чораларини кўрди. Бироқ бошқа соҳаларда, айнан жинсий ориентация ва гендер ўзликни таниш борасида, кўнун камситишга йўл қўяди ва ҳатто уни талаб қиласди. Ушбу бўшлиқларни бартараф этиш учун камситиш ҳолларида суд чораларини кўриш имониятини берувчи камситишга қарши ялпи қамровли қонун ҳужжатлари зарур. Устига устак, диққат ҳамон камситилаётган ва ИИМ ҳуқуқларидан фойдаланишда тўсиқларга дуч келган хотин-қизлар, имкониятлари чекланган ва ижтимоий жиҳатдан четлаштирилган гурух аъзоларининг ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш учун ҳуқуқий асосларни тадбиқ этишга қаратилиши лозим.

Мунтазам равишда мажбуrlab одамларни туар жойларидан чиқариш ҳоллари муносабати билан уй-жой ҳуқуқлари Ўзбекистонда айниқса ташвиш уйғотадиган мавзу бўлиб қолди. Уй-жойга эга бўлиш ҳуқуки борасида яхши ривожлантирилган ҳуқуқий асос мавжудлиги қонунларни амалда қўллашда муваффақиятсизликни бўрттририб кўрсатади, чунки муайян ҳолларда уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишда суд чоралари самара бермаяпти.

Соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ тўла ҳимояланмаган ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятлари қонунда таъминланган ҳолда сифатли хизматлар тақчил бўлиб келмоқда. Бу ҳолат тўлик юридик асосга қарамай мавжуд, муаммолар COVID-19 пандемияси даврида яққол кўринди.

Ўзбекистоннинг меҳнат қонун ҳужжатлари яхши тузилган ва ишлаб чиқилган. Бироқ, қонунларни яхши ниятли сўзидан ҳаётда ҳар ким манфаат кўришини таъминлаш учун уларни амалда қўллаш талаб этилади. Меҳнат қонун ҳужжатларининг рўё характеристи қонунда аниқ равишда тақиқланган, аммо амалда кенг кўлланилган ва мунтазам бўлган ўн йллаб мунтазам давом этган ва баъзи ҳолларда ҳамон давом этаётган болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдар фойдаланиш орқали намойиш этилди.

## Тавсиялар

Юқоридаги хulosаларни назарда тутиб, халқаро ҳуқуқ ва стандартларга асосланиб, Юристлар халқаро комиссияси (ЮХК) қўйида бир қатор тавсияларни келтирди, уларнинг кўпи адлия тизими ва суд тизими ролига қаратилган. Аммо шунингдек ЮХК ижроия органлари, парламент ва юристлар ИИК ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кучайтиришга қаратилган қадамлар қилишини тавсия қиласди.

### Суд тизимига тегишли тавсиялар

Судьялар инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартномаларни БМТнинг тегишли шартномалар органлари талқинида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда, миллий қонун ҳужжатларини талқин қилиш воситаси сифатида, шунингдек миллий қонун ҳужжатларининг ҳам Ўзбекистон Конституцияси ва унинг халқаро ҳуқуққа доир мажбуриятларига монандлигини текшириш учун одатий амалиёт тарзида қўллашлари лозим. Бошқа чоралар қаторида Олий суд Пленуми халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий юридик тизимга самарали имплементация қилиш борасида йўрик қарор қабул қилиши лозим.

Конституциявий суд жисмоий шахслар ва юридик шахсларнинг миллий ва халқаро ҳуқуқ доирасида ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги индивидуал мурожаатларини кўриб чиқиш юрисдикциясига эга бўлиши лозим. Амалда, Конституциявий суд қонунларни тадбиқ этиш амалиёти орқали инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг миллий юридик тизимга имплементациясини текшириши лозим.

Суд органлари, юристлар ва прокуратура органлари ИИК ҳуқуқлар бузилиши тахмин қилинган ҳолларда қонун доирасида чора кўриш учун етарли воситалар билан таъминланган бўлиши лозим.

ИИК ҳуқуқлари, жумладан уй-жой, соғлиқни сақлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари бузилишидан жабрланувчилар одил судловдан ва ҳимоя воситалардан фойдаланиш, жумладан суд орқали, имкониятини берувчи юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Зарур бўлган ҳолларда текин юридик ёрдам таъминланиши ва айниқса ижтимоий жиҳатдан чеккаланган ва имкониятлари чекланган ҳолатдаги кишиларга, масалан мажбурий меҳнат қурбонларига ҳуқуқлари ва ҳимоя восидаларидан фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги ахборотни етказиш учун саъй-ҳаракат қилиниши лозим.

Хусусий ИИМ ҳуқуқлари масаласи судда кўрилган ҳолларда, ИИМ ҳуқуқлар борасида ҳисоботда аниқланганлар муносабати билан, тегишли ҳолларда, судлар қўидагиларни амалга ошириши лозим:

- камситмаслик ва тенг ҳимоя принципларининг амалда қўлланилишини таъминлаш;
- уй-жой қонун ҳужжатлирига риоя қилишни, жумладан мажбурлаб уйдан чиқарип юборишдан ҳимояни уй-жой борасидаги халқаро ҳуқуқ руҳида таъминлаш. Судлар, жумладан уйдан чиқариш ишларини кўриб чиққанда, уй-жойга бўлган ҳуқуқ хусусий мулк ҳуқуқидан кенгроқ ва мулк эгаси бўлмаганлар, жумладан ижаракилар ва турар жойни норасмий тарзда эгаллаб турганлар ҳам халқаро ҳуқуққа асосан турар жой ҳуқуқига эга. Тураг жойидан чиқарилган барча шахслар, халқаро ҳуқуққа биноан, муқобил турар жой ёки мутаносиб товон билан таъминланиши лозим;
- инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига асосан соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мажбуриятлар руҳида соғлиқни сақлаш конститициявий ҳуқуқни қўллаш;
- инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига биноан мажбуриятлар руҳида меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий асос қўлланилишини таъминлаш ва жумладан мажбурий меҳнат ҳолларида суд ҳимояси воситаларини таъминлаш.

Юристлар, жумладан судьялар учун тегишли профессионал ташкилотлар ўтказадиган тренинг ва малакани ошириш тадбирларда халқаро ҳуқуққа биноан ИИМ ҳуқуқларини қамраб олиниши лозим.

Шунингдек, суд тизими институтлари мунтазам равиша хусусий БМТ Шартнома органларининг ИИМ ҳуқуқлари талқин қилинлан қарорларини эълон қилиб бориши ва уларни маҳаллий тилларда судьяларга етказиши лозим.

Судлар нафақат расмий, балки ҳақиқий ва самарадор мустақилликка эришишга қаратилган ялпи қамровли ислоҳотлар йўлга қўйилиши лозим. Суд фаолиятига ижроия ва қонунчилик муассасалари томонидан ноўрин, жумладан *de jure* ва *de facto* (қонунга биноан ва аслида) мустақил Олий судьялар кенгаши ва унинг жараёнлари орқали аралашувнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш лозим. Шу муносабатда БМТ маҳсус маърузачисининг Ўзбекистонга келиши натижасидаги Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги тегишли тавсиялар тўлиқ тадбиқ этилиши мухим аҳамият касб этади.

Қарорлар тарафлар ва жамоатчилик томонидан равshan юридик қоидалар тадбиқ қилинган ваadolатли кўриб чиқиша лозим баҳолаш қўлланилди, деб қабул қилиниши учун уларнинг сифати оширилиши лозим.

Суд органлари суд қарорлари жамоатчиликка, жумладан онлайн воситалар орқали етказилишини таъминлаш учун изчил чораларини кўришлари лозим.

Аҳоли одил судловга мурожаат қилиши осонлигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик, жумладан ногиронлиги бўлган кишилар, суд биноларига киришини осонлаштириш лозим.

## **Ижроия ҳокимият ва парламентга доир тавсиялар**

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида жорий этилган халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан устунлиги амалда қўлланиши лозим. Халқаро ҳуқуқ, стандартлар ва инсон ҳуқуқлари амалиёти, жумладан ИИМҲХПи борасидаги амалиёт ҳуқуқий, бошқа

мақсадлар қаторида халқаро ҳуқуққа биноан мажбуриятлар, жумладан тенглик ва камситмаслик, турар жой, соғлиқни сақлаш, меҳнат ҳуқуқлари, одил судловдан баҳраманд бўлиш масалаларига ва ИИМ ҳуқуқлар бузилганда ҳимоя қилиниш мажбуриятларга мувофиқлик таъминлашга қаратилган ислоҳотлар учун давомли дастурни тартибга солувчи асос бўлиши лозим.

БМТ шартнома органларининг ИИМ ҳуқуқлар борасидаги тавсиялари, жумалан даврий ҳисобот жараёни, шунингдек Инсон Ҳуқуқлари Кенгашининг Ялпи Даврий Обзори натижалари асосидаги тавсиялари фуқаролик жамият билан маслаҳатлашувни ўз ичига олган тузилмали жараён орқали тўлалигича бажарилиши лозим.

Ўзбекистон ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишни таъминлаши мумкин бўлган қўшимча халқаро ҳужжатларга қўшилиши лозим. Бу ҳужжатлар сирасига БМТнинг Ногиронлиги бор шахсларни ҳимоя қилиш конвенцияси ва унинг факультатив протоколлари киради. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг тегишли шартномаларига биноан ҳимояланган ҳуқуқлар бузилишида тиклашни истаб БМТнинг шартнома органларига индивидуал алоқа (шикоят) билан мурожаат қилишга имкон берадиган тартибларга қўшилиши лозим: булар сирасига Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга Қўшимча протокол, Хотин-қизларни камситишни бартараф этиш конвенциясига Қўшимча протокол, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Боғланиш тўғрисидаги қўшимча протокол киради.

Парламент бевосита ва билвосита камситишни тақиқловчи ва тенг ҳимояни жамоат ва хусусий секторларида барча асосларда кафолатловчи ялпи қамровли камситишга қарши қонунларни қабул қилиши лозим. Қонун ҳужжатлари судлов ва маъмурий тартибда кўриб чиқиша камситишдан жабрланувчиларга ҳимоя воситалидан фойдаланиш ва товонни, жумладан лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқий маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам орқали, кафолатлаши лозим.

Парламент Адвокатлар палатасининг мустақиллигини, хусусан ижроия ҳокимиятдан мустақиллигини тиклайдиган қонунларни қабул қилиши лозим.

Қонун чиқарувчи ҳокимият жиноий бўлмаган ҳолларни, шунингдек ИИМ ҳуқуқлари ҳолларни қамраб оладиган тўлиқ фаолият кўрсатадиган тизимни барпо этиш, шунингдек ИИМ ҳуқуқлари ҳолларида одил судловдан баҳраманд бўлишни кучайтириш мақсадида Ҳуқуқий ёрдам тўғрисида қўнунни қабул қилиши лозим.

## **Хусусий ИИМ ҳуқуқларга доир тавсиялар**

Турар жойдан чиқариб юбориш тартиби ва амалиёти халқаро ҳуқуққа мос бўлиши лозим, у ҳақиқий маслаҳатлашув, мувофиқ хабар қилиш, мувофиқ ахборот бериш, ҳукумат ҳужжати, чиқариш жараёнида лозим шароит стандартларига жавоб бериши лозим. Шахс турар жойдан чиқаришига норози бўлган ҳолларнинг барчасида самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкони берилиши лозим. Мажбурий чиқариб юбориш барча ҳолларда, бу хусусий, давлат ёки бошқа турар жойдан бўладими, тақиқланиши лозим.

Сифатли соғлиқни сақлаш хизматлар мавжуд бўлиши, улардан фойдаланиш имконияти таъминланиши (жумладан жисмоний, иқтисодий ва ахборотдан фойдаланиш имконияти), мақбул ва мамлакатдаги ҳар бир киши учун ҳеч қандай камситишсиз, яхши сифатли бўлиши лозим. Соғлиқни сақлаш хизматлари қонун билан таъминланган ерларда амалда ҳеч қандай камситишсиз улардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим.

Иш жойида камситиш масаласи, айниқса жинсий тегажоғлик каби жинс асосидаги камситиш давлат сиёсати даражасида устувор масала сифатида жамоатчилик ва иш берувчилар орасида хабардорликни ошириб, кўриб чиқилиши лозим. Аёллар

хомиладорликлари натижасида камситилишдан жабр күрмаслиги лозим. Иш жой-ида жинсий тегажоғлик ёки бошқа камситиш ҳоллари тахмин қилингандар ҳолларда суд химоясидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Меҳнат ҳуқуқларини тартибга солувчи миллий ҳуқуқий асосга риоя қилишни таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Хусусан, мажбурий меҳнат ҳоллари бутунлай тугатилиши лозим. Меҳнат ҳуқуқига доир ҳолларда шахслар шартномавий ҳимоясиз қолганларида, шахсларга халқаро меҳнат ҳуқуқи ва стандартларига биноан барча зарур ҳимоя воситалари тақдим этилганлигини таъминлаш мақсадида умурий қоидалар қўлланиши лозим.



## **ЮХК – Комиссия аъзолари**

2021 йилнинг май ойи учун (янгиланган рўйхат қўйидаги манзилда жойлаштирилган: [www.icj.org/commission](http://www.icj.org/commission))

### **Президент:**

Проф. Роберт Голдман, АҚШ

### **Вице-президентлар:**

Проф. Карлос Айяла, Венесуэла  
Судья Радмила Драгичевич-Дичич, Сербия

### **Ижроия қўмитаси:**

Судья сэр Николас Братца, Бирлашган Қироллик  
Леди Сильвия Картрайт, Янги Зеландия  
Хоним Роберта Кларк, Барбадос—Канада (Раис)  
Жаноб Шаван Жабарин, Фаластин  
Хоним Хина Жилони, Покистон  
Судья Санжи Монагенг, Ботсвана  
Жаноб Белисарио душ Сантуш кичик, Бразилия

### **Комиссиянинг бошқа аъзолари:**

Проф. Кён-Ван Ан, Корея Республикаси  
Судья Чинара Айдарбекова, Қирғизистон  
Судья Адолфо Азкуна, Филиппин  
Хоним Ҳадил Абдел Азиз, Иордания  
Жаноб Рид Броди, АҚШ  
Судья Азҳар Качалия, ЖАР  
Проф. Мигель Карбонелл, Мексика  
Судья Мозес Хунгве Чинхенго, Зимбабве  
Проф. Сара Кливленд, АҚШ  
Судья Мартина Комте, Франция  
Жаноб Марзен Дарвиш, Сурдия  
Жаноб Ғамал Ҳайдид, Миср  
Жаноб Роберто Гарретон, Чили  
Хоним Нагла Ҳайдар Ал Аддал, Ливан  
Проф. Михело Хансунгуле, Замбия  
Хоним Гулнора Ишанханова, Ўзбекистон  
Хоним Имрана Жалал, Фижи  
Судья Калтум Кенноу, Тунисия  
Хоним Жеймсина Эсси Л. Кинг, Сьерра-Леоне  
Проф. Сезар Ланда, Перу  
Судья Кетил Лунд, Норвегия  
Судья Кинисиле Мабуза, Эсватини  
Судья Хосе Антонио Мартин Паллин, Испания  
Проф. Хуан Мендез, Аргентина

Судья Чарлз Макандавайр, Малави  
Судья Ивон Мокгоро, ЖАР  
Судья Тамара Моршчакова, Россия  
Судья Вилли Мутунга, Кения  
Судья Эгберт Майер, Нидерланд  
Судья Жон Лоуренс О'Мили, Австралия  
Хоним Микико Отани, Япония  
Судья Фатсаҳ Угергуз, Жазоир  
Д-р Ярна Петман, Финляндия  
Проф. Моника Пинто, Аргентина  
Проф. Виктор Родригез Ресция, Коста-Рика  
Жаноб Александро Салинас Ривера, Чили  
Жаноб Михаэль Сфард, Испроил  
Проф. Марко Сассоли, Италия—Швейцария  
Судья Ажит Пракаш Шох, Ҳиндистон  
Судья Калян Шреста, Непал  
Хоним Амбига Среневасан, Малайзия  
Судья Марван Ташани, Ливия  
Жаноб Уилдер Тайлер, Уругвай  
Судья Филипп Тесье, Франция  
Судья Лилиан Тибатемва-Экирикубинза, Уганда  
Судья Штефан Трексл, Швейцария  
Проф. Родриго Упримни Йепес, Колумбия



International  
Commission  
of Jurists